ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

اوزبیکستان ادبیاتی وصنعتی

МУСТАҚИЛ ҲАФТАЛИК ГАЗЕТА

1992 ЙИЛ, 30 ОКТЯБР, № 44 (3200) ЖУМА

ҚУТЛУҒ ҚАДАМ

БОШ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ УМУМХАЛҚ МУҲОКАМАСИДА

Мустақил Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳасининг хос хусусиятлари унинг муқаддимасидаёқ қисқача ифодалаб берилган. Биз, фуқаролар, жумҳуриятимиз Конституцияси лойиҳаси ҳақида фикр-мулоҳаза билдирарканмиз, ана шу бош мезондан келиб чиқмоғимиз лозим.

Муқаддиманинг дастлабки таъкидида инсон ҳуқуқларига содиқлик эътироф этилади. Бинобарин, «Инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари» бўлимидаги талайгина моддалар инсон ҳуқуқларини таъминлашга кафолат беради. Жумладан, менга 28-моддада кўрсатилган ҳуқуқ, айниқса, манзур бўлди. Унда «Ҳар ким фикр, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга. Ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга, конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборот бундан мустаснодир.

Фикр юритиш ва уни ифодалаш эркинлиги фақат шахсий, тижорат, шунингдек давлат сири бўлганлиги сабабли қонун билан чекланиши мумкин», дейилган.

Фуқаролар, жумладан, ҳар бир шахс учун бундай ҳуқуқнинг берилиши инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш йўлида илгари ташланган қадамдир. Менимча, шу ўринда «шахслар қонунда белгиланган фикр, сўз ва эътиқод эркинлиги учун бирон-бир йўл билан тақиб этилмайдилар», деб ёзиб қўйилса, яхши бўларди. Шунингдек, мазкур моддадаги иккинчи абзац жиддий таҳрирга муҳтож деб ўйлайман. Бундаги «чекланиши мумкин» ибораси кейинчалик талайгина чалкашлик ва нохушликлар келтириб чиқариши мумкин. Шунинг учун бу абзацни «Фикр юритиш ва уни ифодалаш эркинлигидан фойдаланаётган шахсга қонун йўли билан белгиланган шахсий, тижорат, шунингдек давлат сирини очиб қўймаслик мажбурияти юкланади», дейилса, дуруст бўларди.

Конституция лойиҳасининг 64-моддаси оммавий ахборот воситаларига бағишланган. Унда белгиланган ҳуқуқ нормаларини қўллаб-қувватлаган ҳолда, айрим қўшимча киритишни таклиф қилардим. Жумладан, мазкур модда охирига «Оммавий ахборот воситалари журналистик текширувтафтиш ҳуқуқига эгадирлар. Оммавий ахборот воситалари ходимларини Ўзбекистон Республикасининг барча давлат органлари, корхоналари, муассасалари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслар қонун йўли билан рухсат этилган доирада факт, ҳужжат ва қарорлар билан таништиришга мажбурдирлар», сўзлари қўшилса, жамият ҳаётида турли қўринишларда содир бўлиб турган адолатсизлик, қонунни бузишлар каби салбий ҳодисалар камайган бўларди.

Конституция лойиҳасининг муқаддимасида жумҳуриятимизнинг инсонпарвар демократик, ҳуқуқий давлат барпо этишни кўзлагани таъкидланган. Модомики, шундай экан, Конституцияда бу ўз ифодасини топиши керак. Лойиҳадаги кўпгина моддалар бундай талабга жавоб беради. Айни пайтда, фикримча, Конституциямизнинг бу жиҳатдан янада мукаммалроқ бўлишини ўйлашимиз керак. Конституция лойиҳасида жумҳуриятимизнинг қонун чиқарувчи органи — Олий мажлиси ҳақида шундай дейилган: «Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси ҳудудий сайлов округлари бўйича кўп партиялилик асосида беш йил муддатга сайланадиган 150 нафар депутатдан иборат». Бу модда ҳар бир фуқарога маъқул келади, деб ўйлайман. Шу ўринда, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамаси, яъни ҳукумат тизимида ҳам, кўп партиялилик шартидан келиб чиққан ҳолда, муайян вазирлик лавозимларини муайян партиялар вакиллари эгаллаши қонун йўли билан мустаҳкамланса, яъни каолицион ҳукумат тизимига йўл очилса, айрим партияларнинг мутлақ ҳокимлилик тизимидан қутулиш учун қонуний замин яратилган бўларди. Яна бир масала. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Конституция лойиҳасидаги моддаларга кўра, жуда катта ҳуқуқларга эга. Унинг фармонларини фақат Конституцион судгина Ўзбекистон Конституцияси қонунларига мос ёки мос эмаслиги нуқтаи назаридан кўриб чиқиши мумкин. Шундай бўлса-да, Конституцион суд раиси ва аъзолари номзодларини Республика Олий Мажлисига Республика Президенти тақдим эта олади. Бу мантиқан тўғримикин? Конституцион суд ва аъзоларининг номзодлари, менимча, Олий Мажлис аъзолари (ёки бир гуруҳи) томонидан кўрсатилиб, унда сайлангани маъқулга ўхшайди.

Бойбўта ДУСТҚОРАЕВ,
ТошДУ матбуот назарияси ва амалиёти кафедрасининг мудири

Мардон ШАМСИЕВ:

ДЕҲҚОН—УМИДЛИ ОДАМ

Навоий вилоятн пахтакорлари ҳар куни давлат хирмонига уч фоиздан ошириб, «оқ олтин» топширишмоқда. Машина теримга жиддий эътибор қаратилган. Ижарачилар эрта тонгдан қош қорайгунга қадар етиштирилган ҳосилни саранжомлаш ташвишида. Хуллас, навоийлик пахтакорларнинг шу кечакундуздаги фидокорона меҳнатлари, ташвиш ва қувончлари ҳақида Навоий вилоят ҳокими муовини Мардон ШАМСИЕВ шундай ҳикоя қилади:

— Навоий — табиати ва иқлим шароитига кўра анча мураккаб вилоят. Қиш чўзилиб кетади. Баҳор кечикиб келади. Куз ҳам эрта тушади. Бу шароит пахта етиштиришга унчалик қулай эмас. Шундай бўлса-да, навоийликлар ҳар йили пахтадан мўл ҳосил етиштирадилар. Айниқса, бу йилги баҳорнинг инжиқ ва серёғин келиши деҳқонларни анчагина ташвишга солиб қўйди. Вилоятимиздаги 44 ярим минг гектар пахта майдони бир эмас, икки-уч мартадан қайта бузиб экилди. Мен узоқ йиллар Қизилтепа туманига раҳбарлик қилиб юрган даврлардан биламанки, об-ҳаво бу қадар оғир келмаган. Бу қадар пахтакорларни қийнамаган. Техника, ёқилғи ва уруғлик чигитнинг нархи кўтарилиб турган бир пайтда қайта-қайта экин экишнинг ўзи бўлади дейсизми? Бунинг устига вилоятнинг асосий пахтакор вилоятлари ҳудудида оқиб ўтган Зарафшон дарёси бир неча бор тошиб, қирғоқларга туташ пахта майдонларида бир текис униб чиққан ғўзаларни ювиб кетди. Айниқса, бундан Навбаҳор тумани хўжаликлари катта зиён кўрди. Ҳали ҳам деҳқоннинг иродасига, чидамига балли. Унинг жасоратига қойил қолиш керак. Ўзбекчалик ерни жон-дилдан севадиган, меҳнатдан қочмайдиган ҳалол халқ дунёда бўлмаса керак, деб ўйлайман.

Гапнинг очиғи, далаларда тиним билмай меҳнат қилаётган, ҳар қандай оғир шароитда кетмонини қўлидан қўймайдиган ҳақиқий ўзбек деҳқони тўла маънода қадр топган дея олмаймиз. Инсон аввало ўзининг, сўнг меҳнатининг қадрини билиши керак. Айримлар зўр бериб қоралаётган турғунлик йилларида ҳам деҳқон бир лаҳза даладан чиққани йўқ. У мудом яхши кунлар келишига, турмуши фаровон бўлишига ишониб яшади ва тер тўкиб меҳнат қилди. Ҳозир ҳам шундай...

Шу кунларда Қизилтепа туманидаги «Зарбдор» давлат хўжалиги 832 тонна, «Ўртачўл юлдузи» давлат хўжалиги 1460 тонна пахта топшириб, йиллик режаларини ортиғи билан бажардилар. Хатирчилик бригада бошлиқлари Садриддин Сатторов 193 тонна, Тошқўлат Аҳмедов 191 тонна, навбаҳорлик Худойқул Сулаймонов 192 тонна, Худоймурод Бобомуродов 240 тонна, Шоди Қиличев 274 тонна, навоийлик Шариф Орзиев 100 тонна, Нормурод Нуримов 262 тонна юқори сифатли пахта топшириб, белгиланган режаларни аллақачон уддаладилар. Шу кунларда илғор бригадалар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Буларнинг ҳаммаси ижара услубининг шарофатидир. Шу ўринда шаҳарлик ҳашарчиларнинг ҳиммати алоҳида қайд этгим келади. Масалан, Навоий давлат педагогика институти талабалари Ўртачўл массивида завқ-шавқ билан ёрдам бермоқдалар. Уларга ҳар килограмм пахта учун 4 сўмдан тўланяпти.

Ўзбекистон Республикаси президенти Ислом Каримовнинг «Пахтанинг харид нархларини ошириш тўғрисида»ги фармони навоийлик пахтакорларни ҳам қувонтирди. Айниқса, давлатга сотиладиган пахтанинг харид нархи бир ярим баробар ошганлиги ҳамда хўжаликлар пахта тайёрлаш режасидаги маҳсулотнинг 15 фоизини ва режадагидан ташқари пахта ҳажмини эркин шартномали нархлар асосида сотиши пахтакорларга катта имкониятлар яратди. Бу етиштирилган ҳосилни тез, тоза ва сифатли йиғиб олишга даъват этади. Иккинчидан, қишлоқ меҳнаткашларининг даромади кўпаяди. Ижарачининг меҳнат ҳақи бир неча бор ортади. Лўнда қилиб айтганда, деҳқон меҳнати қадр топиб, бозор ё дўконга сал дадилроқ борадиган бўлади.

Маълумки, яқинда атоқли давлат ва жамоат арбоби Шароф Рашидов таваллудининг 75 йиллиги республикамизда кенг нишонланади. Бу санага навоийликлар ҳам алоҳида тайёргарлик кўрмоқдалар. Чунки Шароф аканинг ташаббуси ва жонбозлиги туфайли Навоий вилояти ташкил этилган эди. Вилоятнинг қайта тикланганидан Шароф Рашидов руҳи ҳам шод бўлган бўлса ажаб эмас. Кундан кунга юксалаётган улкан пахта хирмонимиз ана шундай юрт ва халқ фидойисининг тўйинга муносиб совғадир.

Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароити ва нарх-наво гирдоби атрофида ҳамма ўзи билан ўзи овора бўлиб қолган. Бу мураккаб кунларни, худо хоҳласа, кўрмагандай бўлиб кетамиз. Ёруғ ва яхши кунлар олдинда. Ўзбекистон пахтазорлари халқнинг туганмас бойлиги.

А. ЖУРАЕВ ёзиб олди

Кетмади кўнгулдин ҳеч дийдори Самарқандининг,
Кўзумдин учар ҳар дам гулзори Самарқандининг...

Муҳаммад ШАЙБОНИЙХОН

Одамни ҳадеб «Сен — каллаварамсан, аҳмоқсан», «Ота-боболарингг ҳам саводсиз, нодон, аҳмоқ ўтган» деб турткилайверилса, чиндан ҳам у меровга айланиб қолади. Устига-устак миллатнинг пешволари — раҳнамолари, зиёлилари ватандошларини босқинчиларга қарши курашга кўтариш ўрнига ўзлари мустамлакачилар билан оғиз-бурун ўпишиб, улар билан бирлашиб элдошларини хорлаб, тепкилашни одат қилиб олсалар-чи! Бундан ортиқ фожеа, йўлсизлик бўлмаса керак. Оқибати маълум: халқ ўзлигини йўқотади, тарихини унутади. Ўзбекнинг улуғ фарзанди Муҳаммад Шайбонийхонинг тарихий тақдири ҳам биз унутаёзган тарихимиздаги бир фахрли ва изтиробли саҳифадир. Биз бу шерюрак бобомизнинг ҳаёти, ижоди билан энди-энди танишмоқдамиз. Хусусан, у зотнинг ҳассос, дилга яқин, юқорида эпиграф сифатида келтирилган мисралардаги каби ватан меҳрига тўлуғ шеърияти — «дардмандона овози» (Муҳаммад Солиҳ) халқимизга қайта бошладик. Худо хоҳласа, Шайбонийхон сиймоси кўз ўнгимизда бор бўйи билан қад ростлайдиган кунлар ҳам келар. Ҳозирча ҳафталигимизнинг бу сонида классик шоирмиз шеъриятидан намуналар эълон қилаётирмиз. Сиз кўриб турган Муҳаммад Шайбонийхонинг сурати эса ўзбек рассомлик санъатининг бобокалони, геннал мусаввир Камолиддин Беҳзод қилқаламига мансубдир. Бу нодир асарнинг оқ-қора тасвири, шубҳасиз, аслият ҳақида ҳаққоний тасаввур уйғотолмайди. Беҳзоднинг «Муҳаммад Шайбонийхон сурати» 1507 йили яратилган. Асар ҳозир АҚШда бир санъат мухлисининг қўлида сақланмоқда. Суратни тарихчи ва санъатшунос олим Наим Норқулов шундай таснифлайди:

«Расмда хон безаксиз оддий, аммо қимматбаҳо кийимда, чордона қурган ҳолда тасвирланган. Мусаввир чизган тасвирда Шайбонийхоннинг барча хислатлари намоён: салобатли қомати, тиззаларига таянган қўллари, мағрур ҳолати, лабларининг қимтилгани улкан жисмоний куч, қатъийлик, букилмас иродани билдиради.

Юз тузилиши, кичик оғзи, мўйлаби, кўзларининг эътиборли қиё боқиши заковат ва ўткир зеҳндан, софдилликдан далолат беради. Беҳзод ўзи тасвирлаётган шахснинг руҳи, касби ва қизиқишларини аниқлашга ёрдам берадиган ашъёларни ҳам тасвирлаган. Шайбонийхоннинг ўнг қўли бош бармоғидаги ўқёй отганда тақиладиган ҳалқа унинг моҳир жангчилигига ишора. Кўз ўнгимизда зиёли, шоир ва ҳомийлик хислатларини ўзида мужассамлантирган саркарда, давлат арбоби турибди».

Шайбонийлар сулоласи салкам юз йил ҳукмронлик қилди. Уларнинг энг буюк хизмати шундаки, шайбонийлар давлатчилигимизни сақлаб қолди, юртимизни сафавийлар тажовузидан қутқарди. Бу даврда адабиёт, санъат, меъморлик, умуман маданият юксалди; ўзбек тилининг мавқеи ошди (масалан, ана тилимизда тарихий асарлар битилди, нодир китоблар ўзбек тилига таржима қилинди...); Самарқанд, Бухоро тасвирий санъат мактаблари шаклланиб, камол топди ва ҳоказо. Албатта, шайбонийлар даври теран, холис илмий тадқиқ этилишга муҳтож. Адабиётчиларнинг биринчи навбатдаги вазифаси эса, Шайбонийхон ва бу сулоланинг бошқа вакилларининг туркий ҳам форсий тилларда битган асарларини тўплаб, нашр этишдир.

М. САЪДИЙ

3-БЕТ

ШАРОФ РАШИДОВ ТАВАЛЛУДИНИНГ 75 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

ФИДОЙИЛИК УНУТИЛМАЙДИ

Ҳамза номидаги Санъатшунослик институтида «Шароф Рашидов ва ўзбек маданияти, санъати тараққиёти» мавзуида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Анжуманни Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваторияси, Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институти, Маннон Уйғур номидаги Тошкент Давлат санъат институти ва санъатшунослик институти ҳамкорликда ўтказдилар. Анжуманни Ўзбекистон республикаси Маданият ишлари вазирининг ўринбосари Н. Иброҳимова кириш сўзи билан очди ва олиб борди

ЎзФА мухбир аъзоси профессор М. Раҳмонов «Ш. Рашидовнинг ўзбек маданияти ва санъати ривожидаги ўрни», филология фанлари доктори, профессор М. Муродов «Ш. Рашидовнинг ўзбек халқ оғзаки ижодига муносабати» ва санъатшунослик номзоди Ю. Носирова «Ш. Рашидов ва ўзбек балети» мавзуларида маърузалар қилдилар.

Шунингдек, анжуманда таниқли кинорежиссёр Ш. Аббосов, Тошкент Давлат маданият институти ректори А. Тўраев Ш. Рашидов ҳақидаги хотиралар билан ўртоқлашди. Анжуманга санъатшунослик институти директори, профессор. Т. Ғофурбеков якун ясади. Анжуман сўнгида санъат ва маданият олий ўқув юртларининг ўқитувчилари ва талабаларининг концерти бўлди. Республикада хизмат кўрсатган артист Муножат Йўлчиева дилрабо қўшиқлар ижро этди.

2-БЕТ

ЭРКАКЛАР РАҚСИ ХУСУСИДА

куюнчак газетхонлардан хатлар

Кўпинча телевизорда, катта-кичик саҳналарда йигитларнинг раққосалар билан биргаликдаги рақсларини кўриб ҳайрон бўламан. Ҳаракатлар бир хил. Раққосалар нима қилса, йигитлар ҳам шуни такрорлайверади. Қараб туриб энсанг қотади, ўйланиб қоласан. Беихтиёр савол туғилади: халқимизда эркаклар рақси бўлганми? Бу саволга ўзимча жавоб излайман. Хоразмда эркаклар рақси бор. Лекин у жумҳуриятимизнинг бошқа вилоятларига ёйилмаган. Бунга сабаб, менимча, Хоразм эркаклар рақсида озарбойжон рақсларининг озми-кўпми таъсири борлигидадир. Улар ўртасида маданий алоқалар бўлганлиги аниқ. У маълум жойлардагина оммалашган. Саҳналарда ижро этилаётган рақсларнинг қандайлигини билмадиму, лекин бизнинг ажойиб, жанговар, ҳароратли эркакча рақсларимиз бўлган. Бунга От ўйини, симдор устидаги рақслар, ёғочоёқ устидаги рақсларни мисол келтириш мумкин. Бу мен билганларим. Билмаганларим қанча. Мана шулар бизнинг ҳақиқий эркакча рақсларимиз. Дунёга ёйишга, кўз-кўз қилишга арзигулик рақсларимиз. Бу рақслардаги энг характерли нарса шуки, унда ҳар бир ҳаракат бирон буюм ёрдамида амалга оширилади.

Яна ҳозирги кундаги рақсларга келсак. Биз қанчалик сунъий нарсани ҳаётга сингдиришга уринмайлик, у сунъийлигича қолаверади. Ҳозирда ижро этилаётган эркаклар рақслари ҳам шундан далолат бериб турибди. Бу менинг оддий рақс ихлосманди сифатидаги мулоҳазаларим, холос. Балки сиз бошқача фикрдадирсиз, газетхон?

Қодиржон ҚАЮМОВ

БУГУНГИ СОНДА:

- ШАРОФ РАШИДОВНИНГ ТАҚРИЗИ
- МУҲАММАД ШАЙБОНИЙХОН МЕРОСИДАН
- ЁШ АДИБ ҲИКОЯСИ
- БАХТ ВА БАХТСИЗЛИК ТИМСОЛИ
- САМАРҚАНД СУРАТКАШ НИГОҲИДА...

МУШТАРИЙЛАР БИЛАН МУЛОҚОТЛАР

КЎНГЛИМИЗ ЧАРОҒОН

Кейинги пайтда қанча рўзномаю жаридалар қисқариб кетди. Бунинг маданий ҳаётимизга таъсири сезилмоқда. Агар 20 миллиондан ортиқ аҳолимизнинг бир неча қисмигина буни англаганда, сал бўлса-да қайғурганда эди, рўзномаларимизни қисқаришдан сақлаб қолармидик. Фермада ишлайдиган бузоқбоқар укам бор. Ҳар йили «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафталигига обуна бўлади. Унга ҳавасим келади. Чунки у ҳафталикда ёритилган ҳар бир мақолани шундай таҳлил қиладики, атрофдагилар лол қолади. Фикрларини асосли қилиб исботлайди. Газета унинг жони дили. Агар мендан олдинроқ бирорта қизиқарли мақолани ўқиб қолса, ҳовлиқиб телефон қилади. Фикримни сўрайди. Куйиб-пишиб ўзининг хулосасини айтади.

Хуллас, ҳафталикни ўқиган кунимиз уйимиз ҳам, кўнглимиз ҳам ёришади.

Муҳтарама МАМАДАЛИЕВА
Балиқчи

●

Йилдан-йилга газета ва журналларнинг обуна нархи ошиб бормоқда. Ҳамма соҳада бўлгани каби бу соҳада ҳам уларнинг нархи ошиши учун маълум сабаблар бўлса керак. Мен бу ўринда ана шундай шароитда ҳам корхоналар, давлат ва жамоа хўжаликларининг ўз хизматчилари, меҳнаткашлари учун обуна борасида маълум имтиёзлар яратиб бераётгани ва бу имтиёзлардан қандай фойдаланилаётгани хусусида тўхталмоқчи эдим. Маълумки, ҳар бир хўжалик даромад имкониятидан келиб чиқиб, обуна жамғармасини ташкил қилади. Бу жамғармага ҳар бир пахтакор, чўпон ёки механизатор ҳисобига 400—500 сўмдан пул ўтказилади. Табиийки, бу обуна жамғармасига ўтказилган пул обуначин хоҳиш-истагига кўра ўзи истаган нашр обунасига сарфланиши лозим. Афсуски, кўп ҳолларда бу иш обуначилар кўнглидагидек амалга оширилмайди. Яъни, обуна жамғармасига ўтказилган пул, обуначи истайдими-йўқми, эътибор берилмасдан юқоридан тавсия этилган бирор нашр обунаси учун сарфланади. Оқибатда обуначига имтиёз сифатида ажратилган маблағ, айрим нашрларнинг обуна имтиёзига айланади. Мен бу ҳолни кўп кузатганман.

Демоқчиманки, қайси нашрга ёзилиш ҳуқуқи обуначига берилса, маъқул бўлар эди.

Иброҳим НУРИММЕТОВ
Амударё

●

1966 йилдан бери «Ўзбекистон адабиёти ва санъати»нинг бирон сонини қолдирмай ўқиб келаман. Фаолиятларингиз янада кучайди. Берилаётган мақолалар ўзбек тили ва адабиётидан ўтаётган дарсларимни мазмундор қилмоқда. Яна ўйламангизлар, домла «ютуқни» кўзлаб мақтаяпти деб. Асло!

Ижодларингизга муваффақиятлар тилайман!

Қўчқорбой ТЕШАБОЕВ
Андижон

ШАРОФ РАШИДОВ ТАВАЛЛУДИНИНГ 75 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Атоқли давлат ва жамоат арбоби, таниқли адиб Шароф Рашидов таваллудининг 75 йиллиги тобора яқинлашмоқда. Биз ушбу қутлуғ сана муносабати билан ҳафталигимиз саҳифаларида бир неча мақола эълон қилдик. Уларда Шароф Рашидовнинг ижтимоий-сиёсий, ижодий меҳнат фаолияти, инсоний фазилатлари ҳақида сўз юритилди. Қуйида эътиборингизга ҳавола этилаётган тавсиянома эса Шароф Рашидов қаламига мансуб қўлёзмалардан бўлиб, бундан роппа-роса 45 йил муқаддам ёзилган. Унинг ўзига хос таърифи бор. Улуғ Ватан уруши ғалаба билан тугагач, жангларда қатнашган, қирғин-барот даҳшатларини ўз кўзи билан кўрган шоир-ёзувчилар уруш ва ватанпарварлик мавзусида асарлар яратишга киришадилар. Жумладан, жангчи-шоир, журналист Назармат Эгамназаров ҳам бир туркум асарлар ёзади. 1948 йили уруш даврида ва ундан кейин яратган асарларини тўплаб, китоб ҳолида чиқариш мақсадида Ўзбекистон нашриётига топширади. Нашриёт ходимлари ўша кезларда «Қизил Ўзбекистон» газетасига муҳаррирлик қилаётган Шароф Рашидовдан тўпламга тақриз ёзиб беришни илтимос қилишади. Илтимос инобатга олинади...

Ҳозирга қадар ҳеч жойда эълон қилинмаган ушбу қўлёзмани Назармат ака салкам ярим асрдан буён ўз қўлида авайлаб-асраб келаётган экан. Яқинда уни бизга келтириб берди, иложи бўлса, табаррук инсондан бир ёдгорлик сифатида муштарийлар эътиборига ҳавола этишимизни сўради.

ЖАНГЧИНИНГ ШЕЪРЛАРИ

Мен бизга анчадан таниш бўлган талантли шоир Назарматнинг қўлимда мавжуд 30 га яқин шеърларини ва «Олимжон» достонини ўқиб чиқишга муяссарман.

Бу шеърларнинг деярлик кўп қисми 1943—1944—1945 йилларда Улуғ Ватан уруши фронтларида ёзилган бўлиб, Совет халқининг гитлерчи газандаларни йўқ қилиш йўлида олиб борган қаҳрамонона курашини акс эттиради.

Иккинчи бир туркум шеърлар эса 1946—1947 — 1948 йилларда ёзилган бўлиб, унда ўзбек халқининг пахтачиликни юксалтириш йўлида олиб борган кураши акс эттирилган. Учинчиси эса Назармат томонидан 1945 — 1947 йилларда ёзилган «Олимжон» сарлавҳали достон бўлиб, пахтакор-жангчи Олимжоннинг ҳаётини очиб беради.

Демак, Назарматнинг тўпламга кирган бутун шеърлари ва достони асосан 2 темада — фронт ва пахта учун кураш темасида ёзилгандир. Бу икки теманинг қанчалик муҳим аҳамияти шу актуал темаларда ёзилган шеърларини таҳлил қилиш ўринлидир.

Назармат Улуғ Ватан уруши бошлангандаёқ қўлига қурол олиб фронтга кетди. У жанг майдонларининг олдинги марраларида туриб, фашистлар билан юзма-юз қилинган қонли жанг тўфонларида бўлди. Жангчиларимизнинг жанг майдонларида кечирган ҳаёти, уларнинг маънавий қиёфаси, ғалабага ишонч руҳидаги психологияси, интилиши, жанг қилиши — бу коммунизм қураётган янги халқнинг одамзод эшитмаган, кўрмаган қаҳрамонлигининг, фидокорлигининг, Ватанга, коммунизм ишига чинакам содиқ эканлигининг ёрқин ифодаси эди. Назармат ана шу жангларда қатнашди, совет халқидаги битмас-туганмас ватанпарварлик намуналарини ўзи кўрсатди, ўзи кўрди... Бу ҳол ўз Ватанига абадий содиқ бўлган ёш шоир юрагига ўт ёқди. Назармат ўзининг 20 га яқин шеърларида фронтдаги жангларни, жангчиларимиз ҳаёти ва ғалабамизни тасвир қилади.

Назармат ўзининг «Ватан ишқи» деган шеърида:

«Баланд-баланд тоғнинг қори бўлади,
Мард йигитнинг номус-ори бўлади,
Ҳар инсоннинг ўз диёри бўлади,
Марднинг элга эътибори бўлади» —

дейди ва бу билан Ватан урушида бўлган ҳар бир ватанпарварнинг — солдат, офицер, генерал, денгизчи, ҳамшира, танкчи—ҳаммасининг қандай ғоя билан жанг қилганини усталик билан тасвирлайди. Назармат ўзининг «Ертўла», «Қасам», «Эр йигит», «Ватанга онт», «Рюген оролида», «Лолани кўрганда» ва бошқа бир неча шеърларида совет жангчисининг ички дунёсини очиб беради. Унинг психологияси — бутун ички кечинмалари, интилиши, тилак-орзуси тезроқ душманни енгиш ва она ўлкани гитлерчи одамхўрлардан халос қилишга қаратилганини тасвирлайди.

Шоир уруш бошланган кунларида, азиз тупроғимизнинг бир қисми немис-фашист газандалари томонидан босиб олинганида, олдинги маррада туриб:

«Душман оёғи-ла топталган ерлар,
Қадрдон ерлардан ўтиб бораман,
Қалбимда қайғуси она Ватаннинг,
Унинг тақдири-ла нафас оламан», —

дейди.

(«ҚАСАМ» шеъридан).

Шоир халқимизнинг, жангчиларимизнинг немис-фашист газандаларидан ўч олишларини, бегуноҳ тўкилган қонлар учун, босқинчилар қўли билан вайрон қилинган ҳар уй, ҳар қишлоқ учун қасос олишга онт ичиб жанг қилаётганликларини усталик билан ифодалайди. Назармат «Баланд дуб дарахтининг остида» шеърида бундай ёзади:

«Қабр ёнидан бош эгиб ўтдим,
Юрагимда унинг ўчи бор,
Ўч олмоқ-чун жангга йўл тутдим,
Қувватимда ватан кучи бор.

Назарматнинг ҳамма шеърлари (бир нечтасини истисно қилганда) ғалабага бўлган ишончни, совет жангчисининг немис-фашист солдатидан маънавий устунлигини, жангда моҳирлигини акс эттиради. Бу шеърлар поэтик жиҳатдан чиройли, ғоявий юксак шеърлардир. Бу шеърларни алоҳида тўплам қилиб чиқариш аҳамиятга сазовор иш бўлади.

Назармат ўзининг «Салом, Ўзбекистон», «Водийда», «Фарҳод тоғи этагида», «Чодирлар устида қизил байроқ», «Тунда мизғимай қолдим», «Тракторчи», «Ёш пахтакор» шеърларини фронтдан қайтиб келгач ёзди. Бу шеърларнинг ҳаммасида уруш ғалабамиз-ла тугаллангандан сўнг жангчиларимиз фронтдан қайтиб келиб, халқ хўжалигининг бутун тармоқларида фидокорона меҳнат қилаётганликларини тасвирлайди. Дарҳақиқат, жангни ғолибона тамомлаб келган жангчиларимизнинг бири заводда, бири қишлоқ хўжалигида, бири фан-санъатда — ҳар соҳада Она Ватаннинг истиқболи, ўз ҳаётининг фаровонлиги йўлида фидокорона меҳнат қилмоқда. Назармат ана шу қаҳрамонларни қаламга олиб, уларнинг тасвирида анча мувффақиятга эришган. У «Ёш пахтакор» шеърида она Ватанга мўл-кўл пахта етказиш орзусида катта мажбурият олиб, колхоз даласида фидокорона меҳнат қилаётган ёш қизнинг образини гавдалантиради:

«Ҳурмат билан колхозда уни,
«Бизнинг саркор қизимиз» дерлар.
Мўл ҳосилнинг бўлиб мафтуни,
Азиз эди унга дашт, ерлар.
Йиғим-терим тугаганда у,
Янги йилга режа тузарди.
Янги ният ва янги орзу
Билан ҳар кун қўриқ бузарди».

Бу шеърда пахтачиликни юксалтириш... йўлида мўъжизакор меҳнат қилаётган қизнинг олижаноб интилиши очиб берилади. Бу шеър поэтик жиҳатдан чиройли, мазмунан тўла, жозибадор ёзилган. Шеър оҳангдорлиги, равон, чиройли қилиб ёзилиши билан бирга, ундаги қофиялар ҳам усталик билан танланган.

Мисол учун:

Унга, «Эй, қиз, доим топ камол,
Ҳар тупимда бахту истиқбол,
Толеъинг бор», дегандай шу чоқ,
Туюлади ҳар ёш, яшил япроқ».

Бу тўртликдаги камол — истиқбол, шу чоқ — япроқ сўзлари жуда ўринли қофия қилингандир. Ундан ташқари, Назармат шеърларида, кўп ўринда сатрларда ортиқча сўзлар, мажбуран келтирилган сўзлар топилмайди. Шоир ўз тушунчасини эркин, хасис сатрларда ифодалайди. Унда ўринсиз саволлар, хитоб, киноялар ва ўхшатишлар топилмайди. Бу «Ёш пахтакор» шеъридагина эмас, балки «Тракторчи», «Водийда», «Фарҳод тоғи этагида» ва бошқа шеърларида ҳам мавжуддир.

Назарматнинг «Олимжон» достони 1945—1947 йилларда ёзилган бўлиб, унда пахтакор жангчи Олимжон образи гавдалантирилади. 1941 йил, ёз ойининг иссиқ кунлари, сувсираган ғўзаларга сув тутиб юрган Олимжон уруш бошлангани эшитади. Унга повестка келадию, жангга кетади. Тез ўтмай кетмонини милтиқ билан алмаштирган Олимжон жанг майдонларида қаҳрамонлик кўрсатади. Уни ҳамма ҳурмат қилади. У орденлар билан мукофотланади. Олимжон урушни тамом қилиб, ғалаба билан, оқ юз билан қайтиб келади.

Шуни айтиш керакки, достон кичик, ширин, равон ва қизиқарли қилиб ёзилган. Достондаги фактлар типик бўлиб, Олимжон образини очиб беришда ўринли танланган. Достон албатта босиб чиқаришга арзигулиқдир. Ўзбек адабиётимизда бундай образ деярлик яратилмаганлигини ҳисобга олганда, Назармат достонининг аҳамияти, қиммати янада ошган бўлади.

Шеърлардаги камчиликлар ҳақида бир-икки сўз. Биринчидан, мавҳумий, тушуниш қийин бўлган ҳамда поэтик кучсиз сатрлар борки, уларни дарҳол тузатиш керак.

Масалан:

«Гуркираса экинзор ерн»

ёки:

«Ҳосил уйса пешона тери»,

(«Олимжон»дан).

«Бу азиз элнинг ишқида ҳар он,
Юрагим мангу мафтун-оч ўлур...»

(Сарлавҳасиз шеърдан).

«Режамга қўшганман, бўлғай зўр қурол,
Чўлга сув очмасам, бўлгайман увол».

(«Тунда мизғимай қолдим»дан).

Бу каби ноаниқ сатрларни баъзи шеърларида учратиш мумкин. Буларни дарҳол тузатиш ва ундан сўнг тўпламга киритмоқ зарур бўлади. Чунки бадиий жиҳатдан хом, ғўр, ғоявий жиҳатдан паст бўлган бу сатрлар тўпламга доғ туширишi турган гап.

Иккинчидан, «Олимжон» достонида жанг эпизодлари жуда жўн берилган. Агар Олимжоннинг қиёфасини, фазилатини, психологиясини очиб беришга алоқасиз жойлардан олиб ташлаб, унинг ўрнига фронтдаги реал ҳаёт қаҳрамони характерини чуқур очиб берадиган воқеалар келтирилса, яна яхши бўлур эди.

Бу камчиликларни албатта тузатиш партия билан (тузатиш ёзишга қараганда анча осон нарса), Назарматнинг шеърлар тўплами босиб чиқаришга, ўқувчиларимизга тақдим қилишга арзигулиқдир. Бу асар халқимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишига фронтчи шоир томонидан қўшилган ҳисса бўлажак

Шароф РАШИД

1948.

ҲИММАТ

Агар Ҳусайн Бойқародек:
Қанча баланд тутсангиз сўзингизни,
Ондин баланд тутгаймиз ўзингизни, —

дея юксак марҳамат ва нозик лутф-карам кўрсатган олийҳиммат зот, тоғдек мустаҳкам таянч бўлмаганида, Алишер Ғиёсиддин ўғлининг вақти келиб Ҳазрат амир Навоийга айланиши балки қийин кечармиди...

Яқинда кўнгил измига кўра кекса шоиримиз Зоҳиджон Обидов хонадонига йўлим тушди. Шоир билан суҳбатимиз, айланиб-айланиб, «Арслоннинг ўлими» шеъри атрофида 80-йилларнинг ўрталарида авж олган можаролару Шароф Рашидов хусусидаги хотираларга келиб тўхтади. «Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, бундай олийҳиммат раҳбар онадан битта туғилади, ука! — шоирона хитоб қилдилар Зоҳиджон ака ва изҳори ихлос қилишга ўтдилар: — Камина ҳам у кишининг ҳимматларини ўз кўзим билан кўрганларданман-да! Бу гапни айтмасам, ношукурлик-нонкўрлик қилган бўламан, ахир, ука!» Шундай дея қўлимга қоғоз варақларини тутқаздилар. Қарасам, Шароф Рашидовнинг Зоҳиджон Обидова ёзган хати.

Мана, ўша хат:

«Укам Зоҳиджон Обидовга!

Сиз юборган «Танланган асарларни олдим. Дунёда китоб совға этишдан ҳам олийҳиммат бўлиши мумкинми! Албатта, йўқ. Чунки ушбу китобинг мазмуни чақиб, маъносини ўқиб, таълим олиш ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчи. Мен сизнинг узоқ йиллар мобайнида ёзган асарларингизни қунт ва ҳавас билан, севинч-қувонч билан ўқидим, мазза қилдим. Дилим зўр таассуротлар дарёси билан тўлқиниланди.

Ахир бу шеърларни туғилиш инсонлик билан бўлган эмас. Қанчадан-қанча дил ҳароратн, кўз нури, пешона тери ва ақл-идрок эвазига туғилган асарлар!

Укам! Мустаҳкам бўлинг. Иродангиз букилмасин, касал бўлманг, юрагингиз куй яратишдан чарчамасин. Сизга куч-қувват, ғайрат ва жасорат, ишонч ва ирода, меҳнат ва илҳом тилайман. Янгидан янги китобларингизни тоқатсизлик билан кутаман!

Яхши ниятларингиз ва истакларингиз учун офарин!

Тўй кунлари Сизга табрик ва минг бор ташаккур!

Эҳтиром билан:
Шароф РАШИДОВ»

Мактубни ўқигач, ўзимча хаёлга толдим: дарҳақиқат, одам боласининг, айниқса, шоир халқининг кўнгли гўдакдек маъсум, гулдек нозик! Бу кўнгилнинг тоғдек юксалиши учун гоҳо бир оғиз ширин сўз кифоя! Айниқса, раҳбарнинг ширин сўзи... мўмнёи асилдек минг дардга малҳам! 70-йилларнинг ўрталарида, бошида улкан Ватан ташвиши билан боғлиқ минг бир ғалва ғужғон ўйнаган йирик давлат арбобининг ёрдам сўраб ёзилган ҳар бир хат ва тақдим этилган ҳар бир китоб эгасига ўз қўли билан битилган бундай мактублар йўллаши! Бу ҳомийталабларга сув билан ҳаводек зарур мадад қўлини чўзиши!.. Ким билсин, улар нечта эди? Мен билган ижодкорларнинг ўзиёқ — юздан ортиқ!.. Бундай саъй-ҳаракатлар ҳар қанча ибрат олса ва қойил қолса арзийдиган ҳиммат эмасми, ахир! Ҳозир-ку, шунчалик қаяжонда, ушбу мактубни илк бор қўлга олганларида ўзларини қандай ҳис қилган эканлар Зоҳиджон ака? Қалтис замон ва ногирон ҳолига қарамай «Арслоннинг ўлимини» ёзишга ундаган куч ҳам айни ўша инсоний туйғу — олижаноб ҳиммат ва жавобан миннатдорлик-шукроналик ҳисси эмасми?.. Шундай ўйлар билан хатни қўйиб, адиб дастхати ёзилган таниш китобларни бир-бир варақлайман: «Кашмир қўшиғи», «Ғолиблар», «Қудратли тўлқин»... Бу туҳфалар-чи? Улар ҳам аллақандай майда илинж-мажбурият эмас, олижаноб инсоний ҳимматнинг ёрқин ифодалари-ку.

Зоҳиджон ака менинг ҳолатимни ўзларича тушуниб, изоҳ бера бошладилар: «Йўқ, мен ўзимни зўр шоир деб ҳисобламайман. Баланд пардаларда битилган жумлаларнинг азбароби кўнгил учунлигини яхши биламан. Тағин шуни ҳам яхши биламанки, у кишидан қар қадамда ҳиммат-марҳамат кўрганларнинг, вақти келиб, шамол бошқачароқ эса бошлаганида, орқаларидан маломат тошларини отишга тушиб қолишлари!... Ноинсофлик, ношукурлик-нонкўрлик бундан ортиқ бўлмас! Афсуски, бизда нонкўрлар кўпчилик экан! Менимча, ҳамма балонинг боши — шунда!»

Ҳа, афсуски, Зоҳиджон ака ҳақ! Афсуски, бу оламда ҳиммат — ҳиммат, яхшиликка-яхшилик, савобга-савоб жавоб бўлавермас экан! Афсуски, бу оламда, гоҳо саробнинг жавоби сароб бўлиши мумкиндир, лекин савобнинг орти... шу уч нуқтадек юм-юмалоқ экан!

Мана, ҳозир, ўзим ҳам кечаги таассуротларимни қоралаб ўтирибману, очиғини айтсам, бир кишига етиб ортгулик ташвишлар хаёлимни ҳар боб билан чалғитмоқчи бўладилар: Тожикистондаги бирадаркушлкик тўхтадими экан? Ён қўшни-жон қўшнининг хонадонида оққан бегуноҳ қон қачон Туркистонимизнинг табаррук тупроғига тўкилган энг сўнгги қон бўларми экан?

Жафокаш халқимизнинг, мустақилликни амалда қўлга киритаётган жумҳуриятимизнинг, Қодирийдан Миртемирга қадар не-не улуғлар аъзо бўлган уюшмамизнинг ҳали эртага не кечар экан? Ўзимга келсам... уч нашриётда ҳаракатсиз ётган уч қўлёзмам китоб бўлиб чиқармн экан? Шу аҳволда манави тўрт-беш қоғоз нарсани ёздим нима-ю ёзмадим нима? Нима ўзгаради?..

«Қўй, ношукур бўлма!» — дейман яна ўзимга ўзим. — «Чиқмаган жондан — умид», «Карвон юра ўнгланади» деганлар, ахир, машойихлар. Худога шукур, кўзинг очиқ, қўлинг бутун, унда — қалам, олдингда — қоғоз, демакки, ёзиш имконияти бор-ку, ҳар қалай! Ёзганда ҳам, Ғафур Ғулом айтган «ўнинчи йиллар»дагидек кўча-кўйда эмас, жонажон пойтахтимизнинг қоқ марказидаги Мустақиллик майдонига, туташувчи Мустафо Камол Отатурк кўчасига шундоққина ёндош Жавоҳарлаъл Неру номи билан атала бошлаган кўчадаги биринчи уйда ёзишинг мумкинку, ахир! Айни шу бир неча аломатнинг ўзиёқ Рашидовдек не-не сиймолар кўнглида пинҳон кетган ушалмас армонларнинг ушалиши эмасми, ахир! Ана, муҳташам бинонинг олиймақом ҳовлисида «Кашмир қўшиғи»га бағишланган махсус телекўрсатув суратга олинмоқда! Бу ҳам аломат-ку! Башарти ўша юзида фариштаси бор авлиёсифат одам бугун тирик бўлиб, энди ёзганида, мазкур асар замиридаги ғояларни ортиқча пардалаб— минг қават пахтага ўраб ўтирмай, кўрга ҳасса ушлатгандек аниқ-равшан ифодалаган ва уни... Кашмирдан чиқиб озодлик қўшиғини айтган Жавоҳарлаъл Неруга бағишлаган бўларми эди, ким билсин!..»

Қисқаси, келинг, мустақилликдек кўпдан кутилган муқаддас йўлда бир-биримизга ҳиммат бўлайлик, азизлар! Ана ўшанда, иншоолоҳ, жафокаш халқимиз — озод, Ватанимиз — обод, Рашидовдек олийҳиммат зотларнинг руҳи поклари эса, шод бўлгай!

Раҳим ОТАУЛИ

СУРАТДА: таниқли адиблар — Чингиз Айтматов, Файз Аҳмад Файз ва Шароф Рашидов. 1978 йил.
С. МАҲКАМОВ олган сурат

БУХОРО АМИРЛИГИНИНГ ОЛТИНЛАРИ

Хафталикнинг шу йилги 14 август сонида эълон қилинган «Бухоро амирлигининг олтинлари» мақоласи молия масалалари билан тадқиқот олиб борганим учун менда катта қизиқиш уйғотди. Мен ўзим тадқиқот олиб борган 60-йилларда сир тутилган ҳужжатлардан фойдаланиб, эълон қилинган маълумотлар амирлик даврининг иқтисодий, шу жумладан, молиявий масалаларини ўрганувчилар, қисқаси, республикамиз иқтисодиёт тарихини янги талаблар асосида яратувчилар учун фойдали деб ҳисоблайман.

Мақолада кўрсатилганидек, Бухоро амирининг хазинаси ўнлаб махфий омборларда, ҳатто, бекликлар тасарруфида сақланган. Муштарийларни олтин ва бошқа бойликларни хазинада сақлашгина эмас, балки хазинадаги маблағларни сарфлаш, ундан фойдаланиш масалалари ҳам қизқтиради. Бу жиҳатдан мақолада айрим ноаниқликлар бор. Унда хазина маблағларининг ҳаракати аниқ кўрсатилмаган. Бир ўринда хазина тўлдирилиб турилган дейилса, иккинчи ўринда «Падари бузрукворнинг хазинаси ҳеч вақт очилмаган», яъни хазинада маблағлар ҳаракати сезилмаган деб кўрсатилади. Шунга кўра, мен қуйидаги аниқликни киритишни лозим деб ҳисоблайман.

Салжуқийлар давлати арбоби Низомул Мулк (1017—1092 йиллар) «Сиёсатнома» (1949 йил, Москва, 230-бет. Китоб рус тилида чиққан) асарида хазина ҳақида шундай деб ёзган: «Подшоҳларда асосан икки хазинахона бўлган. Биринчиси асосий хазина, бошқаси жорий харажатлар учун маблағлар беришга мўлжалланган хазинахона. Тўпланган бойликлар асосий хазинахонага топширилган. Асосий хазинахонадан зарурият бўлмаганда маблағ берилмаган. Олинганда ҳам ўрнига ўрин қайтарилиб тўлдирилган».

Бухоро амирлигида ҳам асосий ва жорий хазина бўлган. Бир йиллик киримдан харажатлар учун ҳам маълум қисми қолдирилган. Лекин, мақоладаги «200 йил давомида асосий хазинадан ҳеч нарса олинмаган, унинг ҳисобидан сарф-харажат қилинмаган», деган фикрга қўшилиш қийин. Амирлик тарихида ўнлаб мураккаб молиявий вазият рўй берган ва хазинадан қисман фойдаланиб, ўрни тўлдирилган бўлиши мумкин. Бундан ташқари, жангларга ва табиий офатлар оқибатларини тугатишга ҳам қўшимча маблағ керак бўлган. Ёзувчи ва олим Фитрат ўзининг «Амир Олимхоннинг ҳукмронлик даври» («Минҳож», Тошкент, 1992 йил, 30-бет) номли асарида хазиначи ҳақида шундай маълумот беради: «Хазиначи... амир хазинасининг муҳофизи ҳисобланар эди. Ҳукуматнинг молмулк омбори унинг қарамоғидадир. Унинг ихтиёрида қирқдан ортиқ киши хизматда бўлар эди. Мамлакат кирим ва чиқимини дафтарга қайд этиш, омбордан керакли нарсаларни олиш ва қўйиш — барча-барчаси хазиначи орқали амалга оширилган».

Демак, бир йиллик тўпланган бойликни идора қилиш, унинг ҳисобидан жорий харажатларга амир буйруғи билан маблағ бериш, ортиб қолганларини асосий хазинахонага қўйиш ва уни тўлдириш хазиначи томонидан амалга оширилган. Афсуски, хазинанинг кирим-чиқим дафтарлари сақланмаган, эҳтимол, сақланган бўлса ҳам тадқиқ қилинмаган. Агар шундай бўлганда, хазинага ҳар йили қанча маблағ тўплангани, унинг қанча қисми сарфлангани ва қанчаси жамғарилгани бизга маълум бўларди. Шунга қарамай, адабиётда ва архив маълумотларида Бухоро амирлигининг даромад ва харажатлари ҳақида XIX асрнинг 90-йилларидан бошлаб турлича маълумотлар келтирилади. Губаревич — Радобыльскийнинг маълумотларига қараганда, амирликнинг умумий даромад ва харажатлари 7 миллион сўм бўлган, шундан хазинага 4 миллион сўм тушган. Кўриниб турибдики, муаллиф хазинага тушадиган даромадларни ҳам харажат таркибига киритган.[1] Д. Н. Логофетнинг маълумотларига қараганда, даромадлар 18 миллион сўмни, харажатлар 2,5 миллион сўмни ташкил қилган[2]. М. Грулевнинг маълумотлари бўйича, даромад ва харажатлар 2 миллион 780 минг сўм,[3] Ўрта Осиё иқтисодий кенгаши уюштирган экспедиция маълумотларига қараганда, 14 миллион сўм,[4] ёзувчи С. Айний маълумотлари бўйича 1912 йилда амирликнинг даромад ва харажатлари 30 миллион сўм,[5] Россия сиёсий агентлиги хусусий тартибда тўплаган маълумотларга қараганда, 1909 йилда давлат хазинасида 7349,5 миллион сўм,[6] Бухоро Амирлиги қушбегининг маълумотларига кўра, ўрта ҳисоб билан ҳар йили 3 миллион 345 минг сўм,[7] баъзи йилларда кўп ёки камроқ бўлган. Юқоридаги маълумотлар шуни кўрсатадики, айрим муаллифлар ҳар йили тўпланган маблағларнинг ҳаммаси харажатга сарфланади деб нотўғри фикр юритганлар, бошқалари барча маблағ асосий хазинахонага тушади деб ўйлаганлар.

«Бухоро амирлигининг олтинлари» мақоласининг аҳамияти шундаки, у хазинанинг анчагина қисми ҳар йили жамғарилиб, тўлдирилиб борилгани ҳақида аниқ хулоса чиқаришга имконият бериш билан чегараланмасдан, асрлар давомида тўпланган солиқ ва йиғимлар ҳисобидан жамғарилган маблағларнинг улкан кўлами ҳақида ҳам тасаввур шакллашишига ёрдам беради. Айни чоғда, хазина бошқа маблағлар, чунончи, олтин конлари, қоракўл савдоси, пахта заводлари ва бошқалар ҳисобидан тўлдириб борилганини исботлаб кўрсатади.

Бухоро амирининг ўзи эътироф этишича, у амирлик тожини кийганга қадар Насаф вилоятида ҳоким бўлган, 12 йил ичида фақат тошу темирдан бир кўприк қурдирган[8] «Тахтга ўлтиргинимдан сўнг, — деб ёзади амир, — Бухорои шариф Аркининг яқинида, Балойи ҳавз дейилган жойда ўз номимга бир ибодатхона масжид бино қилдирдим... Дорул-улум — Билим уйи бўлган бир мадраса қурдирдим,

ҳар хил илмдан дарс берувчи муаллимлар тайин эттирдим. ...Талабалар сарф-харажатлари, маош ва кийимкечаги ўз тарафимдан белгиланиб, унга бир нафар нозир тайин этдим. Бозор ва йўл ободонлигига кўп ҳаракат қилдим».

Агар Бухоро амири томонидан халқ учун сарфланган маблағлар билан хазинадаги олтинлар ва бошқа бойликлар қийматини таққосласак, кўрсатилган харажатлар денгиздан бир томчидай кўринади. Бу хулоса, айниқса, суғориш ва соғлиқни сақлаш харажатларида яққол кўзга ташланади. Хазина ҳисобидан бирорта канал қазилгани ҳақида тарихий далил йўқ. А. Фитратнинг «Ҳинд сайёҳининг қиссаси»да Бухорода соғлиқни сақлашнинг аянчли аҳволини чуқур ифода қилган далиллар бор, унда бу мақсадга маблағ берилмагани бошқа мамлакатлар билан солиштириб баён қилинади.

Шундай қилиб, амир маблағларни мамлакат манфаатларига сарфлашдан кўра хазинада сақлаб доимо кўпайтиришни давом эттирган. Тўғри, Урусия ҳужумидан кейин амирга қоғоз пул чиқариш маслаҳати берилиб, шу тариқа хазинани кўпайтириш тавсия қилинганда, у рози бўлмаган. Сабаби — агар қоғоз пул чиқарилганда, Бухорога Урусия қоғоз пулларини киритиш ва амир пуллари билан рақобат кучайиб, Бухоро пул тизимини Урусияга қўшиб олишга имконият туғилар эди. Бу ҳақда қўшбеги берган жавобда металл пул зарб қилиш мустақиллик белгиси деб кўрсатилган.

Мақолада Бухоро амирининг 1919 йилдан бошлаб қоғоз пул чиқаргани аниқ кўрсатилмаган. Бу ҳақда адабиётда ва архив материалларда тегишли маълумотлар бор. «Ўрта Осиё иқтисодий райони: Ўрта Осиё иқтисодиёти очерклари» китобида (91-бет) бу ҳақда айтиб ўтилган.

Тарихий маълумотлар Амир хазинасининг олтинлари РСФСР ҳукумати диққат марказида бўлганлигини кўрсатади. Ҳукумат кўрсатмасига асосан, Туркфронт қўмондони М. В. Фрунзе 1920 йил 9 сентябрда қуйидаги буйруқни эълон қилган: «Қўлга киритилган Эски Бухоро ҳукумати хазинасининг барча бойликлари қаттиқ жавобгарлик асосида сақланиши керак, сандиқлар ва бўғчалар очилмасдан улардаги олтин ва кумуш буюмлар, пуллар ва бошқалар Бухоро ревкомининг вакили иштирокида муҳрлаб қўйилсин ва Самарқанд банкига топширилсин» («50 лет Бухарской народной советской революции. Материалы научной сессии», Ташкент, 1971, изд. АН Уз, стр. 124.). Мусодара қилинган Бухоро олтинлари ва бошқа бойликлар ҳақида мақолада тўлароқ маълумот берилган. Лекин Урусия ихтиёрига ўтган бойликлар ҳукуматни қаноатлантирмаган, мақолада кўрсатилганидек, бу йўналишда текшириш бир неча йил давом этган.

Айтилганларга қўшимча қилиб, яна шуни ҳам билдириб ўтайликки, Бухоро хазинасининг манбаи солиқ-йиғимлар ва бошқа даромадлар эканлигини кўзда тутиб, Бухоро Республикасининг биринчи бюжетини тузишга ёрдам бериш баҳонасида РСФСР-нинг Бухоро Республикасидаги мухтор вакили В. В. Куйбишев кўрсатмасига биноан, Туркистон Республикаси молия халқ комиссарлигининг мутахассис-ходимлари Бухорога юборилиб, амирликнинг пул ва солиқ тизими тадқиқ қилинган, натижалари ҳисобот шаклида вакилга тақдим этилган. Бу ҳам камлик қилгандай, 1921 йилда Ўрта Осиё иқтисодий кенгашининг қарорига асосан, умумий иқтисодий ва молиявий масалаларни ўрганиш учун махсус экспедиция юборилган.

Урусияга олиб кетилган бойликлар ва олтинлар, мақолада кўрсатилганидек, РСФСР эҳтиёжларига сарфланган. Айни вақтда Бухоро Шўро Республикасининг ўз маблағлари етарли бўлмаганлиги сабабли ҳукумат қоғоз пул чиқаришга киришган: Эмиссия 1920 йилда 524,5 минг сўмни, 1921 йилда 2136 минг сўмни, 1922 йилда — 11921 минг сўмни ташкил қилган.[9] «Республиканинг 3 йиллик ҳаёти давомида, — деб кўрсатилади Бухоро Шўро Республикасининг қурултойи тезисларида, — давлат харажатларининг 70 фоиздан кўпи қоғоз пул ҳисобига қопланди: унинг миқдори олтин ҳисоби билан 4—5 миллион сўмга яқинлашди» (Ўзбекистон давлат архиви. Ф, Р-50: оп 1, д 13, л 18).

Мақолада келтирилган далиллар Бухоро Шўро Республикасининг оғир молиявий аҳволига қарамасдан РСФСР марказий ҳукумати буйруғи билан ташиб кетилган олтинлар ва бошқа бойликлар Бухоро Республикаси ихтиёрига қолдирилганда унинг 3 йил давомида кетма-кет тузилган давлат бюжетлари камомадсиз ёки кам камомадли бўлган бўлиши, маориф ва соғлиқни сақлаш тадбирларигагина эмас, балки уйғонаётган миллий иқтисодий пойдеворини мустаҳкамлашга кескин ижобий таъсир кўрсатган бўлар эди. Афсуски, бу маблағларга РСФСР ҳукумати эгалик қилиб, ёш республика имкониятларини чеклаб қўяди.

Бухоро амири кейинчалик чет элларда сочилиб кетган, Урусия шаҳарларига яшириб қўйилган бебаҳо тиллаларимизни ўз юртимизга қайтариш ҳақида васият қилган экан, бу унинг амирликда қадимдан одат тусига кирган хазинани тобора тўлдириб бориш ва мамлакат эҳтиёжига кам маблағ ажратиш анъаналаридан воз кечганлигини, маблағларни юрт фаровонлиги ва ободончилиги йўлида сарфлаш афзал эканлигини чуқур тушунганидан дарак беради, хазина тўплаш ва сарфлаш ҳақидаги эски фикрларини ўзгартирганлигини ифодалайди.

Мен Ҳ. Узоқов ва С. Холбоевларнинг мақолаларини ижобий баҳолайман, уларнинг хонликлар хазиналарини (жумладан, Хева хонлигининг ҳам) ва бошқа бойликларни аниқлаш бўйича жумҳурият ҳукумат комиссияси тузиш ва миллий бойлигимизни ўз юртимизга қайтариш ҳақидаги таклифларини қўллаб-қувватлайман.

Ҳикмат СОБИРОВ,
иқтисод фанлари доктори, Тошкент Молия институти профессори

1. Губаревич-Радобыльский. «Экономический очерк Бухары и Туниса». СПб, 1905, стр. 147.
2. Д. Н. Логофет. «Бухарское ханство под русским протекторатом», том 2. стр. 19.
3. М. Грулев. «Соперничество России и Англии в Средней Азии», СПб. 1909, стр. 206.
4. «Среднеазиатский экономический район». Ташкент. Изд Тс, 1922, стр. 108.
5. С. Айний. Асарлар, том 1, Тошкент, Ўзадабий нашр, 1963, 195-бет.
6. Ўзбекистон Марказий давлат архиви — «Ф. И.-2», оп 1, д 251, л 1.
7. Ўзбекистон Давлат архиви «Ф. И.-3», оп 1, д 441, л 2.
8. Амир Саид Олимхон, «Бухоро халқининг ҳасрати тарихи», «Фан», 1991 йил, 7-бет.
9. «Бухара в государственном хозяйственном плане на 1923—24 г.г.». Бухара, 1924, стр. 29.

КЎНГУЛ ГАНЖИНАСИ

Муҳаммад Шайбонийхон асарлари, жумладан, девони тўғрисида ўзбек қавмига илк тўлиқ маълумотни берган зот, менинг билишимча, Туркистоннинг Олмониядаги фидойи ўғлони, доктор Темур Хўжа ўғлидир. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетининг 1991 йилги 20 декабр сонида Темур Хўжа ўғлининг «Ўзбеклар ва дунё» рукнидаги мақоласини ўқиганимдан бери Шайбонийхон девони тезроқ нашр этилса эди, деб орзу қиламан.

Дарҳақиқат, Туркистон тарихида Шайбонийхонга нисбатан икки хил муносабат мавжуд эди. Биринчидан, биз буюк Турон давлатининг султони Амир Темурни ва бошқа барча темурийларни, жумладан, Заҳириддин Муҳаммад Бобурни жондан суйганимиз туфайли темурийлар салтанатига, хусусан, Бобур Мирзога қарши курашган Шайбонийхонни унча хушламас эдик. Чунки бора-бора Туркистоннинг парчаланиб кетишига, темурийлар давлатининг тугатилиши сабаб бўлган, деб ўйлармиз. Кейинги даврнинг кўпгина манбаларида, айниқса, адабиётда Шайбонийхонга нисбатан бўлган салбий муносабат доим сезилиб турди. Ҳолбуки, улуғ жўқчи бобомиз ўз тақдирини, кураш ва ғаламбаларини Тангри таолонинг нусрати ва иноятидир, деб шукр қилган эканлар.

Иккинчидан, Муҳаммад Солиҳнинг «Шайбонийнома» асарини ўқиб, Шайбонийхонни ҳам улуғ бир давлат асосчиси, тараққийпарвар ва позиктаб бир инсон сифатида қадрлаш туйғуси бизда бор эди.

Бироқ энди подшоҳлар ўтди. (Зеро, подшоҳликлар ўткинчидир). Энди юрт сўраган сиймолар қалбларининг хазинаси қолди, холос. Энди Бобур Мирзо — бутун жаҳон кўзи олдида буюк аллома ва буюк шоир. Энди Муҳаммад Шайбонийхон асарлари нашр этилса, кўзимиз ўнгида яна бир маърифатпарвар зот, хушхон бир шоир пайдо бўлади ва қалбимизда бу шоҳга нисбатан теранроқ, тозароқ ва иликроқ туйғулар уйғонади. Энди биз буюк аждодларнинг вориси сифатида, ўктам халқнинг фарзандлари сифатида иккисини ҳам бирдек севмакка мушаррафмиз. Нима қилайлик, униси ҳам ўзимизники, буниси ҳам ўзимизники! Нетайлик, униси ҳам улуғ, буниси ҳам улуғ!

Биз Туркияда кезар эканмиз, Туркистон тарихига доир нодир манбалар хусусида қариндош адибларимиз билан кўп суҳбатлар қилдик. Гап айланиб, Шайбонийхон девонига келиб тақалгач, Ёзарлар бирлигидаги оғалар девоннинг лотин имлосига айнан кўчирилган тайёр нусхаси борлигини айтишди. Кўнё шаҳридаги доктор Яқуб Қорасўй бизга девонни тақдим этди. Яқуббек шу девон асосида илмий иш яратиб, кўп заҳмат чекиб, доктор бўлган. «Кез дунёни, кўр Кўнёни» деб бежиз айтишмас экан.

Темур Хўжа ўғли тилга олган зотлар — профессор Заки Валидий, мажор олими Ёнўш Экман, туркиялик профессор Камол Эраслон Шайбонийхон асарлари тўғрисида мақолалар ёзиб, улардан намуналар нашр эттирган эканлар, бу фидойиликни бутун турк дунёси учун, жумладан, биз учун ҳам қилганликларини миннатдорлик ила айтмоғимиз лозим.

Шайбонийхон шеъриятининг энг қизиқ хусусиятини Темур Хўжа яхши илғаган: у зот Туркистон диёрига бўлган муҳаббатини кўп изҳор этиб, шаҳру кентларнинг номларини кўп қўллаган. Унинг девонидаги жой номларини алоҳида ўрганса, арзийди.

Муҳаммад Шайбонийхон девонининг доктор Яқуб Қорасўй лотин ёзувига кўчирган нусхасидан айрим шеърларни танлаб, нашрга тайёрладик. Матншунослик бобидаги илмсизлигимизни бу билан ниқоблай олмаймиз. Девон нашрига муштоқмиз. Бунда ҳам нуқсонлар кечган бўлса, маъзур тутгайлар. Шеърлардаги юксак маданият, мискин кайфият, зарофат, сўфиёна фалсафа улуғ шоир қалбининг маҳсулидир. Биз баҳраманд бўлган неъматдан бошқалар ҳам баҳраманд бўлсин, дедик.

Мирзо КЕНЖАБЕК

Муҳаммад **ШАЙБОНИЙХОН (ШАБОНИЙ)**

ТАВҲИДИ БОРИ ТАОЛО

Субҳидам Ҳақ сўзларидин ёд қил,
Минг бир отин кўнглунга бунёд қил.

Аввалину охирин улдур қадим,
Барча олам подшоҳи ул ҳаким!

Подшоҳлар подшоҳи ул турур,
Анга қуллуқ ким қилур, султон турур.

Онга тонуқ ўн секиз минг олами,
Андин ўлди жумла олам мулкати.

Исми зотин оти бирла айтайин,
Андин ўзга сўз бор эрса, қайтайин.

Исми аъзам, онинг отидир баён,
Фазли илан ўзини қилди аён.

Ул азиму ул ҳакиму ул карим,
Ул ҳалиму ул алиму ул раҳим!

Меҳрибонинг ул дурур, айбинг ёпар,
Ўзинг ила андин ўзга не кетар!

Санга мунча лутфу эҳсон айлади,
Қилур-қилмас ишингни сўзлади.

Бас, илоҳинг қуллуқин қилмоқ керак,
Анга қуллуқ қилмаган ўлмак керак.

Бил, ўзингни тўрт зиддан қилди шоҳ,
Доҳи нури бирла қилди сени моҳ.

Сен сени қайдин ўлдинг, сен қани,
Мен мениндан мен бўлди, мен мани.

Менлигидин бўлди шайтон дур-дур,
Они қайда кўрса, айтур: «ур-ур!»

Қудратиндан қилмамиш иш йўқ турур,
Бори онинг қудратидур, ул билур.

Эй, Шабоний, сўзлар эрсанг субҳидам,
Минг бир оти бирла қўбғил дам-бадам!

Ўлдурур ул, улдурур ҳаййи аҳад,
Доҳи санга ёрнчи, улдур самад!

Анинг васфин аймаға улдур мадад,
Андин ўзга ким санга бўлғай санад?!

ҒАЗАЛЛАР

Танда жон бўлди, билинг, ул бўйи пироҳан манга,
Кўнглум ўлди ушбу бўйдин субҳдек равшан манга.

Сирри ишқингни кўнгулда неча йил асрор эдим,
Ишқ асрори учун бўлди кўнгул махзан манга.

Оҳу нолаким, қилурсен доимо, эй мурғи жон,
Онинг учун ушбу кўнгул бўлди чун гулшан манга.

Барча олам бўлса бўлсун душманим, сен бор бўл,
Дўст сен бўлсанг, не бўлғай бўлса эл душман манга!

Боғи ҳуснунгнинг хаёли бўлмасин ҳижрон аро,
Сенсизин боғу гулистон кўринур гулхан манга.

Зулфи шомида тилар эрдим тажалли Тенгридин,
Юзининг шамъи кўринди водийи ймон манга!

Эй Шабоний, танда жондек ёр сиррин сақладинг —
Ким, анинг ёди биландур тоза жону тан манга!

●

Ринд бўлсанг, эй кўнгул, майхонада ором тут,
Ҳар кимунгким иштаҳоси бўлди эрса, жом тут!

Бил, кунашдин ёруқ ўлди аҳли диллар суҳбати,
Кимки эрмас аҳли дил, ёруғ кунини шом тут!

Зоҳидо, гулчеҳралар лаъли майидин йўқ насиб,
Ошиқ ўлсанг, май ичу ҳам бодайи гулфом тут.

Най уни ғунча кўнгулларга не яхши суд этар,
Тўлдир, эй соқий, лабо-лаб жому андин ком тут!

Зулфининг савдосида ҳар тун ғанимат кечадур,
Юзининг маҳтобида суҳбатни бу ҳангом тут.

Ёрнинг васли муяссар бўлмас эрмиш, эй кўнгул,
Кўз била кўрмак жамолини хаёли хом тут.

Неча ҳажрингда Шабонни куйдурурсен, эй маҳзул,
Они кўп куйдурмағил, бир ринди дурдошом тут!

●

Кўрармен ишқ аро юз меҳнату ранж,
Бали, ранж кўрмайин топмас киши ганж!

Не ғам, ишқинг кўнгулни қилса вайрон —
Ким, эрур доимо вайронада ганж.

Ҳидоят Ҳақ таолодин етишур,
Агар ҳар неча бўлса йўли ниланч.

Манга васлингдин, эй моҳ, ваъда бердинг —
Ки, йўқтур сўзларингга ҳеч инанч.

Шабоний айди бу рангин ғазални,
Бўлуб эрди қопал ул дамда Урганч.

●

Кетмади кўнгулдин ҳеч дийдори Самарқандининг,
Кўзумдин учар ҳар дам гулзори Самарқандининг.

Ҳар нечаки шаҳр ўлса дунёда латиф, аммо
Барчадин эрур яхши бемори Самарқандининг.

Ҳақ ўз карами бирлан ул элни омон тутсун,
Бўлсун бу жаҳондин йўқ ағёри Самарқандининг.

Кўптур Ҳирида, билгил, булбул билан тўти ҳам,
Андалибни уялтти дилдори Самарқандининг.

Бу шаҳри Ҳири ичра бир зарра сафо йўқтур,
Жаннат киби хушбўдур бозори Самарқандининг.

Қош ёси била хўблар ғамза ўқидин отса,
Жон жавшанидин ўтар ўқлори Самарқандининг.

Шабоний тилар ҳар дам Бухору Самарқанди,
Тенгриси мадад бўлсун, ул ёри Самарқандининг!

МАВЛОНО АЛИШЕР АЙТУР:

Ё қошингга қатл учун зийнат фаровон айладинг —
Ким, ҳам этдинг ложуварди, ҳам зарафшон айладинг».

ЖАВОБИ ҲАЗРАТИ ХОН

Қошларингнинг ўқида кийна фаровон айладинг,
Юрагимни чок этиб, сафҳа зарафшон айладинг.

Лавҳи юзунгда ажабдур бу ёзилган икки ё —
Ким, нетиб ёзиб бу ё, ғамзангни пайкон айладинг?

Онча сабрим қолмади кўрганда ул ғунча даҳон,
Сабру ишқимни магар оғзингда пинҳон айладинг!

То Ҳирининг хўблари лаълингда қилди фитнани,
Бу ики зулфда ики кўз офати жон айладинг.

Соядек тушти санавбар, воҳ, оёғинг остида,
То қадингни боғ аро сарви хиромон айладинг.

Гул юзунгни кўргали лола ичин қон боғлади,
Булбули ошуфтатек кўнглини сен қон айладинг.

Эй, Шабоний, ёр агар лутфини қилса-қилмаса,
Бўлма навмид, ишқида ончаки афғон айладинг.

●

Лабинг жондин сучукракдур, ани сен бол дема, жоним,
Фусунгар кўзларинг бирла кўнгулни олдама, жоним!

Менинг бирла туриб тургач, кўнгул борур сенинг сори,
Мени мискинга раҳм айла, кўнгулдин қол, дема, жоним!

Бўйинг сарви, юзинг, зулфинг кўрармен чин хаёлимда,
Эгилдим мен бўйинг кўргач, они сен дол дема, жоним.

Кўнгул сендин фиғон этди, кўнгулни сен билурмусен,
Менн ҳам сен билур бўлсанг, кўнгулни сол дема, жоним.

Шабоний, гул юзунг мискин бирор вақтда кўрар эрди,
Ушул менгга гирифтордур, они сон хол дема, жоним!

●

Зулфи ҳажридин қоронғуроқ тун ўлғайму экин?
Ой юзининг ламъасидек бир кун ўлғайму экин?

Шоми ҳижронда ёнармен шамъ бекин доимо,
Ёхуд ул етти тамуғнунг учғун ўлғайму экин —

Ким, анинг айвонида фаршларки бўлди зарнигор,
Ўшмунинг сеҳридин ортуқ олтун ўлғайму экин!

Тонгга тегру ушбу ҳижрон сели бузди кўнглумни,
Ҳажрининг тунинда, ё раб, шудрун ўлғайму экин!

Лола янглиғ қон била ул доғ солди кўнглума,
Ёхуд ул ғунча шикофи гулбун ўлғайму экин?

Ул маҳзунинг фурқат ўқи доимо жондин ўтар,
Ҳеч ўқ мундоғ жаҳонда ўткун ўлғайму экин?

Ишқ боғинда ёйилди, бил, Шабоний ноласи,
Андалиблар ичида мундоғ ун ўлғайму экин?

●

Кўксима чектим алифлар доғи ҳижрон устина,
Ўйлаким, ўқлар урушта тегса қалқон устина.

Дедиким, «Юзум кўруб, жонинг фидо қил», мен дедим:
«Не десанг, андоқ қилойин, кўз била жон устина!»

Анбарин гесуки тушти ул қуёшнинг юзига,
Абри раҳматтурки тушмиш моҳитобон устина.

Ул ҳумоюн ўтоғаким, бошиға санчиб турур,
Кўлага қилган Ҳумойндур Сулаймон устина!

Қон эрур кўнглим эвикким, тоби ҳажрнинг тўн-тўла,
Хуш ярошурким ҳаёлинг келса меҳмон устина.

Шукри Ҳақким, қолмади иш Мовароун-наҳрда,
Азм этарға вақт эрур борсам Хуросон устина.

Эй Шабоний, сабр қил, чун берди Ҳақ нусрат сенга,
Учқўнғурға юрудунг насли Ўрусхон устина!

ЛУҒАТ

Ёрнчи — ёрдамчи, ёр бўлгувчи; **санад** — таянч, суянч; **пироҳан** — кўйлак, либос; **мурғи жон** — жон қуши; **тажалли** — кўриниш, жилваланиш; **дурдошом** — май қуйқасинни ичувчи; **қопал** — берк, ўраб олинган; **Ҳири** — Ҳирот шаҳри; **жавшан** — совут, зирҳ; **лавҳ** — равшанлик; **ламъа** — шуъла, ёлқин, порлоқлик; **тамуғ** — дўзах; **бикин (бекин)** — каби, янглиғ; **фарш** — тўшалган нарса; **тегру** — ...гача, ...га қадар; **ғулбун** — гул дарахти, гул тупи, гул бутаси; **шикоф** — дарз, ёриқ; **ҳумоюн** — қутлуғ, муборак, шарафли; **ўтоғ** — бошга тақиладиган жиға.

Ўзбек адабиёти намуналари

ҒАП АЙТИШ НИНГ ДАВРИ ЎТДИМИ?

Умарали **НОРМАТОВ**

Кейинги пайтларда адабий асарда «гап айтиш», «муаммо кўтариб чиқиш», «халқнинг кўнглидагини, тилининг учидагини ёзиш», умуман адабиётнинг ижтимоий йўналиши, пафоси масалаларига ижирғаниб қараш, ҳатто буни «ижод моҳиятига зид» деб аташ ҳолларига дуч келаётирмиз. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати»да (1992 йил 18 сентябр) ҳозирги ҳикоячиликка бағишланган «Уйғониш тараддуди» сарлавҳали давра суҳбатида ҳам шу хил мулоҳазалар айтилди. Сал олдин Ш. Холмирзаев «Адабиёт ўладими?» мақоласида Абдулла Қаҳҳор тамал тошини қўйган, кейинчалик кўп танқидчилар учун дастур бўлиб қолган «Халқнинг дилидагини ёз! Халқнинг тили учида турганини ёз!» деган ақидаларни ҳеч истисносиз соцреализмнинг «Ҳаётдаги ижобий воқеаларни ёз!» яъни, мазкур истибдод тузумини улуғла ва унга монанд қаҳрамонларни тополмасанг — тўқигин, деган ғайриадабий талабига жавобан кашф этилган усул, деб атаган эди.

А. Солженицин Россияда адабиётнинг ижтимоий мавқеи бениҳоя баланд эканини, адиблар катта ижтимоий масалаларни ечиб беришни ўз зиммасига олганликлари билан жаҳон адабиётида алоҳида ўрин тутишини таъкидлаган эди. Рус адабиётининг кучли таъсирида ривожланган XX аср ўзбек адабиёти, унинг пешқадам намояндалари ҳам ижтимоий масалаларни кўтаришга, гап айтишга мойиллиги билан ажралиб туради. Бу хусусият аср бошида. 20-, 60-, 80-йиллари ёрқин намоён бўлган эди. Ҳозир ҳам шундай.

Тўғри, истеъдодсиз қаламкашларнинг асарларида «гап айтиш» хийла жўнлаштириб юборилди. Ўз навбатида адабиётшуносликда сўз санъатининг, образнинг ижтимоий йўналишини юзаки тушуниш кенг ёйилди. «Гап айтиш» кўпинча адабиётнинг туб моҳияти — образлиликдан айри, унинг сирли, сеҳрли жиҳатларини ҳисобга олмаган ҳолда талқин этилди; инсонга фақат ижтимоий муносабатлар маҳсули деб қаралди; санъат асарида гап айтиш аввало ҳақиқатни ифодалаш, ижодкор қалбидаги дард-изтироб, туғёнлар изҳори экани, ҳаёт жумбоғи — инсон жумбоғи тарзида намоён бўлиши лозимлиги, ҳар қандай муҳим гап асарда пафос даражасига кўтарилган тақдирдагина санъатга айланиши кўпинча унутилди. Истибдод тузум, ҳукмрон сиёсатнинг ноғорасига йўғралаш ҳоллари адабиётнинг ижтимоий хизматини ёмонотли қилиб қўйди. Эҳтимол, адабиётдаги сиёсат, ижтимоиёт масалаларига ижирғаниб қараш шу нохуш ҳодисаларнинг акс таъсиридир.

Бироқ ўша кезларда ҳам адабиётнинг ижтимоий моҳиятини тўғри тушунувчилар бўлган. А. Қаҳҳор, унга маслакдош танқидчилар «Халқнинг дилидагини, тили учида турганини ёзиш»ни ҳеч қачон истибдод тузумни улуғлаш маъносида тушунган, тушунтирган эмас, аксинча, бу сўзлар ўша мустабид тузум даврида ҳақ гапни айтишга, халқ дардини ифодалашга қудратли даъват бўлиб янграган.

Ҳозирги кунда адабиётимизда муҳим жараёнлар кетаяпти, ҳаёт ҳақиқатини, инсонни ифодалашнинг янги йўллари ахтарилаётир, жумладан, инсон жумбоғига янги, кутилмаган томонлардан ёндашиш, уни фақат ижтимоий ҳодисалар маҳсули эмас, тушуниш, тушунтириш қийин бўлган сирли, илоҳий мавжудот тарзида талқин этишга уринишлар кучаймоқда. Бироқ бу ҳол асло асарнинг, образнинг ижтимоий йўналишини соядa қолдираётгани йўқ. Шуниси қизиқки, айни ўша «гап айтиш», «масала кўтаришни «ижод моҳиятига зид», истибдод тузум билан муросасозлик деб қараётган адибларимизнинг изланишларида, чунончи, Ш. Холмирзаев, Х. Дўстмуҳаммад, Н. Эшонқул ҳикояларида бу ҳол янада яққолроқ кўринмоқда.

Ҳикояни биз кўпинча ижтимоий тафаккур нуқтаи назаридан ҳозиржавоб жанр деб атаймиз. Ғарчи ҳозирги энг яхши ҳикоялар аввалгидек бирёқлама, юзаки «ҳозиржавоб»ликдан холи бўлса-да, улар ҳаётдаги маънавий-ижтимоий жараёнларни нозик идрок этиш, ҳаттоки савқитабиий орқали олдиндан башорат қилиш бобида бошқа адабий жанрлардан, жумладан, энг тезкор, ҳозиржавоб сиёсий лирикадан олдинда бормоқда.

Ўтган йилнинг бошларида ҳали собиқ Иттифоқ КПСС мавжуд бўлган, совет ҳокимияти босиб ўтган йўл ҳақида қизғин тортишувлар кетаётган, социалистик жамиятнинг афзалликларига ишонч, доҳий ишларига садоқат устивор кезларда шоир Абдулла Ориповнинг «Фожиа» шеъри пайдо бўлди. Шеърда бутун умри социализм ишига бахшида этилган мўйсафид жангчининг драматик ҳолати ғоят таъсирчан ифода этилган. Бу одамнинг кўкси тўла нишон, аммо бугун кўчакўйда хор; унга на ўтмиши таскин бера олади, на келажакдан зарра умид бор:

Наҳот ўтган умр буткул ҳавойи,
Наҳот кўрганларин барчаси сароб.
Наҳот етмиш тўрт йил сиғинган жойи
Манфур манзил бўлса, жирканч ва хароб.

Бунинг устига «Авлиё дегани — ёвуз жодугар, Доҳий деганлари — каллакесар зот» бўлиб чиқмоқда. Бугун унинг қўлида «на қалқон бор, на бор ярағи», энг ёмони ғолиб «мағлубдан садақа сўрайди». Ҳайҳот, бундай пайтда дардингни кимга айтасан!

Бу шеър ўша кезлари гўё етмиш тўрт йил умр кечирган истиқболсиз жамият ҳалокатига олдиндан очилган аза, ўқилган жаноза каби қалбларни титроққа солган эди.

Биламиз, авваллари ҳам асрдош-замондошимиз фожиалари акс этган асарлар яратилган; уларда аксари асрдошимиз фожиаси ё «катта йўл»дан четга чиққан, адашган одамларнинг инқирози ёки социализмга содиқ кишиларнинг «катта йўл»да дуч келган қийинчиликлар, мураккабликлар билан тўқнашуви оқибати тарзида талқин этилар, ҳар қанча мушкул бўлмасин, оқибат-натижада асар қаҳрамонлари танланган йўл ҳақ, адолат, чинакам бахт йўли эканига ишонч ғояси билан йўғрилар эди. «Фожиа» шеърида эса биз ҳаётнинг «катта йўл»ди борган одам тақдирининг тамомила янгича талқинини кўриб турибмиз.

Аслида бундай талқин адабиётимизда олдинроқ кўринган эди. «Фожиа» шеъридан роппароса икки йил бурун «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафталигининг 1989 йил 6 январ сонида ёш носир Назар Эшонқулнинг «Маймун етаклаган одам» ҳикояси чиққан эди. Бу ҳикояда ҳам худди «Фожиа» шеъридаги каби ҳаётнинг «катта йўл»ди бориб охирида бутун орзу-идеаллари, интилишлари беҳуда бўлиб чиққан одамнинг аянчли ҳоли, тақдири, бир умр эътиқод қўйиб, шунга ишониб, курашиб яшаган, пировардида эътиқод қўйган нарсаси пуч, ёлғон ва пуфлаб шиширилган шардай омонат, эзгулик деб сиғинган нарсалари разолат эканини англаб етган одамнинг чексиз изтироблари... Ҳикоядаги персонажнинг — рассом чолнинг кўринишн, ҳолати шунчалар аянчли, мудҳишки, у билан танишганда ўқувчининг дили хира тортади, айни пайтда бу аянчли одам умр сабоғи сизни қизиқтириб қолади. Ҳикояда персонажнинг аянчли руҳий ҳолатини тафтиш ва таҳлил этиш асосий ўринни ташкил этади. Айни пайтда муаллиф чолнинг самарасиз умр йўлига оид айрим маълумотларни ҳам тилга олиб ўтади. Бу одам йигирманчи йилларда комсомол бўлган, «босмачи»ларга қарши курашган, «янги ҳаёт» қуришда фаол иштирок этган, даврнинг шиддатли шамоли уни юксак парвозларга ундаган, ўттизинчи йилларда масъул вазифаларга кўтарилган ва пенсияга чиқариб юборгунларига қадар бу вазифаларда ишлаган. Чол ишдан кетгач, эски ҳовлисига қамалиб олиб севган машғулоти рассомлик билан шуғулланади, одамларга қўшилмайди, бир вақтлар ўзи озор берган кишиларни, ўзи барпо этишда иштирок этган, меҳнати синган жамиятнинг «жамолини» кўргиси келмайди. Хотини ўлиб кетган, турқи ўзиникидан ҳам совуқ ёлғиз ўғли отабезори, қиморбоз, кисаварди... Бу маълумотлар ҳам чол фожиасидан далолат бериб турибди. Бироқ ҳикоянавис чол умри моҳиятини чуқурроқ очиш учун бизни унинг «тилсимли қўрғони»га бошлайди. Чолнинг умр бўйи чизган суратлари билан таништиради. Бу суратларда чол умрининг маъноси, у яшаб ўтган даврнинг моҳияти ўзига хос таъсирчан тарзда очилади. Чол расмлари галереяси бамисоли унинг умр тилсимоти яширинган қўрғон. Бу суратларга қараб ҳам чол босиб ўтган маънавий, ижодий тадриж йўлини, ҳам даврнинг нафасини ҳис этиш, чунончи, инқилобнинг дастлабки йилларидаги кўтаринки руҳ, истиқболга ишонч, 30-йиллардаги разолат, қатағонлар, ниҳоят, кейинги йилларга келиб умид-ишончларнинг инқирозга юз тутиши — барчасини кўриш, туйиш мумкин. Ёзувчи асосий диққат-эътиборни рассом ижодининг икки палласи — ибтидоси ва интиҳосига қаратади. Рассом 20-йиллар бошларида чизган суратда қуюқ ўрмондан маймунни етаклаб чиқаётган одам — кўзлари тийрак ва ишончи порлаб турган навқирон йигит акс этган; сўнгги ишида эса яна ўша илк суратдаги ўрмон манзараси, аммо бу ерда энди одам маймунни эмас, аксинча қариб қолган маймун мункайган, умидсиз чолни ўрмон сари етаклаб кетмоқда... Шу суратлар устида гап кетганда тасвир рамзий-мажозий характер касб этади; шу суратлар тарихи, талқини, таассуротлари орқали ҳикоянавис чолнинг «сирли қўрғони» — руҳий дунёси драмаларини яна теранроқ ифода этишга эришади. Бу билан у ниҳоятда жиддий гап айтади! Қарангки, бошда жаҳолат гирдобидан нурга талпинган, жаҳолат тимсолини нурли ҳаётга бошлаган навқирон йигит пировардида жаҳолат тимсоли етагида иложсиз жаҳолат маскани томон кета бошлайди. Бу икки сурат оралиғида қанчалар улкан инсоний фожиалар, руҳий драмалар, тарихнинг шафқатсиз ҳақиқати, аёвсиз ҳукми мужассам! Ҳикоя сизни ададсиз ўй-мушоҳадалар қаърига тортади.

Назар Эшонқулнинг кейинги ҳикояларидан бири «Бевақт чалинган бонг» қаҳрамони қисмати яна ҳам аянчлироқ. «Маймун етаклаган одам»да-ку қария ғарчи умри охирида оғир руҳий изтироблар исканжасига, нажотсиз гирдобга тушиб қолган бўлса-да, ҳар ҳолда навқиронлик йилларида, мансабдорлик кезларида ҳаётнинг завқи, нашъу-намосини ҳам татиган. «Бонг»даги қария эса эсини таниганидан буён бутун умри замон зуғумлари остида хору зорликда, таҳқиру хўрликда кечган. «Мен хароб бўлган одамман... Мени хароб қилишди. Мен тамом бўлдим. Мени ўчириб ташлашди...», дейди у олам-изтироб билан. У бу шафқатсиз дунёнинг хўрликларини кўравериб қўникиб кетган; у «босмачи»ларнинг қилмиши учун қувғинга олинганига, ялангоёқ ялангбош қаҳратон қиш кунида ўзларини қишлоқдан ҳайдаб чиқарганларига, онасининг совуқ кимсасиз ҳужрада қон қусиб жон берганига ўзини қўниктирган; кун ўтказиш учун чойхоналарда қора ишларни қилишга, одамлар «етим», «ўғрибачча» деб аташига, чойхоначининг сўкишларига, кейинчалик ёш, сулув хотининнинг «нолики» деб жаврашларига, қамалиб чиққач ҳамманинг унга шубҳа билан қарашларига, аламидан ичиб, кўчаларда ухлаб қолганда болаларнинг устига пешоб қилиб ийғотишларига — ҳаммасига чидайди. У туйғулар, хотиралар, дарду армонлар тошиб келганда гоҳо хилватга бекиниб, тошиб-қўпириб ичар, ўз ҳаёти, онаси ва отаси учун кимлардандир ўч олишни жуда истар, иложсиз ҳужрасининг четига ўтириб жимгина йиғлар, сўнг ҳаммасини унутар, яна аслига қайтар, кўргиликларга ўзини қўниктирарди. Аммо у ўзининг шу ҳароб, омадсиз умрида бир нарсага асло чидолмайди, инсоний шаънининг топталиши, хиёнат, мунофиқлик билан асло келишолмайди. У шу масалада икки бор жиноятга қўл урган. Бир гал хотинига тегишган ёт эркакни чавақлаб ташлайди, иккинчи гал эса ёмон кунида жонига оро кирган хўжайини — котибни мунофиқлиги, нозик инсоний туйғусини топтагани — била туриб, онасини, фаришталай аёлни бузуққа чиқаргани учун бўғиб ўлдиради. Бир эмас, икки бор қотиллик қилган, аниқроғи, қотиллик қилишга мажбур бўлган одамнинг ўта мушкул, чигал қисмати, руҳияти, чигал умр моҳияти асосан ўша «жабрдийда» котиб билан муносабат-мулоқотларда очила боради. Бир қарашда, котиб хизматида ўтган даврқоровул учун нисбатан «тотли», «осойишта» кунлар бўлди: егани олдида, емагани кетида, аввалги таҳқиру маломатлар йўқ, котиб уни ўзига «тенг» кўради, бирга ичишади, баъзан унга ҳасратини тўкиб солади, сирли ишларини ундан яширмайди. Аммо қоровул ўзини «яқин» олган, «сирдош» бўлиб қолган бу одамнинг кимлигини — оилада омадсиз, рақобатчиккa лаёқатсиз, ўта уқувсиз, маиший бузуқ, тутуруқсиз, мунофиқ кимса эканини, котиблик лавозимига фақат таниш-билишларнинг кўмаги орқали, келгусси парвозлар учун бир машқ майдони деб келганини яхши билади. Қоровул яна шуни ҳам биладики, котибнинг ўзига бўлган илтифотларида ҳеч қанақа самимият йўқ; беозор, бетараф, бефарқ шундай бир хизматкорга муҳтож бўлганлиги учун қарияни хизматда сақлайди. Аслида унинг учун қоровулнинг сариқ чақалик қадри йўқ. Таги ҳалол одам — қоровул учун мансабгина ушлаб турган бу тубан махлуқ билан мулоқотда бўлишнинг ўзи кони азоб, фожиа! Не кўргиликки, ҳаётда кўп адолатсизлик, хўрликларни кўрган қария азбаройи умргузаронлик учун шу махлуқ билан муроса қилишга мажбур! Чол яшаб ўтган бешафқат замон бундан ортиғини унга раво кўрмади. Бироқ қоровулдек шахс умри охиригача бундай қабоҳат билан муросада ўтиши мумкин эмас эди. Пировардида, котиб оғзидан эшитган онаси шаънига тегадиган гап — ҳақорат аслида бу тубан кимса билан узоқ вақт мулоқотда вужудида етилган, тўлишган алам, ғазаб, нафратнинг туғёнга айланиши, портлаши учун бир туртки эди, холос.

Ўша омадсиз, бахтсиз қариялар образи сафида яна бир ғаройиб чол бор. Ғап Ш. Холмирзаевнинг «Кўк денгиз» ҳикояси, ундаги олтойлик меҳмон Иван Иванович, ўзбеклар тилида Умрзоқ ака бўлиб кетган қария устида бораяпти. Бу одамнинг турқи-таровати, турмуши, кечмиши бояги ҳикоялар қаҳрамонларидан кўра ҳам аянчлироқ. Юқоридаги ҳикоялардан фарқли ўлароқ, бу ерда тасвир бир хилда — вазмин, мунгли оҳангда эмас, ранг-баранг — гоҳ ҳазин, гоҳ кулгили — киноявий тарзда боради. Меҳмондўст юртимиз одами, ўттиз тўққиз миллат вакили яшайдиган «Дружба» совхозининг ходими қирқинчи миллат фарзандини қидириб Олтойга бориши, исқирт маскан — уйларнинг бадбўй ертўлаларида кун кўрадиган мискин бир қария — Иван Иванович билан танишуви, уни юртга келишга кўндириши, совхозда уни тантанали тарзда кутиб олиш маросимлари, Иван Ивановичнинг ўзига аҳратилган шинам уйлар қолиб зах ертўлани маскан тутиши, ичкиликка ружу қилиши — буларнинг барчаси киноя-кесатик аралаш ажиб бир кулгили йўсинда ифода этилган. Шу кулгили ифода бағрида зўр бир дард-алам, фарёд садоси эшитилиб туради; даврнинг зарбалари, шафқатсизликларига дуч келавериб одамови, найнов, дарвеш, пиёниста бўлиб қолган, шу ҳолда ҳам муқаддас орзу-идеалларидан қайтмаган қариянинг ночор ҳаёти, аччиқ қисмати юрак-бағрингизни қовириб юборади. Бу одам бир вақтлар етук бир знёлн, олим бўлган, институтда халқ оғзаки ижодидан дарс берган; Олтойда руслаштириш, мактабларни ёппасига рус тилига кўчириш бошлангач, бу ҳаракатга қарши турганн учун миллатчиликда айбланади, қамалади, қамоқдан қайтгач ўз уйига «пропискa» бўлишдан маҳрум этилади, хотини, қизининг ҳузурига боролмайди. Энди у ертўлаларда яшайди, кун ўтказиш учун ҳар хил юмушларни бажаришга мажбур, аламини арақдан олади... Бироқ шу ҳолда ҳам бу одам хароб бўлган она юрти, табиати тақдири, тугаб бораётган халқи, миллий анъаналари ҳақида ўйлайди, миллат болаларини — навкарларини ертўлага йиғиб уларнинг қалбида унутилган миллат туйғусини қўзғатиш, юртга, элга боғлиқ томирларини илдиз орттириш пайида юради.

Ш У ТАРИҚА, ЕЗУВЧИ БИР КУРИМСИЗ бечора одам қисмати орқали бутун бошли бир халқнинг, довруғли юртнинг ҳалокатини ифодалайди. Бугина эмас, ҳикоя хотимасида ўша олтойлик қария нигоҳи орқали муаллиф она юртимиз, унинг одамлари бошида турган хатарли хавфдан бизни огоҳ этади. Бу «исқирт» қария юртимизга текин уй-жой, ароқ учун эмас, қадим турк қони жўшиб, туркий удумларни, она тури табиатини, «Кўк кўл»ни деб келган; аммо бу юртда ҳам кўп мўътабар анъаналар унутилганлигини, «социалистик турмуш тарзи» бу ерларда ҳам ўз ишини кўрсатганини, цивилизация суронн туфайли она табиат топталиб бораётганлигини, «Кўк кўл» заҳарли «Қора кўл»га айланганини кўриб, бундай аламларга чидолмай бу юртдан бош олиб кетади. Шу тариқа, «катта ҳаёт» оқимидан четда турган, бадбўй ертўлаларда маскан тутган ғаройиб, омадсиз қария фожиаси орқали халқ фожиаси, аср фожиаси кўрсатилади.

Шу кунларда қаерга борманг, қайси даврага кирманг, албатта, нарх-навонинг бетиним ошиб бораётганлиги, турмуш кечириш, рўзғор тебратиш тобора мушкуллашаётганлиги ҳақидаги шикоятларни эшитасиз. Хўш, бу ҳол оддий одамлар турмуши, қашшоқ оилалар, оила аъзолари орасидаги муносабатларга, кишилар онги, хулқига қандай таъсир кўрсатаяпти. Бу ҳақда биз ҳали кўп нарсани билмаймиз. Ш. Холмирзаев «Қадимда бўлган экан» ҳикоясида, эҳтимол, биринчилардан бўлиб жамиятдаги шу нохуш жараёнларнинг кўнгилсиз оқибатларига эътиборимизни тортди. Ҳикоя ҳали турмуш кечириш танг ҳолга етиб бормаган кезларда — 1990 йилнинг кузида ёзилган, чиққан, гўё бу асари билан жамиятда авж олиб бораётган хатарли хавфдан одамларни огоҳ этган эди. Ночорлик, оилдаги асабийлик туфайли набира ўзини ювиб-тараб улғайтирган, уйли-жойли қилган момосини — бугунги кунда ортиқча юк бўлиб қолган саводсиз кампирни саҳрога ташлаб, адаштириб келади. Шу тариқа, эртаклардаги ҳол юз беради, қадим-қадимлардан давом этиб келаётган мўътабар миллий анъана, оилавий меҳр-оқибат топталади! Биз кўли калта набирамизнинг ночор ҳолини ҳам тушунамиз, саводсиз бўлиб қолган момо-қайнана бу мушкул кунларда касалванд келин учун кони ташвиш эканини ҳам биламиз. Қари момонинг кўринишн, ҳоли абгор: танаси шишиб кетган, юзида оқ доғлар пайдо бўлган, эс-ҳуши жойида эмас, гаплари бири боғдан, бири тоғдан, ўзи бир ерда туролмайди... Бундай одамга қараш осон эмас, албатта. Бунинг устига набираларнинг ҳам ўз муаммолари — рўзғор тебратиш, одамлар каби кун кўриш, машинали, телевизорли бўлиш, фарзандларини ўқитиш, уйли-жойли қилиш ташвишлари бор. Ҳозирги қимматчилик пайтида булар енгил кўчадиган ишлар эмас! Қанчалар мушкул бўлмасин, инсон боласи, токи тирик экан, ота-она, момо-боболар олдида бурчдор, улардан юз ўгириш гуноҳи азим! Набира ва келин бугунги куннинг машаққат, ташвишлари гирдобида азалий инсоний бур

Шукур ҚУРБОН

ОЛДИНГИ САФДАГИЛАР

Оғам Бегижон РАҲМОНга

1.

Сендадир иноят, сенда — ҳидоят,
Ё раббий, додимга яна ўзинг ет:
Ё бу гўлликларин йўқот халқимнинг,
Ё бу инсонларга инсоф ато эт!

2.

Душман керак бўлса, дунёда қанча,
Дўстларинг омонат, ҳамкорлар —
қаллоб,
Кўнгилни орзулар шиддати янчар,
Юрак — меҳрталаб, муҳаббатталаб.
Ҳасрат, ҳаяжонлар бўғизга етди,
Кўзинг оч, сен ҳам бир атрофга қара!
Оламда ўт ва сув бирлашиб кетди,
Лайли-Мажнун бўлди оқ билан қора.
Пастлар баландларни кўтарди бошга,
Қайноқлар кўксига босди совуқни.
Нега сен, ҳамиша қоқилдинг тошга,
Нега ўз кўксингга отдинг бу ўқни?
Номинг бир — ўзбексан, ўзингга
бексан,
Яхлит бир парчасан туркий жаҳондан,
Юракда дард билан сен қадди тиксан,
Чегара чизиғи ўтмаган қондан.
Ҳар кент, ҳар кўйингга жонимни
қоқай,
Халқим, жаҳолатда токай
қақшайсан —
Пароканда бўлиб яшайсан токай,
Маҳаллийчиликни қачон ташлайсан?..

3.

Ҳой! Ҳеч ким ҳеч нима сезмаётирми?
Қалбларда лоқайдлик кезмаётирми?
Қилт этмай қўйди-ку, дарахтлар учи,
Шамол ер остида эсмаётирми?

4.

Қийналиш керакдир, дўстим,
қийналиш,
Қийналсанг, рўёбга чиқар яхши иш,
Қани, жаҳд эт тўққиз ою тўққиз кун,
Бир нима туғасан сен ҳам, бояқиш.

5.

Оға, олдингилар нотўғри қилган,
«Олган»!

Бу — эл-юртга сир эмас асло!
Шундай қилар сиздан сўнг келган...
«Олган», дейишади сизни ҳам, демак,
«Берган» бўлмасалар ҳам,
Кўрган бўлмасалар ҳам...
Қоласиз нопоклар қатори аро.

Энди ҳалоллигингизга келсак,
Ишонмайди бунга бирорта одам.
...Ҳар ҳолда сиз шундай ўйлайсиз
бу кун,

Ҳар ҳолда шу ёққа кетяпти ҳаёт.
Ў!.. Ҳаром луқмани емоқлик учун,
Ҳаромдан бўлиши керак одамзод.
...Айниқса баъзилар, баъзилар нафси
Кўнгил қонларини ётибди сўриб:
Ўзига тегмайди ўз насибаси,
Қистирмаса бу халқ елиб-югуриб.

То ёруғ жаҳонда нафс ўлмайди,
Оға, иймон сози таратмас наво.
Ҳалолликни исбот қилиб бўлмайди
Нопокларнинг қатори аро.

6.

Ҳар кентда бир оқил, бир мард бор
эди,
Ҳар дилга бир орзу, ишонч ёр эди,
Подшолар хиёнат қилгани билан,
Эл-юрт иродаси устивор эди.

7.

Гурас-гурас авлод келар,
Гурас-гурас авлод кетар,
Бошларидан кечган кунларни
Бошқалардан яхшироқ билар
Олддагилар,
Олдинги сафдагилар.
Орқадагилар-чи,
Орқадагилар?..
...Ҳей, камбағал ҳолига кулиб,
Қимхобларга ўралиб кекиргувчи «зот»,
Жиндек амалига керилган, қуруқ!
Ҳей, тўғри сўз эшитиб, жон
ҳовучлаган!
Ҳей, остига шеърни-да босиб
яслган!
Ҳей, кўнгилни совуқ сўз сепиб
ўлдирган!
Ҳей, ўликлар панасида биқиниб ётган!
Ҳей, ўлдим, деб ёлғондан юмалаб
қотган!
Ватанни ва дўстларни сотган!
Кўрмайди, деб ўйлайсизми
аҳволингизни
Олдиндагилар?!..

Янглишасиз,
Кифтларида ҳам кўзи бор
олддагиларнинг!..
Ўгирилиб қарашга арзимайсиз-ку!

...Майли, ўлар олддагилар,
Бошқалар илар
Зафар қуббасига ўша байроқни,
Майли, совринларни бошқалар олар,
Майли, қаҳрамондай бошқалар
қолар!..
Олдинги сафдагилар олдинда борар
Бораверар ўлиб ҳам олдда!

Мен-чи, мен? Хўш?..
Қайси сафдаман?
Олддаман, наҳот?
Қувлаб юрар мени ҳам ҳалокат-ўлим,
Олдда бирор елка-паноҳ кўринмас,
ахир,
Орқамдан ҳам ўқталиб туришар
найза!
Ва... барибир, ноқулай олддаман,
дейиш,

Ва... барибир, яхшидир
Ҳавас қилмоқ олддагиларга.

Гурас-гурас,
Гурас-гурас...
Бу кураш — ёмон кураш:
Яхшиларни ёмонлар енгади баъзан,
Ҳақиқатни ёлғонлар енгади баъзан,
Муҳаббатни нафратлар енгади баъзан.
Наҳот, дейман, бу ҳам тақдирнинг
ҳукми,
Наҳот, бу ҳам боғлиқ бўлса
илоҳиятга.

Ҳар қадамда самимият мурдаларин
кўраман,
Югураман, бошларимни тошга ураман,
Гоҳ йиғлайман, гоҳида хаёл сураман.
Юрагимни шеърга ёраман...
Қамайса камаярки, кўпаймайди ҳеч
Олдинги сафлар,
Кўпайса кўпаярки, камаймайди ҳеч
Орқадагилар.
Наҳот, дейман бу ҳам тақдирнинг
ҳукми,
Наҳот, бу ҳам боғлиқ бўлса
илоҳиятга.

Азиз АБДУРАЗЗОҚ

МЕН ҚАНДОҚ ШОГИРДМАН?..

Мажнунтол тагига бориб қоламан
Ўзимдан-ўзим.
Миртемир домламиз ўлтирганмикин?
Дардимни дарахтга ёриб қоламан
Ўзимдан-ўзим:
Миртемир домламиз ўлтирганмикин?
Хаёли паришон ёки жаммикин?

Миртемир домлани топмай қайтаман,
Мажнунтол тагида ўлтирмайди у.
Дилимнинг розини не деб айтаман?
Мажнунтол кўнглимни тўлдирмайди-
ку.

Мажнунтол тагига ўтқазолмадим
Устозни охирги нафасларида.
Армони ушалмай қолиб кетди жим,
Сиқилган кўкрагин қафасларида.

Мен қандоқ шогирдман?
Одамлар, мен қандоқ шогирд
бўлолдим?
Устозлар дуосин жуда оз олдим...
Мен қандоқ шогирдман?..

Мажнунтол тагига ўтқазолмадим
Устозни охирги нафасларида...

ШАФТОЛИ

Оҳ, шафтоли...
Тирговичсиз яшай олмадинг,
Ношудлигинг ташлай олмадинг.

Тирговичга суянмоқ нечун?
Ялтоқланмоқ,
Эланмоқ нечун?
Ахир, у ҳам сендан баттар,
Бир ноилож-ку.
Ахир, тиргович —
Майдаланса,
Утин бўлар бир боғ, бир ҳовуч.
Ахир, тиргович —
Тирик эмас,
Аллақачон ўлган оғоч-ку.

Улимтикка суянмоқ нечун?

БЕЗИЛЛАЙДИ ОФТОБ, ОЙ

Бошқача чиқарди илгари Офтоб,
Бошқача чиқарди илгари Ой ҳам.
Энди эрталабдан Офтоб ҳам хуноб,
Оқшомдан хунобдир жигарим —
Ой ҳам.

Офтобнинг боласи, Ойнинг онаси —
Еримиз Ер эмас, чиқинди мозор.
Шундандир Офтобнинг, Ойнинг ноласи,
Улар шундан хуноб, чиқмоқдан безор.

ЖОНИВОРЛАРНИНГ ИЗТИРОБЛАРИ

— Овчилар кўпайди,
Қочайлик.
— Ватанни тарк этиб,
Қайга қочамиз?
Не бўлса бўлгани,
Ватанда бўлайлик,
Улсак ҳам шу ерда ўлайлик.

— Оҳ, шўрлик бошимиз,
Шўрлик бошимиз.
Қирилиб битамиз,
Битамиз,
Соғ-омон қолмасдан
Ҳатто биттамиз.

— Овчилар бор экан,
Биз бутун юра олмаймиз,
Қизил китобга ҳам кира олмаймиз...

НАЖОТСИЗЛИК

Мен умримда кўп гуноҳ қилдим.
Билиб қилдим,
Билмай қилдим,
Баногоҳ қилдим.

Мен уларни қайга кўмаман?
Мен уларни ювиб ташлашга,
Қайта тоза ҳаёт бошлашга,
Денгизгами бориб чўмаман?

Топай десам денгиздан нажот,
Оролим ҳам этгандир вафот...

Ассалом алайкум, каттамнинг юрти,
Ассалом алайкум, кирпичли бешик.
Неча йил олисда бемакон юрдим —
Ва қайтдим бош букиб, очилмас эшик!

ЙИҚБОЛ

ОТА МАКОН

ҲИКОЯ

Муҳаммадшариф МАМАТҚУЛОВ



Ўнинг кўз олдида ўша қишлоқ намоён бўлаверди. Қишлоқнинг мовий осмонида баликлар тўдаси сокин сузишарди.

У қишлоқнинг шовуллаб турган осмонўпар теракларини, пахса деворлару лойсувоқ томларини, кўча бошидаги кекса ёнғоқни, баққолнинг дўконини, ҳуштакчи чолнинг устахонасини, чақалоқлигида тарк этган ҳовлисини, лойсупа устига чодирдек шохларини ташлаган марвардак тутни, бари-барини кўрди, таниди. Қишлоқ худди отаси таърифлаб берганидек бор бўйи билан шаффоф ойнада акс этганди. Отаси қишлоқ ҳақида оқ ҳарир парда ортида укпар болишни қучганича хаёл сураётган навниҳол келинчак тўғрисида сўзлаётгандек гапирарди. Ақлини таниганидан бери қайта-қайта эшитавергани боис, отасининг қишлоқ ҳақидаги ҳикояси унга ёд бўлиб кетганди.

Иситмасини ўлчаш учун кириб келган мовий кўз ҳамшира унинг қувваи ҳофизида бир-бир тикланаётган гўзал манзарани шифохонанинг захдан сарғиш тусга кирган деворига қориштириб юборди. Ҳамшира ҳаммаси жойида дегандек, маъноли бош ирғаб кетганидан сўнг у юз берган воқеани батафсилроқ эслаб кўришга уринди. У ҳамон тирик қолганига ўзини ишонтиролмай қийналарди.

Кеманинг остҳужраси туйнуқдан шиддат билан отилиб кираётган сувга тўлганида унинг онги шуурини қуюқ қора туман қоплаб, бу сиқиқ зулумот жонини қисти-бастига олаётганди. Жудаям узоқ давом этган жон азобида тўлғонишдан сўнг у тарс-тарс ёрилишга ҳозирланган томирларига беҳол бир ҳаловат югуриб, бўғзига қўл суқиб юрагини чангаллаган кўйи суғуриб олмоқчи бўлган қора шарпа чекинганини ҳис қилди. Энди у ҳавосизликдан қийналмасди. Жоним чиқиб улгурди шекилли, деб ўйлади у. Лекин руҳиятида тананинг залворини сезиб, бир ҳаракат илинжида тўлғонганида бармоқлари бемажол қимирлади. Шунда у бошини кўтариб жилоланаётган қизил ёғдуни кўрди ва бу қулоқларимдан отилиб чиққан қон бўлса керак, деб ўйлади. У ортига ўгирилиб фалокатдан дарак берувчи қизил чироқ ёниб турганлигини кўрди ва шу аснода мудҳиш манзаранинг гувоҳи бўлди.

Иккинчи марта кемада ўзини ишонтиролмай қийналаётганлигини эслай олмайди, ақлини энди таниётган ёш бола эди ўша пайтлар. Бироқ осмон гумбазидек шаффоф ва улкан мовий кўлнинг жимирлаши, ёввойи ўрдакларнинг потирлаб учиши ва отасининг тўхтовсиз нималар ҳақидадир паришонхотир сўйлаши хотирида ўчмас муҳр бўлиб қолган. Ўша кезлар у отасининг гапларига парво қилмас, эшкак эшаётганда бўртиб чиқаётган елкаларини, ажин босган пешонаси ва қуёшда қорайган ҳорғин чеҳрасини кузатишдан зерикса, қўлини сувга солиб, бармоқлари ясаётган изларни томоша қиларди. Орадан шамолдек шошқалоқ йилларнинг анча-мунчаси ўтиб кетгач, энди аҳвол ўзгарган, унинг кучга тўлиб бораётган билагидаги томирлари ўйноқлаб эшкак эшар, отаси нурсизланиб бораётган кўзларини олисдаги ўркач булутлардан узмай эски ҳикояни сўйларди. Ўз наздида, ота бирон нарсани унутиб қолдирмас, ўғлига мана шу кўлнинг остида бир пайтлар учта қишлоқ бўлгани, уларни оралаб шошқин дарё оқиб ўтгани, сўлим ва фаровон боғчалари-ю ҳар қадамда учрайдиган зилол булоқларини, одамларнинг меҳр-оқибатини, бари-барини гапириб берганди. Фархунда ва осуда кунларнинг бирида қишлоқда аллақайси шаҳардан келган бегона одамлар пайдо бўлди. Елкаларига ажабтовур асбоб-анжомларни осган кўйи теварақдаги қир-адирларни кезиб, темир қозиқлар қоқиб чиқишди. Биров ҳа деб сўрагунча бўлмай, у одамлар қандай келган бўлса шундай тез ғойиб бўлди. Гўрга киргандек изсиз кетишди. Шундан сўнг уч йил ўтар-ўтмас қўққисдан водий аҳолисини шошилинч кўчира бошлашди. Одамлар кўч-кўронини зўрға йиғиштириб олди. Мол-қўйларини бошқа қишлоқдан келган одамларга арзонгаровга сотиб юборишди. Улар борадиган жойда мол тугул товуқ сақлашнинг ҳам имкони йўқ экан. Қишлоқ одамларини йигирма чақирим наридаги саҳрода қурилган темир-метин уйларга жойлаштиришди. Чўнтаги кўтарганлари янги манзил қидириб ҳар томонга тарқаб кетди, ёшлар қопчиғини елкага ташлаб катта шаҳарларга қараб йўл олди. Қолганларга саҳрода қурилган завўдлардан иш беришди. Бутун бир эл ари уясидек тўзғиб, ном-нишонсиз кетди. Сув омборининг чор-атрофига дам олиш уйлари қурилди, ёз бўлди дегунча ярим-яланғоч эркагу аёл мўру малахдек босиб кетади. Ота-боболарининг муқаддас хоклари устида лаблари кўкариб, кўзлари қизаргунча ҳопитади, яна не ҳунарлар қилмайди дейсан, бу инсон зоти...

Инсонга тук битгани сари у қайғуни теран англай боради ва бу мўйларнинг қордек оқаруви билан якунланади. Энди у отасининг дили не ҳасратда доғланаётганини тушуниб қолган, зерикса илгаридагидек инжиқлик қилмас, отаси «кетамиз» демагунча миқ этмасди. Гоҳо отасини овунтириш учун, мен қишлоққа тушиб чиқаман, деб сув остига шўнғир ва узоқ муддат ғойиб бўларди. Ўғлининг ҳазилини тушуниб турса-да, ота бечоранинг юраги ҳаяжондан потирлаб кетар, худди ортидан ўзи ҳам сувга сакрамоқчидек бир тараддуд ичра қийналарди. Сув остидан отилиб чиқиб, ҳансираб нафас олаётган ўғлини кўргач, отанинг қалби ғурурга тўларди. Ўғли кўпқаватли умумётоқнинг тор ва бадбўй, нимқоронғу йўлакларида вояга етаётган қўшни болаларга ўхшамас, забардаст ва навқирон эди. Худога беадад шукур, ўйларди ота, ўн саккиз йилдан буён ҳар якшанба уни бу кўлга олиб келганларим бесамар кетмабди.

Аввалари отаси соҳилга қараб қишлоқнинг қайси ўртада жойлашганини тусмолларди. Энди у ҳам отаси каби мўлжални бехато олади. Кўча бошига келганида қайиқни секинлатади, отаси шошилмай баққол борми, ҳуштакчи чол борми, ҳаммасини уруғ аймоғигача айтиб чиқар, иморатини солган устани-да унутмасди. Ўз уйлари устида сузаётганликларини у табиий савқ билан сезар ва эшкакларни сувдан кўтарарди, отаси эса иштиёқ билан сўйлашга тушарди:

— Деворимиз уч пахса эди, раҳматли Нурдин пахсакаш урган, ўзим лой узатиб турганман. Ҳар қўллари бор эдики, бир лаган паловни бир ошамига сиғдирарди. Белкуракда узатган лойим кафтининг ярмини ҳам тўлғизмасди, унга лой етказиб бераман деб, яқин беланги бўлганман. Дарвозамиз қоратолнинг ёғочидан қилинган, очилганда ғийқиллаб, чўзиқ нола қиларди. Бўз йигитлигимда уйга кеч қайтардим, онам эшикнинг тунги хонишини эшитганидан сўнг бехавотир уйқуга кетарди. Ўйимиз даҳлиз-иччари-ю олди айвонли бўларди, ёнидан чоғроққина меҳмонхона тушганди. Ёз кунлари шамол томга ғарқ пишган олмаларни дўпирлатиб тўкар, мен этагимни тўлатиб териб тушардим.

Ҳовлимизнинг қоқ ўртасида қариб қолган марвардак тут, унинг остида эса уч-тўрт киши давра қуриб ўтирса бўладиган лойсупа бўларди. Супага тангадек офтоб тушмас, ёмғир ёғганида ҳам бамайлихотир ўтирса бўларди. Тутни катта отамиз ўтқазган экан. Уруш йилларидаги қаҳатчиликда тут қарийб қишлоқни боққан, онамнинг куни тутталқон қилиш билан ўтарди. Тутга отамнинг беланчаги осилган, мени ҳам шу тут тебратиб катта қилган. Сен янги туғилганингда кунлар совий бошлаган эди, лекин ирим қилиб бе-ланчагингни тутга осганмиз. Ҳеч ёдимдан чиқмайди, қаттиқ шамол туриб заъфарон хазонларни шитирлатганча осмону фалакка кўтарган, тутнинг шохлари уввос солиб йиғлаётгандек роса чайқалган. Сен сарғиш тут япроқлари остида кўмилиб кетгандинг. Онанг шўрлик, бу яхшиликка эмас, дея зор-зор йиғлаган. Мен уни отам неварасини суйганидан шундай қиляпти, деб зўрға юпатганман. Биз тутда отамнинг руҳи бор дея ҳисоблардик, бунга асосимиз ҳам бор эди.

Отамдан қорахат келганида мен беш-олти ёшлар чамасидаги бола эдим. Онам бу кўргуликдан ўзини олдириб қўйган, далага чиқиб ишлолмас, ошпазлик қилиб, тушлик пайти ёбондаги хотин-халажга ёвғон шўрвами ёхуд шунга ўхшаш, неки топилса ўшани олиб борарди. Бир куни онам далага тушлик олиб кетганидан сўнг мен тўкилиб ётган марвариддек тутларга қаноат қилмай, чолдек мункайиб қолган тутнинг тепасига чиқдим. Энг юқориги каллагига чиққанимда юрагимда ваҳм қўпди, эҳтиётсизлик қилиб нобопроқ бутоққа оёқ қўйган эканман, пастга калла қилдим. Энди ўлдим деб ўйлаб жон ҳолатда қичқирдим, шу тушиб боришимда ерпарчин бўлишим тайин эди. Туйқус кимнингдир мулойим, лекин кучли қўллари мени тутиб қолиб, аста ерга қўйди. Қаттиқ қўрқиб кетганимдан кўзимни чирт юмиб олгандим, бир оздан сўнг ҳайрат ва ҳадик тўла кўзларимни очганимда ёнатрофимда бирор шарпа йўқ эди. Менга шундай туюлдими десам, ҳеч қаеримда оғриқ йўқ. Шу пайт қўшнимиз Шарофат эна келиб қолди, кампир чинқириғимни эшитибоқ бир палакат бўлди-ёв, деганича бизникига чопибди. Уни кўриб лабларимга табассум югурди, тутдан калла қилиб ҳам соғ қолганим ўзимга нашъа қилиб, юз берган ғалати воқеани унутгандим. Мени тиржайиб турганимни кўриб Шарофат эна ҳассасини ўқталганича саннаб кетди-ю...

Онам келгач, воқеани эшитиб роса кўз ёши тўкди. Сўнг мени отин кампирни чақириб келишга юбориб, ўзи отамнинг руҳига чироқ ёқиш учун тайёргарлик кўра бошлади.

Яна бир сафар ғира-шира қоронғулик чўккан пайтда онам ташқарига чиқди-ю, дарров ранги бир аҳволда қайтиб кириб, эшик кесакасига суяниб қолди. Тўхтовсиз ёқасига туфларкан, «Вой, ўғлим, тутнинг тагида кимдир турибди, худди отангга ўхшайди, нега келмаяпти экан-а?! Юр-чи, чиқиб кўрайлик-чи», деб мени етаклади. Даг-даг қалтираётган онамнинг қўллари муздек эди. Дарҳақиқат, тутнинг тагида қора шарпа турарди. Биз унинг юзини аниқ кўролмасак-да, қомати худди отамникига ўхшарди, урушга кетаётганда кийган кийими ҳам худди ўша-ўша. Биз отамни чақирмоқчи бўлганимизда у тутга имо қилгандек бўлди ва унинг ортига ўтиб ғойиб бўлди. Онам икковимиз бир-биримизнинг пинжимизга кириб, минг ҳаяжон билан тутнинг атрофини айланиб чиқдик. бироқ ҳеч кимни учратмадик. Отам гўё қоронғуликка сингиб кетган эди. Ўша кеча Шарофат энани чақириб чиқиб, бирга ётганмиз. Тутнинг танасидаги катта ёриқ онам қазо қилганида пайдо бўлганди.

Сени беланчагингни тутга осганимизда онангнинг юрагига ғулғула беҳуда тушмабди. Аёл кишининг қалби сезгир бўлар экан — тут безовта бўлиб чайқалганда отамнинг руҳи бизни фалокатдан огоҳ этмоқчи бўлганлиги кейин аён бўлди. Ўша йили қишда онангнинг бўйраги шамоллаб вафот этди, баҳорда эса бизни қишлоғимиздан қувғин қилишди.

Отаси гапини тугатгач, узоқ муддат сувга тикилганча тек қотарди. «Энди қабристонга ҳайда, онангни зиёрат қиламиз», дерди кўз ёшларини сездирмай артар экан. У падарининг хаёлини бузишни истамас, эшкакни шалоплатмай, аста эшар, мозорга етиб келганларидан сўнг яна эшкакларни сувдан кўтарарди. Отаси бобокалонлари, энаси ва волидаси ҳақида узоқ сўзлар, сўнг суяклари сув остида чириётган барча ҳамқишлоқлари руҳига атаб дуо ўқигач, беҳиштдаги кавсар лабида тургандек иқлос билан ҳовучини сувга тўлдириб, юз-кўзларини юварди. У ҳам отасининг ҳаракатларини айнан такрорлагач, юзида илиқ ҳарорат, руҳида ёруғлик ҳис этарди.

Улар ортларига қайтишар экан, отаси ҳеч қачон ҳақиқатга айланмайдиган хаёлий орзусини эҳтимол, мингинчи бор такрорларди. «Пулимиз кўпайса, ғаввослар кийимини созиб оламиз, ўшанда кўлнинг остига тушиб, қишлоғимизни сайр қиламиз. Мен сенга айтганларимни ўз кўзинг билан кўрасан, қабристонни зиёрат қиламиз» дерди. У отасининг рўзғордан бир тийин ҳам орттиролмаслигини, ғаввослар кийимини эса умрида кўрмаган, фақат у ҳақда бировлардан эшитганини биларди.

Соҳилга чиқишгач қайиқларни ижарага берувчи насроний чол уларга ўдағайлаб кетарди. «Яна тушгача деб шомгача юрдиларинг, энди мендан ўйлашиброқ қайиқ оласанлар» дея шовқин соларди. Шунда отаси ижара ҳақини икки баробар тўлашга мажбур бўларди. Чол пулни икки буклаб чўнтагига тиқар экан, ота-бола савдойиларнинг ортидан таажжуб ила боқарди. У инсонни шу кўйга туширадиган қандайдир дард борлигини билмас, эҳтимол унутиб юборганди.

— Денгиз худосига ҳамду санолар бўлсин! Биз чорияларига қандай амру фармонлари бор?! — Остонада пайдо бўлган мовий кўз ҳамширанинг қўнғироқдек жарангдор овози уни хотиралар уммонидан қирғоққа итқитиб юборди. Ҳамшира узр сўрагандек гуноҳкорона жилмайди ва сўзида давом этди. — Довруғингиз етти иқлимни тутди. Миш-мишларга қараганда, сизда табобатга номаълум бўлган сирли ўзгаришлар юз берибди, энди сув остида ҳар қанча бўлса ҳам турaверармишсиз. Эртага сизни текширгани Санкт-Петербургдан олимлар келишади. Тайёргарликни кўраверинг, тубсиз денгизлар султони!

У аянчли уф тортиб, юрагини чангаллади. Чунки энди ҳамшира қизнинг кўзларида нафақат мовий кўлни, балки унинг остидаги яшил қишлоқни ҳам кўраётганди. Қишлоқ кўлга тикка тушаётган қуёш нурларида товланиб, элас-элас кўзга ташланиб қоларди. У ҳозирги манзарани бундан қарийб уч йил муқаддам, ҳарбийга жўнашидан олдин, отаси билан сўнгги марта кўлга борганларида кўрган эди. Ўшанда у ҳар галгидек сув остига шўнғиган, бироқ бу сафар жуда узоқ кетган ва яшил сувўтлари қоплаган қишлоқни анча юқоридан кўришга восил бўлганди. Сўнгги ўша сайр ғайритабиий бўлганди, отаси қайиққа ўтирганларидан бошлаб, то қайтиб кетгунларига қадар бир оғиз гап айтмай оғир сукут сақлаган эди. Бироқ бутун сайр давомида унинг қулоқлари остида отасининг сўзлари жаранглаб турган ва у отам мендан яширинча гапираётибди шекилли, деган шубҳага борганди. Ўшанда илк бор юраги кўл остидаги қишлоққа талпинган, қайтаётганларида отасининг ғаввослар кийими ҳақидаги чўпчаги ҳақиқатдек туюлган эди.

Ҳамшира қизнинг гапи тўғри чиқди. Эртасига келган олимлар уни мураккаб қурилмали асбоблар билан роса авра-астарини ағдаришди, қон томирлари, ўпкасини, юрагининг уришини текшириб кўриб, кун бўйи алланималар ҳақида баҳслашишди. Дўхтирларнинг каттаси, амалий тажриба ўтказмай туриб, бир нима дейиш қийин, деган хулосага келибди. Бу гапни кечқурун унга мовий кўз ҳамшира етказди. Синов эса ўн кундан кейин, соғлиги яна бироз тиклангач бўлармиш. У тун бўйи синовда ўзини қандай тутиши лозимлиги ҳақида ўйлади ва аниқ қарорга келгач, уйқуга кетди.

Ниҳоят, синов муваффақиятсиз тугагач, уни тинч қўйишди. Хизмат муддати тугаб қолганини ҳисобга олиб уйига кетишга рухсат беришди.

Уни беш қаватли умумётоқнинг икки хонали, бўм-бўш, ҳувиллаган тор ҳужраси кутиб олди. Калитни қўлига тутқазаётган қўшни аёл «Отанг ўлимидан олдин сенга кўп илҳақ бўлди. Ўғлим келса, бир ҳовуч тупроғимни, аллақайси кўлниям айтди, номи эсимдан чиқибди, ўзинг билармишсан, ўша кўлнинг устидан сочиб юборсин, ўзи тез-тез зиёратга бориб турсин, деб зорланди. Мановиниям сенга қолдирди, бир қисмини кўмиш маросимларига ишлатдик» деди ва оқ қийиққа тугилган бир даста пулни узатди. У қўшни аёлнинг гапини зўрға илғади, назарида ундан жудаям олислаб кетганди. Зиндондек туюлган ҳужрадан кимнидир излар экан, деворда осиғлиқ отасининг сурватига кўзи тушди. Бир пайтлар ҳол-жонига қўймай отасини сурватхонага етаклаб борганини эслади. У сурватни олиб қучмоқчи эди. Бироқ узатилган қўллари ҳавода муаллақ қолди. Кўз олдида парча-парча бўлиб кетаётган отасининг денгиз қаъридаги сиймоси намоён бўлди ва бир неча сония шу алпозда қотиб қолди. Қўшни аёлнинг ҳирқироқ йўтали уни ўзига келтирди. Аёл ундан кўзларини узмас, афтидан, йигитнинг ёқавайрон бўлиб додфарёд солмаётганидан ажабланарди.

У тугунни ечиб, қийиқни қўйнига солди, пулларни аёлнинг қўлига тутқазар экан, илтимос қилди. «Менга энди бу пулларнинг кераги йўқ, сизнинг бир кунингизга ярар, фақат менга отамнинг қабрини кўрсатиб қўйинг, тезрок...».

Улар қабрлар оралаб узоқ юришди. Ниҳояси йўқдек эди бу гўристонни. Ахийри аёл тўхтади. «Анави қабр» қўли билан кўрсатди у дўмпайиб турган тупроқ уюмига ишора қилиб. Қабр мозорнинг энг четида, шундоққина деворнинг тагида эди.

У қабрни қучганича ётаверди, кўзларига сира ёш келмади. Субҳи содиққача шу алпозда ётди. Тонг ёришганида қабрдан бир ҳовуч тупроқ олиб қийиққа тугди ва қабристондан чиқиб кетди.

Денгизчилар кийимидаги йигитни қайиқларни ижарага берувчи чол таниди, ёлғиз келганидан ажабланди ҳам, бироқ сабабини суриштириб ўтирмади. У қайиққа ўтиргач, шахд билан эшкак эша бошлади. Энди соҳилга қараб тусмоллашнинг кераги йўқ эди, юрагининг ўзи йўл кўрсатиб борарди унга. Қишлоқ устида тўхтаб, шошилмай уст-бошини ечди, отасининг хокини кўксида тутганича сув остига шўнғиди. Мовий кўл уни ўз домига тортди.

Эртаси куни ижарачи чол эгасиз қайиқни судраб келди, ичида денгизчилар кийими ётарди. Чол йигитнинг чўкиб кетганига шубҳа қилмади ва қутқарувчилар бўлинмасига хабар қилди. Ўлик қидирувчилар уч кунгача мурда сув юзасига кўтарилади деб, кўлни айланишди. Лекин жасад топилмади. Ижарачи чол эса барчани ҳайратга солиб, тинимсиз йиғларди. Унинг йиғлаганини ҳеч ким кўрмаганди. Умуман, қартайиб қолган бир чолнинг йиғлаши мудҳиш ҳол эди. Насроний чол чўкиб кетган йигит учун йиғламасди, қазо вақти яқинлашган сайин у ёшлигини тиниқ хотирлай бошлаганди.

●

Нвилоятидаги сув омборида сирли мавжудот пайдо бўлгани ҳақидаги гап-сўзлар анчадан буён эл орасида юрарди, муҳарририятимизга бу ҳақда мактуб ҳам келган. Яқинда ўша вилоятга сафарга борганимда мактуб эгаси — ҳаваскор балиқчини излаб топдим. У менга сув одамини кўрган тун ҳақида сўзлаб берди. Ой шуласида товланаётган кўм-кўк танасини айтмаса, ростмана одамга ўхшайди, деди у. Бироқ мен бу ҳақда рўзномага ҳеч нарса ёзмадим.

ИЛМИЙ-МАДАНИЙ САВИЯ... КЕРАК ЭМАСМИ?

Аҳмадали АСҚАР,
ЎзФА академиги,
Тарих институти директори,
Ўзбекистон халқ депутати

МУҲАРРИРИЯТИМИЗГА КЕЙИНГИ ИККИ-УЧ ЙИЛ ИЧИДА турли нашриётлар, хусусий корхоналар чоп этаётган тарихий манбалар, қадимги қўлёзма асарлар билан боғлиқ муаммолар хусусида маълумот беришимизни илтимос қилиб ёзилган мактублар келиб турибди. Ҳар бир газетхонга алоҳида маълумот бериб мактуб ёзишга ёки газета саҳифасида батафсил жавоб беришга имконимиз йўқ. Албатта, улар шундай саволларни беришга ҳақлидирлар. Чунки яқин-орадан бери тарихий, қадимий қўлёзма асарларни ҳар ким ўзича чоп этаверниши одат тусига кираётир — сифатсиз, чалаярим тайёрланган тарихий китоблар сони кун сайин ошиб бораётир. Мухбиримиз Аҳмад ОТАБОЙ Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих институти директори Аҳмадали АСҚАР билан учрашиб, газетхонларни ҳаяжонга солиб турган муаммолар, тарихга муносабат ва нашр масалалари ҳақида суҳбатлашди.

Мулоқот

МУХБИР: — Умри мобайнида тарихга қизиқмаган кишини топиш жуда қийин бўлса керак. Кўплардан ёшлигида тарихчи бўлишни орзу қилганини эшитганман. Бироқ сўнгги пайтлардагидай афкор омманинг ёппасига тарихий асарлар, қадимги қўлёзмалар нашрларига қизиқиши беҳад кучайгани, ҳарқалай, кам кузатиладиган ҳодиса, деб ўйлайман. Бундай улкан маънавий эҳтиёж ёмғирдан сўнг бодраб чиққан қўзиқоринидай пайдо бўлаётган нашриётлару хусусий корхоналарнинг бозорини қизитиб юборди. Улар амалга ошираётган ишларнинг савоби ўзларига ёзилар, бироқ шу кетишда «даврнинг келди, сур бегим!» қабилида ноғорачи ҳам, ошпаз ҳам ноширликка берилиб кетиб, ҳақиқатдан афсонани ажратолмай қолмасмиканмиз! Сиз бошқараётган Тарих институти бу жараённи кузатиб бораётгандир, лекин кунора чиқиб турган китоблар ҳақида тарихчилар жиддийроқ фикр билдирмаяпти-ку! Балки сукут — аломат ризо, демакки улар оши ҳалолларини ноширларга ишониб топширишганми!

Аҳмадали АСҚАР: — Мустақилликнинг эълон қилиниши муносабати билан республикамиз ижтимоий ҳаётининг, жамиятимизнинг ҳамма жабҳаларида, кенг халқ оммаси ўртасида, ишчи-хизматчилар, зиёлилар, турли хил жамоалар, ҳар хил бўғиндаги давлат раҳбарлари орасида тарихий ҳақиқатни, ўзбек халқининг ўтмиш маданиятини, урф-одатларимиз, анъаналаримиз, қадриятларимизни билишга қизиқиш ниҳоятда кучайиб кетди. Албатта, халқнинг ҳаққоний тарихга бу қадар чанқоқлиги табиий. Ахир, етмиш беш йил мобайнида халқдан ҳақиқий тарих яшириб келинди, тарих тўғри, холис ёритилмади. Чунки ҳамма соҳаларда бўлгани каби тарих фанида ҳам мафкура ҳукмронлик қиларди — ўша болшевойча мафкура, КПСС мафкураси. Ҳар қандай тадқиқотни шу идеологияга асосланган ҳолда олиб бориш, қизил мафкура чизиб берган чизиқдан чиқмаслик одат тусига айланган эди. Бу фақат тарихгагина доир бўлмай, балки адабиётда ҳам, санъату фалсафада ҳам, ҳатто иқтисодиётда ҳам аҳвол шундай эди. Масалан, фалсафа фани мутахассислари биз барча ижтимоий-гуманитар фанларга методологик асос берамиз, деган даъво билан ўзларини беҳад мағрур тутиб, марксча-ленинча идеологияни дуч келган жойга тиқиштириб, бу ғоянинг тўла-тўкис ҳукмронлигини таъминлаш ниятида ҳар қандай соҳага аралашди. Оқибатда тарихимизни холис ёритиш йўлида жуда кўп чекланишлар, йўқотишлар юз берди. Бу мутлақо кечириб бўлмайдиган бир ҳолат эди. Аслида бор ҳақиқатни у аччиқми ёки ширинми, қўрами ё оқми — ҳаммасини қандай бўлса шундайлигича бериш керак. Айниқса, тарих соҳасида шундай бир мезон зарурки, у ёки бу партия, ё гуруҳ вакиллари тарихий ҳодиса ва фактларни талқин этишда моҳиятни ўз манфаатлари томон буриб юборишлари мумкин бўлмасин. Минг афсуслар билан тан олишимиз керакки, бизда ҳақиқатни бузиб кўрсатиш, йўқ нарсани бор деб айтиш, исботлашга уриниш — юқоридан берилган топшириқни аъло даражада адо этиш, шунга интилиш тарихда, адабиётда, фалсафа ва иқтисодиётда ҳукмрон тенденцияга айланган эди. Бу тенденция йиллар мобайнида шу қадар такомиллашдики, халқ ўз тарихи, ўзининг маданий меросини, қадриятларини билиш, ўрганишдан маҳрум бўлиб қолди. Фақат махсус шуғулланаётган жуда кам сонли мутахассислар доирасигина тарихга доир асл маълумотлардан, фактлардан хабардор эдилар, холос. Афкор омма эса жуда кўп гаплардан мутлақо бехабар қолди, чунки бунга йўл берилмасди.

Фақат мустақилликка эришганимиздан кейин Президентимиз Ислом Каримов бошчилигидаги ҳокимият кўмагида демократик анъаналарга йўл очиш, халқимизнинг ўтмиш мероси заминида янги жамият қуриш, собиқ марказ ўтказиб келган сиёсий, маънавий тазйиқларни ошкора танқид қилиш имкони пайдо бўлди. Бундай вазият, айниқса, зиёлиларда қанот пайдо қилдики, аждод-авлодларимиз ўтмишини, узоқ ва яқин тарихимизни, умуман, элга зарур неки бор — барчасини билиш ва халққа тезроқ етказишга иштиёқ кучайди. Бу жараённи мен ватандошларимиз онгида, таъбир жоиз бўлса, маърифий инқилоб юз берди, деб таърифлагим келади.

Бу ўринда маънавий эҳтиёжнинг катталигидан фойдаланиб қолишни кўзлаган бир гуруҳ кишилар беихтиёр «маърифат савдоси»га қўл уришганини ҳам айтиб ўтишимиз керак. Зеро, жамиятда тарихга қизиқишнинг ортгани билан бир пайтда биз бозор иқтисодига ўта бошладик, бурунги социалистик системадан воз кечдик, янги давлат сиёсатини танладик. Янги система барпо этиш йўлидаги давлат сиёсати туфайли айрим матбуот органлари, нашриётлар қийин иқтисодий аҳволга тушди. Ҳар бир ташкилот яшаб қолиши учун ўзи маблағ топишга мажбур бўлди. Оқибатда халқ нимага интилаётган, нимани қизиқиб ўқиётган, қандай асарларни талаб этаётган бўлса, шу нарсаларни жуда тезликда, афсуски, аксарият ҳолларда шошилиб нашр этишга киришиб кетилди.

Аввало, диний ташвиқот, дин билан боғлиқ қўлёзмаларни эълон қилиш кенг тус олди. Иккинчидан, ўтмиш тарихимиздаги оқ доғлар, яъни биз ҳалигача ёритолмаган тарих саҳифаларига боғлиқ асарларни, ҳатто қўлга тушган ҳар қандай нарсани, орқа-олдига қарамай чоп этишга, нотўғри талқинларга киришиб кетилди. Объектив тарихга доир манбаларни йирик олимлар, етук мутахассислар назоратидан ўтказмай туриб неча минглаб нусхаларда чиқаришга киришилди. Ахир, бизда жамоатчилик эътиборини қозонган йирик олимлар, мутахассислар йўқ эмас-ку! Улар ҳар қандай асарга тақриз ёзиб беришга ҳамиша тайёр! Афсуски, нашрга масъул кишилар билан олимлар ўртасида бундай зарур алоқани ноширлар йўлга қўйишмади.

Авваллари бир китоб чиқармоқчи бўлсак, дастлаб илмий кенгашда кўриб чиқардик, ундан сўнг академия системасида ижтимоий-гуманитар фанлар бўлимида муҳокама этиларди. Бу билан ҳам қаноат қилмасдан тағин уч-тўрт кишига тақризга бериларди. Шундан кейин бир объектив хулосага келинарди; агар асар талаб даражасида бўлса дарҳол нашрга тавсия этилар, акс ҳолда қайта ишлаш учун муаллифга қайтарилар эди. Бундай тартиб эндиликда барҳам топди, унутилди. Оқибатда нохуш, ноқулай ғайриилмий ҳолат юз бераётир.

МУХБИР: — Домла, сиз куюниб айтган бугунги муаммолар ҳам Мустақиллик мевалари, албатта. Бироз тахир бўлса-да, етказганига шукур... Бироқ одам боласи умумий оқимга тез берилиб, қўшилиб кетаркан. Утган етмиш беш йилда йўл қўйилган хатолар кўпчилик қатори менга ҳам ёд бўлиб кетди, десам муболаға бўлмас... Сўрамоқчи бўлганим, ўша эрксизлик йиллари фанда амалга оширилган ишлар, ўша пайтдаги шарт-шароит билан мустақилликнинг илк даврида юзага келган, ҳозирги шарт-шароитни қиёсласак, қандай манзарага дуч келамиз!

А. АСҚАР: — Авваламбор, журналистларнинг «холис хизматлари» оқибатида етмиш беш йил давомида маърифат, маданият, айниқса, фан ва илмий потенциални яратиш йўлида қўлга киритилган улкан ютуқлардан кўз юмиш ҳолати юз берди. Ахир, мана шу йиллар ичида бизда жуда кўплаб олимлар, фан докторлари, академиклар етишиб чиқди. Албатта, уларнинг савияси ҳар хил бўлиши мумкин, бироқ қайси соҳани олманг, ҳаммасида етук мутахассислар топилади. Бу ўз-ўзидан юзага келадиган, осонгина қўлга киритиладиган ютуқ эмас-ку!

Мисол учун, профессор Гого Ҳидоятовнинг «Ўқитувчи» нашриётида (1990) нашр этилган китобини олайлик. Китоб рус тилида чоп этилган. Номи ўзбекчага, чамамда «Жонажон Ватан тарихи» деб ўгирилса керак. Г. Ҳидоятов ўлкамиз тарихида кечган колониал давр, яъни Ўрта Осиёни руслар босиб олиш учун киришган-талашган можаролар замони бўйича йирик мутахассис, йирик олим. Биз бу жиҳатдан тан берамиз. Бироқ юқорида эслатилган китобида у ўлкамизнинг қадимги давридан ҳозирга қадар бўлган тарихини ёритишни ният қилган. Афсуски, олим жуда кўп хатоларга, ноўғри фикр-мулоҳазаларга йўл қўйган. Мен уни билиб туриб шундай хатоликларга йўл қўйган, деб айта олмайман, балки Г. Ҳидоятов ўз тадқиқот доирасига кирмаган даврлар тарихини чуқур билмагани оқибатида шундай сохталикларга юз берган. Билмадим, ўзига ортиқ даражада ишонганиданми, муаллиф асарини мутахассислар муҳокамасига қўймаган. Китобни нашрга Тошкент Давлат университети тавсия этган. Балки бунда олимнинг шу даргоҳда тутган мавқеи иш бергандир, балки бошқа омиллар бордир... Ҳарқалай, анча маблағ сарф этилиб, ғоят бежирим нашр этилган бу китоб тарихчи учун обрў олиб келмаслиги тайин.

Темур тарихи билан боғлиқ асарлар нашрида ҳам шундай аҳволни кузатиш мумкин. Мисол учун, Лоён Равшанов тайёрлаган «Темурнома»ни олайлик. Бу асарни варақлаб кўрсангиз, унда ҳақиқатдан кўра афсоналар кўп. Умуман, «Темурнома» афсоналар, ривоятлар асосида ёзилган. Истайсизми, йўқми бу китобни ўқиган тарихга чанқоқ халқимиз ана шу ривояту афсоналарни бор ҳақиқат, деб тушунади. Агар асарни чуқурроқ таҳлил билан мутолаа қилсак бутунлай бошқача маънога, мазмунга дуч келамиз. Наҳотки, китобни батафсил, чуқур илмий сўзбоши билан, изоҳлар, шарҳлар билан таъминлашнинг имкони бўлмаган?

Биз тарихга мурожаат этганда ҳушёрликни, умумий манфаатларни ёдда тутишимиз лозим, деб ўйлайман. Зеро, бирор-бир асарни чоп этишдан бурун бу асар Ўрта Осиёда яшаб келаётган халқларнинг бирортасининг ғурурига тегиб кетмаслигини, халқларнинг ўзаро аҳиллигига путур етказмаслигини ҳам ўйлашимиз керак.

Мана, яқинда «Турон» деб номланган журналнинг илк сони чиқди. Уни «Нур» чиқарган. Журналда профессор Ашраф Аҳмедов имзоси билан «Турон» сарлавҳали бир мақола эълон қилинган. Унда Туронга таъриф берилиб, жумладан, Турон — бу туркдир, дейилади. Турон, ахир, халқ номи эмас, Турон жуғрофий ном. Сирдарёдан Орол денгизигача, Еттисув атрофидан токи Амударёга қадар жойлар Турон дейиларди, Амударёдан нарёғи эса Эрон дейилган. Тарихий ҳақиқат шундайки, Амударёдан бери томонда биргина туркий халқ яшамаган ва айни пайтда дарёнинг нариги томонида ҳам фақат форсий забон халқлар яшашмаган. Ўша замонларда Туронда сўғдлар, бақтрияликлар, хоразмийлар, чочликлар, парканлар ва бошқа кўплаб элу элатлар яшаган. Мана шуларнинг уюшмасидан кейинчалик уч-тўртта халқ шаклланди, масалан, тожиклар ва туркий тилда гапирувчи ўзбек, қозоқ ва қирғизлар таркиб топди. Биз Эрон деганда фақат форсийда гапирувчи халқларни тушунмаймиз-ку! Ахир, Туркманистон ҳам ўша қадимги Эрон заминда жойлашган. Демак, биз Эрон деганда туркманларни назардан қочирмаслигимиз лозим бўлганидек, Турон деганда тожикларни ҳам ёдда тутишимиз керак. Умуман, тарихга мурожаат этганда масаланинг мана шу муҳим ва нозик томонини унутиш халқлар ўртасидаги алоқаларни бузиб қўйишга, бошқа халқни камситишга олиб келиши мумкин. Хулоса қилиб айтсам, биз тарихчиларнинг вазифамиз тарихни холис ёритиш билан бирга ҳозирги замонда халқлар осойишталигига зарар келтирадиган ғояларни ўртага ташлашдан тийилишдир. Бор ҳақиқатни очиқ-ойдин айтишимиз керак. Турон агар турк бўлганида, бу бошқа гап эди. Турон жўғрофий номки, жўғрофий номни бир халқнинг номи билан боғлаб юбориб, ўқувчига шу ҳақда маълумот бериш мутлақо хато, бу олимнинг иши эмас.

Биз учун улуғ ватандошларимизнинг иш тажрибалари дастуриламал бўлмоғи лозим. Беруний бирор ҳодисани ёритмоқчи бўлса, албатта, манбаларга суянган ҳолда ҳақиқатни афсонадан ажратмагунча ҳеч қандай хулосага келмас эди.

Кейинги пайтларда, газета ва журналларни кузатиб бораётган бўлсангиз, кўзингиз тушгандир, айрим ёзувчилар, аксарият ҳолларда журналистлар, ўтмишни яхши билмаган, асосан шўро даври тарихи билан шуғулланиб келган тарихчиларнинг мақолаларида жуда кўп чалкашликларга, хато ва ноилмий фикр-мулоҳазаларга дуч келамиз. Масалан, Афросиёб атрофида айтилаётган гапларни олайлик. Жумладан, Афросиёб — туркий халқларнинг подшоси, биринчи подшоси бўлган, деган фикр такрор-такрор айтилди. Биринчидан, Афросиёб — аниқ тарихий шахс эмас, балки афсонавий халқ қаҳрамони. Қолаверса, Афросиёб фақат туркий халқларнинг подшоси эмас, Турон мамлакатининг ҳукмдори бўлган. Турон эли деганда эса бу заминда яшаган сўғдийлар, бақтрияликлар ва бошқа элу элатларнинг ҳаммаси тушунилади. Олимлар орасида бу борада турли хил қарашлар мавжуд. Аслини олганда эса, афсонавий ҳукмдор бўлгани билан бирга Афросиёб фақат туркий халқларнинг эмас, Турон мамлакатида яшаган барча халқларнинг ҳукмдори эди.



Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сини тушунишда ҳам кўпроқ фольклорчиларнинг, адабиётчиларнинг анъаналари томонидан кетиб қолиниб, тарихчиларга хос объектив ҳақиқатни айтишга интилиш бўлмади. Фирдавсий «Шоҳнома»ни яратишда нуқул тарихий манбаларга асосланган, деб ўйлайсизми? Йўқ. Шоир ўз асарида асрлар мобайнида халқ орасида айтилиб келинган Рустам, Афросиёб, Хисрав каби афсонавий қаҳрамонлар ҳақидаги достон ва ривоятлар, афсона ва ҳикоятларда куйланган образларнинг йиғма тимсолини берган. «Шоҳнома»да тарихий реал шахсларнинг образлари билан бирга жуда кўплаб афсонавий қаҳрамонлар образлари ҳам борки, тарихга мурожаат этиб бадиий асардан дадил ахтарганда буни назардан қочирмаслик керак. Муҳими, ҳар қандай асарни нашр этишдан бурун етук мутахассислар маслаҳати олинса, нашр пухта сўзбоши билан, шарҳ, изоҳлар билан таъминланса, китобда қайси афсонаю қайси ҳақиқатлиги ўқувчига тушунтириб берилса, муҳим ва мураккаб ўринларни қандай тушуниш кераклиги холис айтилса китобхон ҳам, ношир ҳам бундан ютади. Афсуски, бундай батафсил, пухта нашрларнинг сони жуда камайиб кетди. Сўнгги иккиуч йил ичида бизда нашр қилинган тарихий китобларнинг, қадимги қўлёзмаларнинг етмиш-саксон фоизи пала-партиш, хатоларга сероб. Халқимизнинг тарихий ҳақиқатни билишга чанқоқлиги, боз устига ҳар қандай қадимги манбаани нашр этиш эрки берилгани мана шундай оқибатни юзага келтирди.

Мен зинҳор бу китобларнинг чоп этилиши зарар бўлди, демоқчи эмасман. Фойда кетидан қувиб нашр сифатини, савиясини унутиб қўймайлик, демоқчиман. Мабодо енгил-елпи чоп этилган китобларга тақриз ёзиб, эълон қилмоқчи бўлсангиз, танқидий фикрларингизни айтмоқчи бўлсангиз, бирор-бир газета ёки журнал бунга рози бўла қолмайди.

Бир тарихчи, Тарих институтининг директори сифатида диққат бўлаётганимнинг сабаби шуки, биз қўлга тушган нарсани билиб-билмай жуда кўп нусхада нашр этиб, минглаб китобхонларга, айниқса, ёшларга нотўғри ҳукм-хулосаларни, ноўрин тушунчаларни етказаяпмизки, бу тарихчиларга яхши гап олиб келмайди.



Қолаверса, ўша етмиш беш йил мобайнида бирорта ҳам олим қизил мафкуранинг чизган чизиғидан чиқолмади, деган фикрга мен қўшилмайман. Олайлик, менинг бевосита шуғулланадиган соҳам археология. Мен Археология институтини ташкил этиб, шу даргоҳда ўн саккиз йил директорлик қилдим. Бизнинг ходимлар, шогирдларим, атрофимда ишлаган дўстларим ёзган асарлар турғунлик даврида, қанчалик аҳамият касб этган бўлса, ҳозир ҳам шу даражада муҳимки, мен бунга тўла кафиллик бера оламан. Бизга ҳеч қандай мафкура таъсир этгани йўқ. Чунки археолог сифатида биз ер остидан ниманики қазиб топган бўлсак, уни шундайлигича талқин ва таҳлил этдик. Бундай ҳақ гапни республикамизда фаолият кўрсатган кимё, математика, геология, медицина ва бошқа кўплаб соҳаларда кашфиётлар яратган бир қанча етук олимларимиз ҳам дадил айтишлари ҳам мумкин.

Буни қарангки, ўша турғунлик деб қораланиб келинаётган даврда биз илмий тадқиқотларимизни республика ҳудуди бўйлаб кенг кўламда олиб борар эдик. Маблағ ҳам бор эди, транспорт ҳам, ёқилғи ҳам; муҳокамалар жуда қизғин, мунозарали ўтарди. Археология экспедицияси ташқарига, далага чиқмай туриб ҳеч иш қилолмайди. Авваллари бир ишчига беш сўм берсак кечгача ишларди, ҳозир эллик сўмга ҳам ишламайди. Бизга эса ўша эллик сўмни ҳеч ким бермайди. Маблағ йўқ, транспорт йўқ... Оқибатда, мана, археология ўтирди, антропология ўтирди, этнография ўтирди! Ҳозир бизда — Академияда аҳвол шундайки, ўша турғунлик пайтида ташкил этилган илмий потенциални сақлаб қолиш, йўқотиб қўймаслик учун, икки-уч йил ўтиб яхши бўлиб кетар, деган умидда ҳозирча ойликларгагина пул топиб бериб туришибди.

Бурун хоҳлаган архивга, хоҳлаган кутубхонага бориб, бемалол ишлардингиз. Архив ходимлари мутахассислар бизга кам келади, деб шикоят қиларди. Энди архивга бориб кўринг-чи, оддий бир «дело»ни шундоқ варақлаб чиқиш учун пул тўлашга мажбурсиз. Бир газетани варақлашга ўн беш сўм талаб қилишади. Бунинг устига, бизнинг архив материаллари Москвага, Петербургга деярли ташиб кетилган. Энди бирор-бир ҳужжат билан танишиш учун у томонларга боришнинг ўзи бўлмайди, йўл ҳақи, ётоқ жой, озиқ-овқат ҳақи ўн, юз баравар ошиб кетди.

Модомики, фан, халқ таълими, медицина давлат тасарруфида экан, бу соҳаларга жуда катта маблағ ташлаш керак бўлади. Бироқ бугунги кунда бунинг имкони йўқ, республика иқтисоди оғир аҳволда.

Шароит тақозоси туфайли ўтган йили студентларга баъзида жавоб бериб юборилавердики, бу ҳам билим олишга иштиёқини сусайтирди. Бунинг устига пухта билим бериш йўқолди, айрим ўқитувчилар сиёсатга берилиб кетиб, бўлар-бўлмас гапларга ўралашиб, чалғишди. Ёшларда фан чўққиларини эгаллашга ғайрат, ҳавас, қунт сусайиб кетган, улар пул топишга берилиб кетишди. Умуман, фан соҳаларида илгаригидек барқарорлик, хотиржамлик йўқ. Талабадан тортиб академиккача — барчанинг қалбида, ўй-фикрида эртанги, индинги кунга тўлиқ ишонч руҳи барқарор бўлиши керак.

МУХБИР: — Начора, қарахтлик ҳам вақт-соати билан чекинар, яна хотиржам ўтириб ишлайдиган пайтлар ҳам келар. Бироқ шундай дамлар келишини кутиб ўтириш иқтисодий таназзулни чуқурлаштиради, холос. Бу мустақил жумҳуриятимиз эҳтиёжларга қандай равшан. Энди айтингчи, ҳозирги шароитда институт олимларининг асосий фаолияти нималарга қаратилган, улар қандай муаммо устида бош қотиришмоқда!

А. АСҚАР: — Ўтган йили апрел ойидан биз институтда шартнома асосида ишлашга ўтганмиз. Бозор иқтисодига ўтиш муносабати билан, институт давлат бюжетида турганлигини, жамоамизнинг хоҳиш-иродасини ҳисобга олиб шундай йўл тутгандик. Ўзингизга аён, тарихда мавзу кўп, муаммолар сероб, бир вақтда уларнинг ҳаммаси билан шуғулланиб бўлмайди. Шундай мулоҳазалардан келиб чиқиб, биз бугунги кунда жамиятимиз учун ниҳоятда зарур, актуал муаммолар ичидан энг актуалларини фаолиятимизнинг асосий йўналишлари сифатида белгилаб олдик. Бу йўналишлар асосан учта.

Маълумки, бизнинг Тарих институтида тайёрланган Ўзбекистон халқлари тарихига бағишланган тўрт жилдли китоб 1967 йили чиққан эди. Шу нашр асосида 1974 йили бир жилдлик китоб чоп этилган. Шундан кейин Ўзбекистон халқлари тарихига бағишланган, бир неча минг йиллик тарихимизни умумлаштирувчи асар босилгани йўқ. Институт жамоаси анчадан бери шу масалада режа тузиб юрган экан, шартнома системасига ўтганимиздан сўнг фаолиятимизнинг биринчи йўналиши сифатида энг қадимги замондан ҳозирги даргача Ўзбекистон халқлари тарихининг олти жилдигини яратишни ўз олдимизга вазифа қилиб қўйдик. Бу боя мен айтган асосий йўналишларнинг биринчиси. Шу бўйича ҳозир бир неча ишчи гуруҳлар туздик ва айни пайтда бу гуруҳлар иш бошлаб юбордилар.

Иккинчидан, тарихимизда оқ доғлар, қора доғлар жуда кўп. Етмиш беш йил мобайнида бир қанча тарихий шахслар, конкрет ҳодисаларга, фактларга доир ҳақиқатлар бир томондан сир тутилган бўлса, аксарият ҳолларда улуғ сиймоларимиз тақдири, тарихий йирик воқеалар моҳияти мутлақо бузиб талқин этиб келинди. Аслида эса булар барчаси бутунлай бошқача мазмунга, моҳиятга эга. Мана шуларга одил баҳо беришимиз керак. Тағин, тарихимизда ёруғ из қолдирган жадидлар ҳаракатини тўла-тўкис ёритиш ҳам зиммамизда. Қолаверса, Октябр инқилоби билан боғлиқ уйдирмаларни очиб ташлаш, инқилоб ўлкамизга экспорт қилинганлиги, инқилобдан кейин ҳам биз колония сифатида Россия қўл остида қолиб кетганимиз — бу муаммолар ҳам айни дамда ҳаққоний таҳлил ва талқинини кутиб турибди. Истибдодга қарши, ватан озодлиги учун қўлига қурол олган ўзбек ўғлонларининг кураши айрим лаганбардор, манфаатпараст тарихчиларнинг енгил қўли билан «босмачилик ҳаракати» сифатида буткул нотўғри баҳоланди... Хуллас, тарихимизда ўрганилмай, ҳамда нотўғри талқин этиб келинган жамики ҳодисалар, фактларни чуқур тадқиқ этиш ва халққа кенг тарғиб қилиш зарурки, бу илмий жамоамиз фаолиятининг иккинчи энг актуал йўналишидир.

Юқорида айтиб ўтилган муаммоларни ҳал этиш, тарихимизнинг олти жилдлигини нашрга тайёрлаш, халқимиз қўлига етказиш учун анча вақт даркор. Мана шу вақт ичида амалга оширилиши ниҳоятда зарур бўлган яна бир вазифа бор. Мана, мустақиллик эълон қилинганига ҳам бир йилдан ошди. Ҳозирги кунда ҳам мактаб ўқувчилари ўз миллий тарихини ўқишаётгани йўқ. Уларга ҳали ҳам ўша эски программа бўйича Россия тарихи, славян халқлари тарихи, Ғарбнинг тарихи ўтилаётир. Ахир, дарслик, қўлланма тугул, программа йўқ, шундай шароитда уларга нимани ҳам ўқитишарди! Бу аҳволни биз институтда жиддий муҳокама қилиб, ўрта мактаблар учун тарих фанидан янги программа ва янги дарсликлар яратишга бел боғладик. Олий таълим ва Халқ таълими вазирликларидаги мутасадди ўртоқлар билан бу масалада бир фикрга келдик.

Биз ишни ўқув программаларини янгидан тузишдан бошладик. Асосий эътибор программада миллий руҳ ҳукмрон бўлишига қаратилди. Программада тарихий ҳодисаларга янгича ёндашилди, янги талқин ва ғояларни беришга ҳаракат қилдик. Биз ёш авлодни миллий тарихимиз, шонли аждодларимиз, миллий анъаналаримиз руҳида тарбиялашни йўлга қўймасак, мустақилликнинг қадрига етмаймиз.

Ҳозир программа тайёр бўлди. Битта қўлланма ҳам чиқаришга улгурдик. Бу «Ўзбекистон халқлари тарихи» деб номланган уч жилдлик қўлланманинг биринчи жилди. Ўйлайманки, бу ҳам ўқитувчилар учун қулай қўлланма бўлади. Аммо бу дарслик эмас.

Дарслик масаласига келсак, биз бешинчи синфдан тўққизинчи синфгача иккита дарслик тайёрлашни режалаштирганмиз. Биринчиси «Ўзбекистон халқлари тарихи»ни яратишга киришганмиз. Агар нашриётлар ишни орқага сурмай, кўплашиб-кўмаклашиб ёрдам беришса, дарсликларни тез орада чоп этиш мумкин. Иккинчи дарслик «Жаҳон халқлари тарихи» деб аталади. Янги йилгача «Ўзбекистон халқлари тарихи»нинг матнини тугатиб улгирсак, шундан кейин иккинчи дарсликни тайёрлашга киришиш ниятидамиз.

МУХБИР: — Зиммангиздаги вазифалар анчагина экан. Институтнинг илмий потенциали қандай! Белгиланган вазифаларни адо этишга етарли куч борми!

А. АСҚАР: — Ҳарқалай, институтимиз илмий потенциали ёмон эмас. Бизда жами юздан ортиқроқ ходим меҳнат қилади. Шулардан йигирмадан ортиғи фан доктори. Иккита академик, битта академия мухбир аъзоси бор. Айни пайтда тўққиз киши докторлик ишини тайёрлаш билан банд. Йигирматагача ходимимиз аспирантурада таҳсил олаётир. Мен институт жамоасининг билим, куч-ғайрати, иродасига ишонаман ва ўз олдимизга қўйган вазифаларни бажарамиз, деган умиддаман. Бунда янгича меҳнат тартибига — шартнома системасига ўтганимиз ҳам қўл келишига аминман. Энди ҳар бир ходим ўзи амалга оширган иши ҳақида шахсан ҳисоб беради, вазифасини адо этолмаган киши билан биз қайта шартнома тузиб ўтирмаймиз. Ўйлайманки, бундай иш тартиби ҳар жиҳатдан фойда келтиради.

Суҳбатни Аҳмад ОТАБОЙ ёзиб олди.



БАХТ ВА БАХТСИЗЛИК ТИМСОЛИ

«НОДИРАБЕГИМ» СПЕКТАКЛИ ҲАҚИДА

«ХАЁТ — АСАЛ БИЛАН заҳарнинг омухтасидир», деб ёзган эди римлик адиб ва файласуф Апулей. Унинг бу сўзлари машҳур шоира ва малика Нодирабегим тақдири муносабати билан айтилгандек туюлади менга. Чиндан ҳам, унинг ҳашаматли ҳаёти ва даҳшатли қисмати асал билан заҳарнинг омухтасидан ўзга нарса эмас... Унинг асл исми Моҳларойим эди. У шеърият осмонига янги ойдек кўтарилар экан, ўзига Комила, Макнуна ва Нодира тахаллусларини танлаб, ғазал бита бошлади. У ҳусну малоҳатда қанчалар шоншуҳрат топган бўлса, ақлу фасоҳат ва шеъру нафосатда ҳам шунчалар камолот қозонди.

Адабиётшунос Тўхтасин Жалолов «Ўзбек шоиралари» номли машҳур китобида шундай ёзган эди: «Нодира номи мудом Мария Стюарт трагедиясини эслатиб, киши кўнглини вайрон этади». Дарҳақиқат, бу икки маликанинг фожиали тақдири икки томчи сувдек бир-бирига ўхшайди, орадаги фарқ шундаки, Марияга Шиллер абадий ҳайкал қўйган. Нодирага эса бу ҳайкални ким қўяди, буниси ҳали номаълум. «Нодира — бахт ва бахтсизликнинг мужассам тимсоли, нодир бир асарнинг ҳали қаламга олинмаган мавзуидир». 70-йилларнинг ўрталарига келиб Туроб Тўланинг «Қувваи қаҳқаҳа» («Нодирабегим») пьесаси майдонга келди ва асар 1980 йили Ҳамза номидаги Ўзбек давлат академик драма театрида Баҳодир Йўлдошев томонидан саҳналаштирилди.

1992 йил Ўзбекистонда Нодирабегим йили деб эълон қилинган. Бу йил улуғ шоира ва давлат арбоби туғилганига 200 йил, фожиали равишда ҳалок этилганига эса 150 йил тўлди. Ҳар икки сана муносабати билан Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусиқий театри Туроб Тўланинг «Нодирабегим» пьесаси асосида мусиқий спектаклни томошабинлар ҳукмига ҳавола этди.

Барча фожиали қисмат соҳиблари сингари, Нодирабегимнинг даҳшатли ўлими тўғрисида ҳам турли ривоятлар юради. Ана шундай ривоятларнинг бирида айтилишича, амир Насрулло Қўқонни забт этгач, хундор душмани ҳисобланган Маъдалихонни ҳам, унинг укаси Султон Маҳмудни ҳам қатл қилган. Сўнг навбат Маъдалихоннинг 14 яшар фарзандига келганда, малика: «Ҳой, амир, агар сенинг ўчинг Маъдалихонда бўлса, ана, қурбонинг оёғинг остида ётибди. Бу норасиданинг нима гуноҳи бор?» деб Муҳаммадаминни ҳимоя қилмоқчи бўлган. Шунда ваҳший амир гису бурида (сочи қилич билан қирилган) маликани секин ўлдиришга фармон берган. Ғафур Ғулом ана шу мислсиз даҳшат онларини тасвирлаб, «Момо билан набира энг сўнгги нафасигача бир-бирларига маҳзун-маҳзун термулиб, шеър ўқишдан тийилмадилар», дейди:

Бу тупроқлар кўзим қони билан минг лолазор ўлса, Бобомдир бу, момомдир бу, Отамдир бу, онамдир бу...

Туроб Тўла ҳам, ушбу асарни саҳнага қўйган режиссёр Баҳодир Йўлдошев ҳам Нодирабегимга нисбат берилган ўша ўлимолди байтдан асар ғоясини очувчи калит сифатида фойдаланганлар.

Камина «Нодирабегим» Ҳамза номидаги театрда қўйилган дастлабки кунларда Туроб Тўла билан қилган суҳбатимда, шоир асарнинг ижодий тарихи хусусида шундай деган эди:

— Мен асарни ёзишдан аввал тарихий манбаларни қунт билан ўргандим. Нодирабегим ҳақида бирор маълумот билган ва эшитган кишилар билан учрашиб суҳбатлашдим. Мени Нодирабегимдаги ирода кучи, жасорат алангаси қайратга солди. Буни қаранг, амир унинг кўзи олдида ўғлини ва набирасини бўғизлаб ташлади, унинг ўзини эса гису бурида қилди. Шунга қарамай, у ёвуз амир олдида бўйин эгмади. Ҳатто уни масхара қилди. Нодирабегимнинг ўлими тўғрисида турли мишмишлар юради... Бир гуруҳ кишилар Нодирабегимни жодига қўйиб, худди бедани қирққандай калласини қирқиб ташлаганларини ҳикоя қиладилар. Нодира қабрини бошқа жойга кўчириш асносида унинг калласи жодида олинганлиги тўғрисидаги гаплар тўғри бўлиб чиқди. Айтишларича, енгилмас ирода ва сўнмас жасорат соҳибаси бўлган Нодирабегимнинг ҳаёти ана шу жодида узилган дақиқага қадар у амир устидан қаҳқаҳа отиб кулган ва ўз қаҳқаҳаси билан уни ерпарчин қилган экан.

Туроб Тўла ўз асарини «Қувваи қаҳқаҳа» деб атаганининг боиси ҳам шунда. Лекин Баҳодир Йўлдошев асарни Ҳамза театрида саҳналаштирганида ҳам, бугун Муқимий театри саҳнасига олиб чиққанида ҳам уни гўзалликнинг золим ва зулм устидан тантанасини кўрсатувчи спектакль сифатида талқин этмайди. У аксинча, ижодкорнинг, ақл-заковат, бадиий истеъдод соҳибининг зулм ва зулмат олдидаги ожизлигини, Нодира ва нодираларнинг руҳий изтиробларини, фожиасини кўрсатишга интилади, ижод аҳли хор ва оёқости бўлган замонлар бутун жамият учун ҳам фалокатли бўлишини замондошларига уқтирмоқчи бўлади.

«Нодирабегим»нинг биринчи саҳна талқинидан кейин ўтган 12 йил — шунчаки оддий йиллар эмас. Шу давр ичида узоқ ва яқин тарихимизнинг кўпгина муаммоларига қарашлар тубдан ўзгарди. Шу жумладан, хонликлар тарихи ва айрим хонларга муносабатимизда бирёқламаликка барҳам берилди. Эҳтимол, пьеса ва спектаклдаги айрим тарихий шахсларнинг Нодирабегим тақдиридаги иштироки масаласига ҳам янгича ёндашиш лозимдир. Лекин Баҳодир Йўлдошев, аввало, майда фактлар ҳақиқатига эмас, балки тарих ҳақиқатига содиқ қолишга уринади. Нодирабегимга хиёнат қилган канизак Пошшоойимдан то вазир Ҳаққулигача бўлган кишиларни бадиий ҳақиқат либосига ўрайди.

СПЕКТАКЛНИНГ ТАСВИРИЙ ОБРАЗИНИ яратишда ҳам Б. Йўлдошев моҳир рассом Георгий Бриннинг Ҳамза театри учун яратган декорациясига мурожаат этган. Аммо ҳар икки санъаткор аввалги декорациядан айнан фойдаланмай, ундаги етакчи тимсолни сақлаб қолганлар. Бу — ҳашаматли саройни кўтариб турган устунлар бўлиб, улар ўзларида жамият тарихини безаб, асрлар давомида ақл ва ҳикмат, имон ва эътиқод туғини баланд кўтариб келган кишиларни бадиий мужассамлаштиради. Ниҳоятда миллий сажияга эга бу безакларда нафақат Шарқ, балки антик даврлардаги Ғарб санъати, хусусан меъморчилиги учун ҳам муштарак нуқталар зуҳур этади. Чамаси, режиссёр бу билан Нодира фожиасини умумжаҳон тарихи контекстида талқин этмоқчи бўлади.

СУРАТДА: спектаклдан кўриниш

Туроб Тўла ўз асарида Нодирабегим ҳаётининг сўнгги икки кунини тасвирлаган. 1842 йил савр ойининг 11 ва 12-кунлари ва малика бўлган кунлар эди. Шунинг учун парда очилиши биланоқ саҳнада бўлажак фожиа шарпаси кеза бошлайди. Режиссёр бўлажак мусибатни томошабиндан пинҳон тутмайди, аксинча, у бу мусибат кўлами ва даҳшатини таъкидлаш истагида рассомни ёрдамга чақиради. Г. Брим эса савр ойининг 11—12-кунлари, яъни май ойининг бошларидаги табиат манзарасини гавдалантирар экан, ҳали ҳам куртак ёзмаган, «ўлим тўшаги»даги дарахтларнинг яланғоч шохшаббаларидан спектакл кайфиятини яратишда фойдаланади. Тепадан осилиб тушган қуруқ ва совуқ новдалар худди Нодирабегимни бўғишга шай турган ўлик панжаларидек таассурот қолдиради. Иккинчи пардадаги рақосаларнинг қора чойшабга ўралиб чиқишларида ҳам қора қисмат қузғунларининг ҳаракати сезилади. Шу саҳнада бўғиқ эркак овозлари билан айтилган «Тановор» эса томошабин қалбига заҳарли наштар ўлароқ санчилади. Хуллас, 1842 йил савр ойининг 12-кунида рўй берган мудҳиш воқеанинг тасодифий эмаслиги, унинг шу вақтга қадар содир бўлган тарихий жараённинг мантиқий якуни эканлиги спектаклнинг бошидан охирига қадар таъкидланиб боради.

Туроб Тўла «Нодирабегим»ни шекспирона услубда — саҳна учун ҳам, мутолаа учун ҳам ёзган. Аммо асар драматик театр учун ёзилган. Сўнгги йилларда ўз спектаклларида мусиқий театр унсурларидан самарали фойдаланаётган Б. Йўлдошев эса бу safar «Нодирабегим» асосида мусиқий спектакль яратди. Лекин унинг драматик материални мусиқий театр саҳнасига кўчириши «жароҳатсиз» кечди. Ария ва дуэтлар сифатида асосан Нодира ғазалларидан фойдаланиши эса бу жараённинг табиий тус олишини таъминлади.

Шубҳасиз, бир неча соатга мўлжалланган асар мусиқий театр имкониятларини ҳисобга олиб қисқартирилган. Режиссёр асардаги айрим персонаж ва эпизодлар баҳридан ўтиш билан чекланмай, спектаклга янги қаҳрамон ва саҳналарни ҳам киритган. Бир қарашда мантиқсиз бўлиб туюлган бундай ижодий ёндашув Туроб Тўла асаридаги бадиий кучнинг марказлашиши ва сеҳрли тус олишига замин яратган.

Б. Йўлдошев спектаклга уч масхарабоз образини киритар экан, «Майсаранинг иши» спектаклида кашф этгани, халқ театри анъаналарини ривожлантиради. Унинг масхарабозлари антик театрдаги хор вазифасини ўтаб, атр унсурларидан самарали фойдаланаётган Б. Йўлдошев эса safar «Нодирабегим» асосида мусиқий спектакль яратди. Лекин унинг драматик материални мусиқий театр саҳнасига кўчириши «жароҳатсиз» кечди. Ария ва дуэтлар сифатида асосан Нодира ғазалларидан фойдаланиши эса бу жараённинг табиий тус олишини таъминлади.

Шубҳасиз, бир неча соатга мўлжалланган асар мусиқий театр имкониятларини ҳисобга олиб қисқартирилган. Режиссёр асардаги айрим персонаж ва эпизодлар баҳридан ўтиш билан чекланмай, спектаклга янги қаҳрамон ва саҳналарни ҳам киритган. Бир қарашда мантиқсиз бўлиб туюлган бундай ижодий ёндашув Туроб Тўла асаридаги бадиий кучнинг марказлашиши ва сеҳрли тус олишига замин яратган.

Б. Йўлдошев спектаклга уч масхарабоз образини киритар экан, «Майсаранинг иши» спектаклида кашф этгани, халқ театри анъаналарини ривожлантиради. Унинг масхарабозлари антик театрдаги хор вазифасини ўтаб, воқеаларга бугунги кун нуқтаи назаридан муносабат билдирадилар, қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатларини шарҳлаб, улар устидан ҳукм чиқарадилар. Шу жиҳатдан уларнинг биринчи пардада хиёнат кўчасига кирган Канизакни ўртага олишлари ва разиллигини худди кўзгуда кўрсатгандек фош этишлари катта умумлашма кучга эгадир. Режиссёр бу ажойиб топилма билан ўзининг кутилмаган ва ноёб мизансаҳналар устаси эканини яна бир карра намойиш этган.

Спектакл қисқа муддатда яратилди. Шунинг учун ҳам унда, айниқса, биринчи пардада, мусиқий драманинг ария ва дуэт сингари унсурларидан кенг фойдаланилган, деб бўлмайди. Тарихий материалдаги ўта драматик ҳолатлар ҳам спектакл ижодкорларини қўшиқ ва рақсларга ортиқча берилишидан тийган. Бастакор Фарҳод Олимов эса драматург ва режиссёр ғоясидан келиб чиқиб, зарур саҳналар учунгина куй ва симфоник лавҳалар яратган.

Спектаклдаги асосий ролларни ижро этган артистлар шаънига ҳам илиқ сўзлар айтиш мумкин. Нодирабегим роли ижрочиси Зулайхо Бойхонова ўзини моҳир драматик актриса сифатида ҳам намойиш этиб, қаҳрамонининг руҳий дунёси, жасорати ва фожиасини ёркин очишга эришган. Афсуски, бу истеъдодли актрисада шоира ва малика Нодирабегимга мансуб виқор, улуғворликни ифодалаш учун ташқи белгилар етишмайди. Шу туфайли у Нодирабегимнинг Маъдалихон, Ҳаққули ва Пошшоойим билан тўқнашувлари саҳналарида ўз қаҳрамонининг улардан маънавий устун ва афзаллигини ишонарли кўрсатолмаган.

ТЕАТР

ТАРИХИЙ РИСОЛАЛАР Маъдалихонни енгилтабиат хон, онаси Нодирабегимнинг номуносиб фарзанди сифатида талқин этадилар. Агар артист Ҳамид Тўхтаев Маъдалихон сажиясини очишга шу ҳолатни инобатга олиб ёндашган бўлса, Мирза Азизов кўпроқ навқирон хоннинг ички фожиасини кўрсатишга уриниб, тўғри қилган. Спектаклдаги Ҳаққули (Файзулла Аҳмедов), Канизак (Гулчеҳра Мирзажонова), Амир Насрулло (Рустам Маъдиев) ва бошқа ролларни ижро этган артистлар ёрқин, ишонарли образлар яратганлар. Айниқса, Ўзбекистон халқ артисти Суръат Пўлатов етакчи бўлган масхарабозлар спектакл муваффақиятига катта ҳисса қўшганлар.

Муқимий номидаги театр ижодий жамоаси «Нодирабегим» спектакли билан буюк шоирнинг 200 йиллик тўйига муносиб совға тайёрлади.

Наим КАРИМОВ

УЛУҒ БОБОМНИ ҚАНДАЙ КЎРГИМ КЕЛАДИ?

БАЪЗАН КУЛБАМДА ЎТИРИБ жаҳон маданияти тарихини ўзимча варақлаб, Навоий ҳазратларига тенг сиймони излайман ва тополмай, узоқ сукутда қоламан. Бундай онларда хаёл узоқ-узоқларга олиб қочади. Хаёл оғушида кезиб, ўз-ўзимга: «У қандай эди?» дея савол бераман ва таниш портретлар, ҳайкаллар бирин-кетин кўз ўнгимдан ўтавераді... Назаримда, улуғлар ташқи кўриниши жиҳатидан ҳам (биз буни пайқамаслигимиз ҳам мумкин) оддий кишиларга ўхшамайди. Кўринишлари ҳам даҳоликка дахлдор. Гап унинг «мен»лигини пайқашда.

Дарвоқе, у қандай эди? Биз улуғ бобомизнинг даҳо сиймосини ўзига муносиб тасвирлай олдикми?

Сўз санъати борасида улуғ адибимиз Ойбек унга арзийдиган ҳайкал яратиб кетди. «Навоий» романи унинг ўзи учун ҳам ҳайкал бўлиб қолди. Санъатимизнинг бошқа соҳалари-чи? Масалан, рассомчилик, ҳайкалтарошликда «Мана, Алишер Навоий!» дея оладиган асарларимиз борми? Негадир дадил «бор» дейишга тил айланмайди. Санъаткорлар ичида самарали ижод қилаётганлари ҳам йўқ эмас. Масалан, атоқли рассом Абдулҳақ Абдуллаевнинг «Алишер Навоий» портрети кўп фазилатлари билан бизни ўзига ром этади. Рассом ўз асарига тарихан ёндашиб ишончли заминга асосланади. «Замин» деганимизда биз улуғ Камолиддин Беҳзод мактаби вакили, буюк бобомизнинг замондоши Маҳмуд Музаҳҳиб яратган портретни назарда тутаяпмиз. Назаримда, Маҳмуд Музаҳҳиб яратган Навоий биз учун энг ишонарли асар. Ҳатто уни тарихий ёдгорлик дейишга ҳақлимиз. Беҳзод-чи, ундан ҳеч нарса етиб келмаганми? Баъзан шундай савол олдида мулзам қоласан. Беҳзоддан қолган бой меросни биз ҳозирча чуқур билмаймиз. Уларни пухта ўргансак, гарчи тагига «Мана, Алишер Навоий!» деб ёзилган портрет бўлмаса ҳам, даҳо мусаввирнинг кенг миқёсда фикр юритиб, типиклаштириш қонунларига амал қилганлигини назарга олиб, ундан қолган мерос ичида улуғ бобомиз чеҳрасига хос чизгиларни учратсак ажаб эмас.

Бизнингча, Навоийнинг ҳақиқий сиймосини яратиш учун ишни меросимизни пухта ўрганишдан бошламоқ керак. Рассом Абдулҳақ Абдуллаев меросимизга ҳурмат билан ёндашади. Маҳмуд Музаҳҳибни такрорламайди, унга тақлид ҳам қилмайди. Биз Маҳмуд Музаҳҳибга ишонганимиздек, Абдулҳақ Абдуллаевга ҳам ишонамиз. У бизни ишонтирадиган, бағримизда нур учқунлатадиган портрет яратган. Шунга қарамай, унинг «Навоий»сида нимадир етишмаётгандай, муаллиф улуғ зотнинг ички руҳий қолатини теран очиб беришдан кўра, сал ялтироқликка берилгандай туюлади. Портретнинг бош қисмида жонли тасвирлар, штрихлар ўз ифодасини топгани ҳолда, тана тасвири бизни унчалик қаноатлантирмайди. Калла ва тана ўртасида уйғунлик етишмаётгандай. Эҳтимол, биз бу соҳа кишиси бўлмаганимиздан мусаввир асарининг ўзига хос сир-асрорини пайқамаётгандирмиз. Ростдан ҳам, унинг яратган Алишер Навоийси биз билган портретлар ичида катта истеъдод билан яратилган асарлардан биридир.

Алишер Навоий сиймоси хусусида гап кетганда, рассом Сергей Редкининг гравюраларини тилга олмай илож йўқ. У ҳам замонга таянади ва ўз изланишларида самарали натижаларга эришади. Улуғ бобомизнинг ҳаёти ва ижоди туби йўқ океанга ўхшайди. Унинг сиймосини яратиш охири йўқ муаммодек. Уни заминдан узоқ тасвирлашлар ҳамон давом этмоқда. Умуман, улуғ боболаримиз сиймосини тасвирлашда аллақандай шовинизм шарпаси кўпдан эшитгимизни қоқиб юрибди. Антропролог М. М. Герасимовнинг Темур ва темурийларга бағишлаб чизган портретларини эсланг. Биз бир вақтлари уларни совет антропология фанининг улуғ кашфиёти деб жар солдик. Ростдан ҳам шундайми?

Шахсан менинг назаримда М. М. Герасимов тарғиботлари қаллоблик, таваккалчиликдан бошқа нарса эмас. М. М. Герасимов ишлаган расм-портретларда улуғ боболаримизнинг сиймоларини эмас, саҳроларда дайдиб юрган аллақандай кишиларнинг тасвирини кўрамиз. Уларда улуғликка шаъма ҳам йўқ. Ҳатто у Темур ва темурийларнинг портретини яратганида тарихий манбаларни писанд этмайди. Темурнинг қандай гўзал киши бўлганлиги ҳақида замондошларидан қолган тарихий эсдаликларни тан олмайди.

БАЪЗИ ЎЗБЕК РАССОМ-ҲАЙКАЛТАРОШЛАРИНИНГ Алишер Навоий сиймосига бағишланган асарларида шу касалликнинг изи ҳамон сезилиб туради. Биз бу хилдаги «кашфиёт»ларга бефарқ қарамаслигимиз керак! Санъатимизнинг ҳамма турларида улуғ бобомизнинг ҳаққоний сиймосини кўришни истаймиз. Унинг чеҳрасида улуғ донишмандлик, даҳо истеъдод, темурийларга хос ирода ва шижоат учқунлаб турсин. Биз унинг сиймосини улуғвор кўргимиз келади...

Бобомурод ДАМИНОВ

УСТОЗ РУҲИ ҚЎЛЛАЙДИ

МАШҲУР САНЪАТКОР ЗАЙНАБ САДРИЕВА ХОТИРАСИГА

Йиллар ўтган сари ота-боболаримиз кечган умрни оқар дарёга қиёслаганларида нақадар ҳақ бўлганларига имон келтириб бораверар экансиз. Дарҳақиқат, бугун кўрган одамингиз эртага йўқ, сиз қанча истаманг, уни ортга қайтаролмайсиз. Мана бугун, шу вақтгача қанча ўтган одамлар қатори, ажойиб инсон, бебаҳо актрисамиз, Ўзбекистон халқ артисти Зайнаб Садриева ҳам орамизда йўқ. Агар у киши ҳаёт бўлганларида 80 ёшни бизлар билан биргаликда қаршилаган бўлардилар. Бу кемтикликдан қанчалик азият чексак-да, кўнглимизнинг бир четида хотиржамлик, тўқлик бор. Чунки Зайнаб ая жисман йўқ бўлганлари билан, улар ижро этган роллар, айниқса, ҳаммамиз учун қадрдон бўлиб қолган ФАРМОНБИБИ бир умрлик ҳайкал бўлиб турибди.

Қадрдон актрисамизнинг 80 йиллигига хотира сифатида 31 октябрда «Келинлар қўзғолони» спектаклининг ғаройиб намойиши бўлиб ўтади. Тап шундаки, бу хотира спектаклида республикамизнинг барча театрларидан актёрлар қатнашадилар. Бош роль — Фармонбибини Ўзбекистон халқ артисти Фароғат Раҳматова ижро этади. Шу муносабат билан Фароғат опа мухбиримизга қуйидагиларни гапириб берди:

— Очиғини айтсам, бу ролни ўйнаш менинг тушимга ҳам кирган эмас. Театримизда «Нодирабегим» спектаклнинг репетицияларига келиб юргандим. Бир куни Баҳодир Йўлдошев: «Фароғат опа, сизда ишим бор», деб қолди. «Яқинда Зайнаб Садриеванинг 80 йиллиги бўлади. Шу киши режиссёр сифатида менга энг ёққан актрисалардан эдилар. Уларнинг хотираларига бағишлаб «Келинлар қўзғолони» спектаклини қўямиз. Шунда Сиз Фармонбибини ўйнаб берсангиз». Мени ҳаяжон босди. Чунки мен мусиқали театр актёри бўлсам, бу бутунлай бошқа йўналишдаги, катта рол, яна уни Зайнаб ая қиёмига етказиб ўйнаб қўйган бўлса... Баҳодир ҳаммаси яхши бўлишига мени ишонтирди. Хўп, деганим билан юрагимга ваҳима тушди: ахир, 50 йиллик ижодий фаолиятим давомида бунақа роль ўйнамаганман, бунинг устига анчадан буён кўп спектакларда қатнашмай қўйганман. Хуллас, турли хаёллар билан Баҳодирнинг сўзини қиёлмай, рози бўлдим.

Репетицияларимиз Аброр Ҳидоятов номидаги театрда бўлди. Театр жамоаси жуда яхши экан, бу ерга келиб Баҳодирнинг иқтидорли, етук режиссёр эканига яна бир бор ишондим. Биз Тўйчи Орипов, Машрабхон Орипова, Солижон Маматов, Файзулла Аҳмедов, Ҳамид Ғафуров, Лутфулла Саъдуллаев, Дилбар Исмоилова, Ноила Тошкенбоева, Доно Бобохонова, Афзал Рафиқов ва шунга ўхшаш бошқа ажойиб актёрларимиз билан ишладик.

Кези келганда шуни айтиб ўтмоқчиманки, мана шундай хотира кечаларини ўтказишга бош-қош бўлган президентимиз Ислом Каримовга, Театр арбоблари уюшмасининг раиси Бернора Қориева-га ва режиссёр Баҳодир Йўлдошевга раҳмат дейишимиз керак. Чунки шу вақтгача қанча улуғ алломаларимиз ўтиб кетдилар. Лекин уларнинг кўплари ўз вақтида эсланмади. Мана бугун шундай хотира кечалари ўтказилиб, уларнинг ёдга олинишидан хурсандман. Бу иш худога ҳам, бандасига ҳам ҳуш келади, ўлганларнинг руҳи шод бўлади. Биз эса шунга ҳиссамиз қўшилганидан хурсандмиз. Зайнаб аянинг устозим дердим. «Фармонбиби аразлади» спектаклини қўриб, табриклаганимда: «Бизга ўхшаганларнинг устозисиз», деганман. Ўшанда дуо олган эканман, шекилли, мана бугун у кишининг шоҳ ролларини ижро этиш менга топширилди. Албатта, бу ижро Зайнаб Садриева даражасида чиқмайди, лекин мен қандай бўлишидан қатъи назар, шу ролни ўйнаётганимдан мингдан-минг розиман.

СУРАТДА: артистлар Фароғат Раҳматова ва Дилбар Исмоилова репетиция пайтида

САРЧАШМАНИ ТИКЛАЙЛИК

МИЛЛИЙ ХОРЛАРИМИЗНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА

ХОР САНЪАТИМИЗНИНГ МУАММОЛАРИ тўғрисида матбуотда турли фикрлар баён этилмоқда. Ҳафталикда эълон қилинган Д. Омонуллаевнинг «Унутилган сарчашма» номли мақоласи диққатга сазовордир. Айтиш керакки, муаллиф ўз мақоласида ўзбек мусиқа маданиятида хор жанрининг халқ хорлари ва касбий (профессионал) хорлар турлари сифатида азалдан мавжудлиги ва у оврупоча академик хорларнинг таъсирига қарамай ривожланаётганлигини ишонарли далиллар билан исботлаб беради. Албатта, 70 йил давомида миллий сарчашмаларга, жумладан бутун мусиқий меросимизга етарли эътибор берилмади. Миллий урф-одатларимиз, қадриятларимизни ёқлаб чиққан халқ фарзандлари «миллатчи» тамғаси билан қатағон этилди. Натижада кўп қадриятларимиз қаторида хор (жамоа бўлиб куйлаш) санъатимизнинг миллий шаклланишига путур етди. «Маданий инқилоб» шнори остида мусиқа маданиятимизда ҳам катта ўзгаришлар бўлди. Турли мусиқа даргоҳлари ва жамоалари ташкил топди. Мусиқа ўқув юртларида хор дирижёрлиги бўлимлари барпо этилди. Бу ишлар бир томондан яхши бўлди-ю, аммо хавқимизнинг миллий қўшиқчилик услубларига бутунлай ёт академик услубни (хусусан, касбий мусиқий даргоҳларда) халқ қабул қилмади. Кўпчилик композиторларимиз эса академик ижрога мос асарлар яратавердилар. Олий ва ўрта мусиқа ўқув юртларида ҳам асосан яккахон опера ва хор ҳонандалари, хор ва оркестр дирижёрлари, яккахон созандалар етиштирилди. Уларга анъанавий халқ ижрочилик услублари ўргатилмади.

«Унутилган сарчашма» мақоласи муаллифи Ўзбекистонда касбий хор ижрочилиги халққа тўлиқ етиб бормаётгани қақидаги масалани тўғри қўяди. Аммо, бу масалада ўзбек филармонияси ва радиоси касбий хорларини бир қаторга қўйиб бўлмайди. Масалан, Ўзбекистон радиоси миллий хор жамоаси 30 йилдирки, ўзининг жозибали ижроси билан халқнинг дилига секин-аста кириб келаётган бўлса, 40 йилдан буён Ўзбекистон давлат филармонияси хор капелласи оврупоча — академик услубда куйлаётгани учун ҳалигача халқимиз идрокига сингмаётир. Модомики аҳвол шундай экан, хор капелласи тезроқ ўз ижрочилик услубини халққа ёқадиган томонга буриши лозим.

Алишер Навоий номидаги ўзбек давлат академик Катта театри хорида миллий ҳонандалар камлиги туфайли ижродаги сўз ва оҳанг талаффузи ғализ, тушунарсиз эшитиладики, бу ҳол ўз навбатида томошабин ихлосини қайтаради.

Опера ҳонандалиги-чи? Ўз вақтида Муҳиддин Қориёқубов, Ҳалима Носирова, Карим Зокиров, Эргаш Йўлдошев, Саттор Ярашев, Саодат Қобулова каби ҳонандалар миллий қўшиқчилик услубларидан кенг фойдаланганликлари туфайли уларнинг ижролари халқнинг дилидан ўрин олди. Афсуски, бугунги кўпчилик опера яккахонлари ижросида академик ва миллий ҳонандалик мактаблари уйғунлигини кўрмаймиз.

Хўш, академик хорларимиз тузилиши, ижро услублари миллий халқ ва касбий хорларимиз мактабига асосланганми? Анъанавий халқ ижрочилиги санъатимиз хор турларига бой. Жумладан, аралаш (эркаклар ва аёллар) жамоа бўлиб куйлаш шаклларини бўлмаса-да, алоҳида аёллар, эркаклар ва болалар томонидан қўшиқ айтиш анъаналари бўлган. Турли мавсумий сайлларда йигит ва қизлар гуруҳ-гуруҳ бўлиб қўшиқ айтишган. Масалан, «Наврўз» байрамида «Лола», «Қизил гул» («Гулисурх») каби қўшиқлар жамоа бўлиб, деярли жўрсиз куйланган. Тўй маросимларида айтиладиган «Ёр-ёр»ларнинг турли хиллари мавжуд. Улар ҳам яккахон ва аёллар хори томонидан жамоа бўлиб ижро этилган. Аслида буларнинг барчаси халқ хори турларидир. Уларнинг ижро услублари ниҳоятда бой бўлиб, доира, қайроқ, қарсак, занг, ангишвона, ликопчаларга уриб куйланган.

БАЪЗИ БИР МАЪЛУМОТЛАРГА ҚАРАГАНДА, қадимий Суғд давлатида касбий хор мавжуд бўлган ва араб истилоси унга маълум даражада монелик қилди. Фақатгина касбий яккахонлик ҳамда анъанавий жамоа (хор) бўлиб куйлаш шакллари сақланиб қолди. Асрлар давомида шаклланиб, ижро этиб келинган кўҳна «Шашмақом»нинг ашула (наср) қисмларидаги тароналар ҳам 3—4 (ва ундан кўп) ҳонандалар томонидан жамоа бўлиб куйланган бўлса, ҳозир хор услубида ижро қилинмоқда. Эски мактаб ва мадрасаларда мусиқа фан сифатида ўқитилмаган бўлса ҳам, савод чиқаришда, айниқса, муҳим дарсларни жамоа тарзда (хор бўлиб) ўргатиш усули азалдан кенг қўлланилмоқда.

Мақолада таъкидланганидек, инқилобдан кейин Ҳамза, Муҳиддин Қориёқубов каби таъаббускор алломаларимиз ташкил этган миллий этнографик дасталарида жамоа-хор бўлиб куйлаш ҳам ана шу миллий халқ хори услубига асосланган эди.

Устоз бастакор Юнус Ражабий тузган ва раҳбарлик қилган ўзбек радиоси ва телевидениеси мақомчилар ансамбли ижросидаги аралаш хор услубини эса биринчи миллий академик касбий хор дейиш мумкин. Балки фикримиз баҳслидир, аммо бизнингча, академик ижро катта маҳорат ва юқори касбийлик, меъёрига етказиб куйлаш билан ўлчанса керак.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон радиоси миллий хори ютуғининг боиси ҳам унинг халқ ижрочилик анъаналари асосида иш тутганлигидадир. Бу хор изланишлари натижасида академик ва халқ ижро услубларининг табиий уйғунлигига эришилди. Аммо мусиқашунос олимларимиз бу ижодий ютуқни тадқиқ этишлари лозим. Шу билан бирга, Тошкент давлат консерваторияси Шарқ мусиқаси қуллиёти олимлари миллий халқ ва касбий хор дасталарининг назарияси, методикаси ва амалиётини ишлаб чиқадилар, деган умиддамиз.

Яна бир масала. 1972—74 йиллардаги «Марҳабо, талантлар» телефестивалларида Фарғонадан (Санджон Мамажонов бошчилигида) ва Қашқадарёдан (Иброҳимжон Умаров бошчилигида) икки миллий хор қатнашиб, репертуари, ижро (овоз) услубининг миллийлиги билан тингловчиларга манзур бўлган эди. Хор санъатига эътиборсизлик натижасида шу миллий хорлар йўқолиб кетди. Миллий қадриятларимиз тикланаётган бир пайтда жамоа (хор) бўлиб куйлаш анъаналаримизни ҳам тиклаш даври келди. Албатта, бу иш халқ хорлари билан ишлашга муносиб кадрлар тайёрлаш билан боғлиқ. Бу борада А. Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институтининг халқ мусиқаси кафедрасида қилинаётган ишлар эътиборга молик.

Яқинда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти мусиқа факультетида ҳам анъанавий ва кўп овозли хор мусиқаси кафедраси ташкил этилди. Шунингдек, Фарғона дорилфунуни ва Ҳамза номидаги Тошкент давлат мусиқа билим юртида, Тошкент ва Бухоро маданият техникумларида қилинаётган хайрли ишлар ҳам диққатга сазовордир.

Ҳаваскорлик доирасида вужудга келаётган онахонлар ашула ва рақс хор ансамбллари ва кўплаб бошқа фолклор ансамбллари амалиётида ҳам халқ хори ижрочилиги услуби кенг қўлланилаётир. Ҳозирги мавжуд касбий дасталарнинг қайси бирини олманг (масалан: «Шодлиқ», «Дуторчи қизлар» хор ансамбли) улар ижросида икки услублик ҳам ўзининг табиий эшитилмоқда. Мазкур ижрочилар жамоаларини ҳам хор ансамбллари дейиш мумкин. Чунки хор чолғу ансамбли жўрлигида, ўзбек халқ қўшиқчилиги услубида куйлайди. Уларга эса катта санъат усталари ва касбий хормейстерлар раҳбарлик қилади Хўш, бундай жамоа бўлиб куйлашни «хор» демасдан нима деб аташ мумкин?

ЯНА БИР МУАММО. Ўзбек халқ ва касбий (мақом) хорлари бир овозда (ҳозир эса октавали 2 овозда), академик хорлар эса кўп овозда янграйди. Уларнинг жарангдорлиги орасидаги тафовут, мураккаб гармоник янграшлар ҳам кўп овозли хорларнинг халқ ҳомонидан идрок этилишини қийинлаштирмоқда.

Биз оврупо мусиқа жанрларининг фақат шаклини олмоғимиз, мазмуни ва ижро услубини эса миллийлаштирмоғимиз керак деб ўйлаймиз. Бу гап оркестларимизга ҳам тааллуқлидир. Шу боисдан мактабларда классик мусиқа меросимизга ихлос уйғотиш муҳим аҳамиятга эга.

Шундай қилиб, миллий хор қўшиқчилигимизни ривожлантириш учун биринчидан, халқ хори ва ашула ансамбллари раҳбарлари тайёрлашга эътиборни кучайтириш лозим. Иккинчидан, халқ хори ансамбларининг кўрик ва фестивалларини ўтказиб бориш лозим. Бу тадбирларни ўтказиш муносабати билан кўплаб миллий хорлар ташкил қилинади. Учинчидан, халқ хори ансамбларини радио ва телевидение орқали мунтазам равишда ташвиқот-тарғибот қилиб бориш даркор. Тарғибот бўлмаса, халқимиз хор санъатини севиши амри маҳол. Тўртинчидан, миллий хор раҳбарларини тайёрлаш учун керакли ўқув дастурлари, методик қўлланма ва тавсиянномалар, дарсликлар яратиш лозим.

ЖУМҲУРИЯТДАГИ БАРЧА мусиқа жамоатчилиги ёрдамида етук хормейстерлар ва хоршунослар ҳамда халқ ижодиёти бўйича мутасадди кишилар юқорида кўрсатиб ўтилган муаммоларни ечишда ташаббус кўрсатсалар, анъанавий жамоа-хор бўлиб куйлаш жанри ҳам мусиқа ижрочилигининг бошқа турларидек оммавийлашиб бораверади, унутилаётган қадриятлар эса тикланади.

Шамсиддин РЎЗИЕВ,
Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институти доценти

Икки оғиз дил сўзи

«ШУКРИМ СЕНГА, ШЕЪРИЯТ...»

Шоир — халқ қалбининг таржимони, унинг эзгу ниятлари, орзу интилишлари, дарду аламларининг ифодачиси, мухтасар айтганда, халқ хотирасидир.

Қадрли дўстим, ҳамфикр ва маслакдошим Самандар Воҳид ҳақида ўйлаганимда шундай фикрлар кечди хаёлимдан. Унинг қатор-қатор китобларини ўқисангиз, шеърларидаги рангин туйғулар ҳаётий кузатишларнинг, хаёлот парвозининг маҳсули эканлигига астойдил ишонч ҳосил қиласиз. Бу туйғулар ғоятда самимий, юракка жаз этиб ёпишадиган, сизни кечинмалар дунёсига чўмдирадиган туйғулардир. Унинг бундан қарийб 20 йилча олдин ёзилган «Самолётда ёзилган шеър»и бор. Мана шу шеър

Самандарни жумҳуриятда шоир сифатида танитган. Ҳатто Миртемирдай салоҳиятли, устоз шоирнинг эътиборига тушган. Мана унинг бошланиши:

Бу дунё ажиб яралганда...
Юқоридан туриб
қаралганда:
Тоғ — култепа,
Дарё — энсиз камар,
Саҳро — тарам-тарам
кафт,
Уйлар — гугурт қути,
Дарахтлар—гугурт донаси,
Одамлар ғивир-ғивир
чумоли —
Ёлғиз тирикчилик хаёли...
Юқоридан туриб боқсанг
оламга—
Шундай туюларкан
одамга...

Сўнгра шундан кейинги сатрларда қуюқ тасвирлар, жилолар, тимсоллар бамисоли шалоладай мавжланиб-мавжланиб оқади. Хулоса эса кашфиёт даражасида:

Инсон қалби ҳам дунё:
Унинг ҳам бор, ўз тоғи,
дарёси, саҳроси.
Дарахти, уйлари, одами,
Бор — шу рангин
оламдай олами!..
Бу дунёга бермоқ-чун
баҳо —
Юқоридан кўз солма,
бўлсанг ҳам даҳо!

Чиндан-да шоир ҳақ. Инсон қалби ҳамиша уйғоқ ва тера́н дунёдир. Бу дунёни забт этмоқ эса ҳар кимгаям насиб этавермайди. Бунинг учун тоза кўнгил, покиза лафз, мусаффо имону эътиқод, юртга садоқату элга фидойилик лозим. Назаримда, шоир дўстимнинг лирик қаҳрамонларида шундай фазилатлар мужассам.

Табиийки, шоирни замон ва муҳит яратади. Тўғрироғи, замон ва муҳит олдидаги бурч яратади. Булар шоирга мавзу беради, ижод мундарижасини белгилайди. Самандар Воҳидни шоир қилган ва халққа танитган хислат ҳам ҳаёт билан доимий ҳамнафаслик туйғусидир. Шу туфайли унинг «Қорбобонинг истаги», «Кафтимда гул», «Қатраларда нур ёнар», «Асал бобо», «Оламдан ранг излаб» шеърий китоблари аллақачон ўз ўқувчиларини топган. Унинг таржимасидаги Тожикистон халқ шоири Лойиқ Шераличинг «Муҳаббатим», қалмиқ шоири Давид Қўғултиновнинг «Ғаройиб қуш» китоблари ҳам ўзбек китобхонлари маънавий мулкига айланган. Фақат шуларгина эмас, у қарийб 23 йилдан бери Бухоро вилояти телевидение ва радиоэшиттириш компаниясининг бош муҳаррири сифатида ҳам жўшқин журналистик фаолият кўрсатмоқда.

Бугун шоир дўстим Самандар Воҳид 50 ёшга кирди. Аёнки, у ўз умрининг пиллапояларидан туриб, ўтган ҳаётига боқади. Юрган йўлларини эслайди, қалбига яқин ва туташ кишиларни хотирлайди. Ҳар қалай, бу ҳаётнинг эсда қоларли излари бор... Муҳими, у нимагаки эришган бўлса, бунга шеърият сабаб:

Дилга таскин — тасалло,
Берар танҳо шу ният.
У дунёю бу дунё

Шукрим сенга, шеърият!.. деб ёзган у шеърларидан бирида. Келинг, азиз биродарим, Сизни бағримга босиб, қутлуғ ёшингиз билан қутлайман. Соғлиқ-саломатлик, юксак ижодий парвозлар ҳамроҳ бўлсин.

Тошпўлат АҲМАД

Ильза СИРТАУТАС:

ЎЗБЕКИСТОНСИЗ ЯШАЙ ОЛМАЙМАН

Муштарийларимиз Ильза Сиртаутас номини яхши билишади. У Америка Қўшма Штатларининг Сиэтл шаҳридаги Вашингтон университетининг профессори, Яқин Шарқ мамлакатлари халқлари тиллари ва маданияти факультетининг декани, ўзбек адабиётининг, тилининг океан ортидаги тарғиботчиси, яқин дўсти. Ўзбек, қозоқ, қирғиз, туркман тилларини билади ва гаплаша олади. Ильза хоним деярли ҳар йили республикамизга ташриф буюради ҳамда Вашингтон университети, қолаверса, АҚШ дорулфунунлари билан юртимиз илм аҳли ўртасида ҳамкорлик ўрнатишдек муборак ишларни амалга оширишга ўз ҳиссасини қўшмоқда. Яқинда олима яна Тошкентга келди, Ўзбекистон Фанлар академияси раҳбарлари томонидан қабул қилинди, Алишер Навоий номидаги Адабиётшунослик, Беруний номидаги Шарқшунослик институтларида, республика нафис санъат мактаб-интернатида бўлиб ўтган учрашувларда иштирок этди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида бўлиб, адибларга ижодий ишлари ва режалари хусусида сўзлаб берди. Адабиётимиздаги янгиликлар билан қизиқди. Мухбиримиз Ильза Сиртаутас билан юртига жўнаб кетиш олдидан учрашиб, унга баъзи саволлар билан мурожаат қилди.

— Тошкентга ўтган йили Алишер Навоий тўйи арафасида келган эдингиз. Мана шундан бери орадан бир йилдан ортиқ вақт кечди. Мустақиллик йўлига кирган юрт учун бу оз муддат эмас. Ҳаркалай, бу йўлда эришган ютуқ ва камчиликларимиз меҳмонларга яққолроқ намоён бўлса ажаб эмас.

— Тўғри, ҳар қандай мамлакат тараққиёти учун бир йил оз муддат эмас, лекин тарих учун бу катта фурсат ҳам эмас. Шунинг учун бу вақт ичидаги ютуқларни умумлаштирмоқ осон кечмайди. Қолаверса, мен сиёсатчи эмасман, илм одамиман. Мени бу ердаги сиёсат эмас, илмий, маданий, адабий ҳаёт кўпроқ қизиқтиради. Лекин бугунги кунда ҳаёт шундай ўзгаришлар палласига кирдики, одам ўзини ижтимоий, сиёсий масалалардан четга олиб яшай олмайдиган бўлиб қолди. Шу маънода Ўрта Осиё республикаларининг, хусусан, қизиқиб ўрганадиганим туркий халқларнинг адабиёти ва маданиятидан ташқари, уларнинг мустақиллик йўли ҳам эътиборимни жалб қилиши табиийдир.

Мени мустақилликнинг қандай қўлга киритилгани эмас, у халққа нима бераётгани, мамлакат ҳаётида қандай рол ўйнаётгани, ташқи олам билан қай даражада боғлаётгани кўпроқ қизиқтиради. Шу маънода Ўзбекистоннинг бир йиллик мустақиллик йўлини муваффақиятли деб баҳолаш мумкин. Чунки дунёнинг назаридан четда қолиб кетган бир ўлканинг эндиликда халқаро ташкилотлар минбарларида ўз ўрнига эга бўлгани, юздан ортиқ мамлакат тан олгани, ўнлаб давлатлар Тошкентда ўз элчихоналарини очгани, дунёнинг ўнлаб катта шаҳарлари билан ҳаво йўллари орқали боғланаётгани, ахир булар ҳазилакам гап эмас. Мен учун яна бир қувончли томони шундаки, мустақиллик Ўзбекистон илмини, адабиётини, санъатини, юксак маданиятини дунё кўз ўнгида намоён қилиш учун кенг имкониятлар очиб бермоқда. Демак, бу деган гап, менинг ҳам ўзбек адабиёти борасидаги ижодий, илмий изланишларим самарасиз қолмайди.

— Юртингизда ва дорулфунунингизда ўзбек адабиёти, тили, маданияти, унинг тарғиботи борасида олиб бораётган ишларингиз хусусида гапириб берсангиз.

— Одам ўзи қилган ишларни айтиб мақтаниши бир қадар ўнғайсиз. Лекин қилинаётган юмушлардан хабардор қилиш маъносида баъзи ишлар хусусида тўхталиб ўтишни истардим. Менинг туркшунослик соҳасида фаолият кўрсата бошлаганимга 35 йилдан ошди. Шу давр ичида кўплаб талабаларга қадимий туркий тилдан, турк тилидан, ўзбек, қозоқ, қирғиз тилларидаги ва адабиётларидан сабоқ бердим. 1980 йилда «Ҳозирги замон ўзбек адабиёти хрестоматияси» китобим инглиз тилида нашр этилди. 1984 йилда «Ўзбек эртаклари» деб номланган таржима китобим немис тилида босилиб чиқди. Кейин Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Жамол Камол шеърларини таржима қилдим. Эндиликда Чўлпон шеърларини маром билан инглиз тилига ўгираяпман. Унинг асарларини ўқиб, шу нарсага амин бўлдимки, Чўлпон тўла маънода бугунги кун шоири, унинг яратганлари халқнинг умрбоқий асарларига айланади. Бирон-бир адабиётда у каби ўз халқининг бахти учун курашган ҳам лирик, ҳам жанговар шоирни учратиш қийин. Шунингдек, Абдулла Қодирий романларини ва у ҳақда ёзилган асарларни ҳам таржима қилаяпман. Булардан ташқари, яқинда «Ўзбек тили грамматикаси» асаримни ҳам ёзиб тугатдим. Хуллас, ҳали ижодий жабҳада ва таржима соҳасида қиладиган ишларим кўп.

Мамлакатимизда ўзбек халқи ҳаёти, маданияти, тарихи, тили ва адабиётига қизиқиш катта. Шу сабабли факультетимиз қошида ўзбек тили ва адабиётини ўрганиш курси бор. Бу курснинг ўз программаси мавжуд бўлиб, уни мамлакатимизнинг турли томонларидан келганлар ҳар йили ёз пайтида икки ой давомида ўқишади. Ўқиш охирида ўз билимларини синовдан ўтказишади — имтиҳон топширишади. Имтиҳондан муваффақиятли ўтган энг яхши курс қатнашчисига эса Абдулла Қодирий номидаги мукофотни топширамиз.

Кейинги йилларда ўзаро борди-келдиларимиз йўлга қўйилгани натижасида ижодкорлардан Шукрулло, Пиримқул Қодиров, Эркин Воҳидов, Муҳамад Али каби ижодкорларнинг бевосита суҳбатларини ўтказдик. Ажойиб миниатюрачи рассом Шомаҳмуд Муҳаммаджоновнинг кўргазмасини ташкил қилдик.

— Республикамизнинг нафис санъат мактабида «Ильзахоним» номида мукофот таҳкил этилибди, деб эшитдик. Агар, сир бўлмаса бу қандай мукофот!

— Уни мукофот деб эмас, аниқроғи, хайрия деб аташингизни истардим. Воқеа эса аслида бундай бўлганди: ижодкор дўстларим ва Халқ таълими вазирлиги ходимлари мени республика нафис санъат мактабига учрашувга таклиф қилишди. Бу мактабда адабиёт ва санъат соҳасидаги иқтидорли болалар ўқишар экан. Ҳақиқатан ҳам, уларнинг қобилиятлари мени ҳайратга солди. Қувонганимдан уларга бирор нарса эсдалик қолдирмоқчи, совға қилмоқчи бўлдим. Ёнимда совғага арзигулик нарса бўлмагани учун 100 доллар пул бердим. Бундан кейин ҳар келганимда уларга бирор совға келтиришни кўнглимга тугиб қўйдим ва бу ниятимни ўша учрашувда айтдим. Шундан кейин улар бунинг номидаги мукофот деб аташни таклиф қилишди. Билмадим, буни мукофот деймизми, хайрия деймизми, ҳар қалай бу мактабдаги талантли ижодкор болаларни албатта рағбатлантириб бориш зарур, деб ўйлайман. Келгусида улар орасидан улуғ шоирлар, ёзувчилар етишиб чиқса ажабмас.

— Кейинги йилларда республикамиз илмий кучлари билан Америка Қўшма Штатларидаги университетлар ўртасида ўзаро ҳамкорликлар кенгроқ йўлга қўйилмоқда. Шу маънода сиз хизмат қилаётган Вашингтон университети билан алоқалар қай тарзда кечмоқда!

— Ҳақиқатан ҳам, кейинги йилларда алоқаларимиз анча кенгайди. Масалан, факультетимиз билан Тошкент Давлат дорулфунуни ҳамда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ўртасида бевосита алоқалар ўрнатилди. Эндиликда бу алоқаларни янада кенгайтириш ниятидамиз. Шу учун Ўзбекистон Фанлар академияси, Алишер Навоий номидаги Адабиётшунослик, Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтлари билан ҳамкорлик шартномалари тузмоқчимиз. Бу галги учрашувларимизда шунга келишиб олдик.

Умуман, мен юртингизга 1972 йилдан бери тез-тез келиб тураман. Ҳамкорликларимиз ҳозиргидан ҳам кенгайишини орзу қиламан. Сўнгги 4 йилдан бери эса ҳар йили Тошкентга келаяпман. Келмай нима ҳам қилардим, ижодий, илмий ишимнинг асоси шу ўлка адабиёти, маданияти билан боғланган бўлса. Почта, алоқа хизмати эса талабга жавоб бермаса. Ишонасизми, биз ҳали шу пайтгача ўтган йилги матбуот нашрларини, жумладан, адабиёт ва санъат ҳафталигининг бирор сонини ҳам ололганимиз йўқ. Давр эса тезкор, адабий ҳаётда янгиланишлар кўп. Шундай бўлгач Ўзбекистонга боғланмасдан яшай олармидим. Йўқ, асло!

СЎНГСЎЗ: Ильзахоним сафари тугаши арафасида яна бир қувончли воқеа бўлиб ўтди. Ўзбек адабиётини тарғиб этганлиги ва унинг яхши намуналарини таржима қилганлиги учун Сиэтл шаҳридаги Вашингтон университети профессори Ильза Лауде Сиртаутас Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг фахрий аъзоси қилиб қабул қилинди ҳамда унга уюшманинг аъзолик билети топширилди. Биз ҳафталигимиз муштарийлари номидан Ильзахонимга келгуси ишларида муваффақиятлар тилаймиз.

К. МАТЕҚУБОВ суҳбатлашди

СУРАТДА: И. Сиртаутас ижодкорлар билан суҳбатда.

Абдулла МУҲАМЕДОВ

Ўзбекистон маданияти оғир жудоликка учради. Бевақт ўлим А. Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институтининг профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Абдулла Муҳамедовни орамиздан олиб кетди Абдулла Муҳамедов 1925 йил октябр ойида Андижон шаҳрида деҳқон оиласида туғилди. 1943 йилда Қизил Армия сафига чақирилиб, Улуғ Ватан урушида қатнашди. Урушдан сўнгги йиллардан то 1968 йилгача республика, вилоят, шаҳар комсомол касаба уюшмаси давлат идоралари, партия ташкилотларида раҳбарлик лавозимларида ишлади.

1969—1976 йилларда Ўзбекистон маданият вазирининг ўринбосари, шунингдек, Алишер Навоий номидаги опера ва балет театрининг директори бўлиб ишлади.

1978 йилдан токи умрининг охирига қадар Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институтида проректор, кафедра мудири лавозимларида хизмат қилиб, ёш мутахассисларга таълим-тарбия берди.

А. Муҳамедов бир қатор дарслик, рисола ва мақолаларнинг муаллифидир. Абдулла Муҳамедовнинг ватан олдидаги хизматлари муносиб тақдирланган. У II, III даражали Шуҳрат ордени ва қатор медаллар билан мукофотланган. Пок қалбли инсон Абдулла Муҳамедовнинг ёрқин хотираси унинг ёру дўстлари, ҳамкасблари ва шогирдлари қалбида абадий яшайди.

БИР ГУРУҲ ЎРТОҚЛАРИ

ЭЪЛОН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕРАДИОКОМПАНИЯСИ

ШАРОФ РАШИДОВ ФОНДИ

Атоқли давлат ва жамоат арбоби, адиб Шароф Рашидов таваллудининг 75 йиллигига бағишлаб

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

1992 йил 5 ноябрда

КАТТА ХАЙРИЯ КОНЦЕРТИ ЎТКАЗАДИ

Концертда севимли хонандалар ва сўз усталари Ортиқ ОТАЖОНОВ, Олмахон ҲАЙИТОВА, Аҳмаджон ШУҚУРОВ, Ғуломжон ЁҚУБОВ, Ғиёс БОЙТОЕВ, Охунжон МАДАЛИЕВ, Маҳмуджон АЗИМОВ, Насиба АБДУЛЛАЕВА, Муҳриддин ХОЛИҚОВ, Ботир МУҲАММАДХУЖАЕВ, Обид ва Собит АСОМОВ ва бошқалар қатнашадилар.

Хайрия концерти ойнаи жаҳон орқали ёзиб олинади ва намойиш этилади.

Хайрия концертига ҳомийлар танланяпти.

Концертга қатнашиб, Шароф Рашидов фондига ҳисса қўшишни истаган ташкилотлар, корхоналар, биржалар, фирмалар ўз таклифлари ҳақида олдиндан хабар беришларини сўраймиз. Уларнинг коллектив бўлиб келишлари учун таклифномалар берилади. Коллектив буюртмалар биринчи навбатда қабул қилинади.

ТЕЛЕФОНЛАР: 33-65-45, 33-20-36, 32-54-35

ИЖОДКОРЛАР САЛОМАТЛИГИНИ ЎЙЛАБ

27 октябр куни Ўзбекистон Республикаси Адабиёт жамғармаси ҳайъатида Қулаҳмад Ризаев бошлиқ Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармаси вакиллари билан амалий учрашув бўлиб ўтди. Йиғинни Адабиёт жамғармаси ҳайъати раиси Саид Аҳмад олиб борди.

Адабиёт жамғармасига қарашли ижодкорлар поликлиникаси бозор иқтисоди шароитида ўз-ўзини бошқаролмай қолганлиги қайъатда қайта-қайта муҳокама бўлган, махсус комиссия тузилиб, иш шароити ўрганилган эди...

— Ижодкорлар қандай шароитда даволанаётганликларини ўз кўзим билан кўрдим, — деди Қулаҳмад Ризаев. — Таассуфки; таскин топадиган ери йўқ... Бир томондан бино таъмир талаб, бошқа томондан юксак малакали шифокорлар етишмайди, Шарқ табобатига эътибор йўқ. Ҳолбуки, табобатда иқлим шароити катта аҳамиятга эга. Шунинг учун бинони Адабиёт жамғармаси тасарруфида қолдирган ҳолда, поликлиникани Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бошқармаси қарамоғига оладиган бўлдик. Шифохона бундан буён ҳам барча турдаги ижодкорларга, яъни тўққизта ижодий уюшмага хизмат қилади. Ишга конкурс асосида юксак малакали шифокорларни жалб этамиз. Ҳозирнинг ўзида 17 профессор ихтиёр билдирмоқда. Учта «Тез ёрдам» машинаси кеча-кундуз хизматга шай туради. Ҳозиргача ижодкорлар 18 ёшга тўлган фарзандлари учун алоҳида шифохона излаб сарсон юрган бўлсалар, эндиликда уларнинг ота-оналари, неваралари шу ерда даволанишади.

Қулаҳмад Ризаев бажарилажак иш режалари хусусида ҳам гапирди. Чунончи, таъмирлаш ва техник-жиҳозларни талабга яраша тарлаб энтикади. Ҳиротлик деса, унинг этагини кўзнга сургудек. Мўбин иккинчи жаҳон уруши арафасида кўҳна Ҳирот атрофидаги қадим қишлоқда дунёга келган. Ўзбек халқига, мамлакатимизга меҳри тушган. У халқимиз, мамлакатимиз бошдан кечираётган катта ўзгаришлардан холис ниятли дўстимиз сифатида хурсанд.

— Ўзбек халқи жуда қадим маданиятга эга халқ. У эркин, муносиб яшашга тўла ҳақли ва ишонамки, шундай гўзал иқтидорга эга, — дейди Мўбин биз билан хайрлаша туриб. Мўбин газетамизнинг АҚШдаги ихлосмандларидан. У бизнинг яхши кунимизга чин дилдан суюнадиганлардан.

тибга келтириш мақсадида поликлиника биносини 6 ой муддатга ёпишга қарор қилинди. Барча ижодий уюшма аъзолари бу вақт ичида Пушкин кўчасидаги «Консультатив диагностика маркази»да (собиқ 2-поликлиника) даволанадиган бўлдилар.

Ҳайъат йиғинида Ёзувчилар уюшмаси раиси Одил Ёқубов, Адиблар иттифоқи бош котиби Хуршид Даврон, котиблар Мирзо Кенжабек, Мирпўлат Мирзаев, Адабиёт жамғармаси директори, ёзувчи Саъдулла Сиёев, ҳайъат аъзоларидан Зоҳир Аълам, Абдулла Шер, Саъдулла Аҳмад, Нортўхта Қилич ижодкорларга тиббий хизмат кўрсатишни янада яхшилаш хусусида фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар, кўрсатилаётган амалий ғамхўрлик учун шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармасига миннатдорчилик билдирдилар.

СУРАТГА ЁЗУВ



Куни кеча ҳафталигимиз редакциясида АҚШ Иллинойс университетининг профессори Муҳаммад Мўбин Шўриш меҳмон бўлди. Муҳаммад Мўбин Шўриш 24 йилдан бери АҚШ университетида Муқоясавий таълим-тарбия ва маориф иқтисоди фанидан лекциялар ўқийди. Кўплаб шогирдлар етиштирган. Муҳаммад Мўбин Ўзбекистонда илгари ҳам бир неча маротаба бўлган. Ўзи Чикаго ва Мичиган университетларини тугатган. Ўзи асли ҳиротлик. Ҳирот, Афғонистон деса, ҳар бир ўзбекнинг юраги бир орзиқиб тушади ва у ерларда ётган улуғ боболар хокларини ўйлаб ўрганадиганим туркий

«Гап айтиш»нинг даври ўтдими?

Бошқа учинчи бетда

Бундай «оптимистик ечим»ни кўриб баъзи-бировлар бурун жийириши, уни соцреализм оқаваси деб аташи ҳам мумкин. Ўёғини суриштирсангиз, фақат бу ҳикояда эмас, ўта мушкул инсоний тақдирлар, чигал вазиятлар қаламга олинган юқоридаги асарларда ҳам муайян даражада шу хилдаги оптимистик руҳ — нурли жиҳатлар мавжуд. Гарчи аввалгидек ошкора, ясама оптимистик талқинлардан холи бўлса-да, барибир, бу асарларда ҳаёт шафқатсизликлари довулларидан омон қолган қандайдир инсоний туйғулар, оз бўлса-да кўнгилга таскин берувчи, эзилганларни ёритиб турувчи зиё мавжуд. «Маймун етаклаган одам»даги қария ўз айбига иқрор бўлиб, ўзи босиб ўтган йўл ҳақидаги мардона ҳақиқатни айтиб, ифодалаб дунёдан кетади; «Бонг»даги чол, гарчи гуноҳ ишларга, қотилликка қўл урган бўлса-да, унинг бу гуноҳини кечирмаган ҳолда, барибир, бу одам қабоҳат билан келишолмай, инсонлик шаъни, номус-ори йўлида шундай йўл тутганлигини тушуниб турамиз; «Кўк денгиз» қаҳрамонини эса шунча кўргилик, азоб-уқубатлар ҳам эзгу туйғулардан жудо этолмайди... Булар ҳам аён ҳақиқат. Чин ҳақиқат эса ҳар қанча даҳшатли, фожеий бўлмасин, барибир, нурли, умидбахш туйғуларга эш. Инсон боласи ўзи табиатан оптимист қилиб яратилган, у сўнгги нафаси чиққунига қадар ҳаётдан умидвор бўлиб туради. Ҳақиқатга содиқ адиб ҳаётдаги, инсон боласи табиатидаги шундай ажойиботни четлаб ўтолмайди, ҳаққоний асарда адиб истагидан ташқари, беихтиёр, ўшандай жиҳатлар акс этаверади.

НИҲОЯТ, БИР НЕЧА ОҒИЗ СЎЗ Хуршид Дўстмуҳаммаднинг «Миркомилбойнинг қазо бўлган намози» ҳикояси ҳақида. Бу асар юқорида тилга олинган ҳикоялардан фарқли ўлароқ тарихий ўтмишдан баҳс этади, аммо муаллиф унда тарихий шахс тақдири орқали бугунги кун учун ғоят муҳим бир янгиликни очади, тарихимизнинг аччиқ, аламли бир ҳақиқатини ўкинч, изтироб билан ифода этади. Ҳикоя қаҳрамони — андижонлик машҳур Миркомилбой. Бу донишманд, тадбиркор одам эл-юрт фаровонлиги йўлида бетиним заҳмат чекиб ҳаётлигида рўшнолик кўрмади, қатл этилганидан кейин эса етмиш йил давомида фақат золим бой сифатида ҳақорат билан тилга олиниб келинди. У ҳақдаги асл ҳақиқат мана энди юзага чиқа бошлади. Х. Дўстмуҳаммаднинг Миркомилбой ҳаётидан ҳикоя қилувчи асари бу одам тўғрисидаги тарихий ҳужжатлар билан деярли бир пайтда дунё юзини кўрди. Бу тараққийпарвар сиймо ҳаёти, фожиаси моҳиятини ёзувчи ҳужжатлардагига қараганда теранроқ, таъсирчанроқ ифодалашга эришган. Миркомилбой мустаҳкам эътиқоди, ростгўйлиги, эл-юрт ғами, равнақи йўлидаги дадил фикрлари, жонбозликлари туфайли, бир томондан, қинғирқўл батрак-ишчи, иккинчи томондан, ношуд бойлар, таъмагир мансабдорлар билан келишолмайди. Миллат ғамида юрган бу тадбиркор бойни чор ҳукумати одамлари ҳам ёқтирмайди, мудом таъқибда, сиқувда кун кўради; совет ҳукумати одамлари эса ҳибсга олиб уни ўз қўли билан ўзига чоҳ қазитиб, сўнг отиб ўлдирадилар. Энг ачинарлиси, Миркомилбойнинг ўз халқи, ўз миллати орасидан чиққан сотқинлар, хуфиялар оёғига болта уради, сўнгги илтижосини ўз миллати одами эмас, мовий кўз соқчи адо этади — таҳорат олишига бегона одам рухсат беради; Миркомилбойнинг намозини қазо қилган, суннатни, фарзни адо этишга улгурмай туриб, елкасидан кетма-кет ўқ узган кимса ҳам ўша — ўзидан чиққан сотқин! «Э-э, жаноби олийлари, бу сатрлар-чи, тўрт танга берсангиз, Миркомил деган бой экан-у, ўзининг отасини сотади!.. Ўзимизнинг хуфиялларга иш қолдирмайди булар!.. Елкасига қоқиб қўйсангиз, бири-бирининг устидан ҳам ёзиб бераверади...» — келгинди зобитлар оғзидан ўз одамларимиз ҳақида шундай қаҳратли, аммо аччиқ ҳақиқатни эшитиш оғир, жуда оғир!

Миркомилбойнинг сўнгги дамлари ҳақидаги мана бу лавҳа билан танишганда вужуд-вужудингиз увишиб кетади:

«Миркомил елкаси, бели аралаш устма-уст санчилаётган, аъзои баданини ўпириб-қўпориб ўтаётган қўрғошин сочмасининг гўё ўзига дахли йўқдек ибодатни адо этиш ниятида тинимсиз «Аллоҳу акбар-р!» дер, башарти, у бир сония ортига ўгирилса, кейинги кунларда тилидан тушмай қолган «Наҳотки?» деган қаттол саволга жавоб топар — зеро, мовий кўз соқчи боягибояги чеккада турганича тамаки тутатаётган, босар-тусарини йўқотган ўзбек аскарча эса талвасада устма-уст тепки босаётган эди — аммолекин Миркомил учун ўзидан чиққан ва бутун умр таъқиб этган душманини ўз кўзи билан кўриш орзуси ҳам ниҳоятда арзимас нимарсага айланган — унинг учун бу ёруғ дунёда холис ният-ла бошлаган сўнгги ибодатини адо этишдан муқаддасроқ мақсад-муддао қолмаган эди, бироқ ақлсиз ўқ тинмай узилаверади-узилаверади... Миркомилнинг тилка-пора бўлган жасади ўзи қазиган ҳандаққа гурсиллаб ағдарилди...»

Бу тарихий ҳикояни, унинг қаҳрамони қисматини ижтимоий мазмундан холи ҳолда тасаввур этиш мумкинми? Асло! Х. Дўстмуҳаммад Миркомил тақдири орқали бугунги кунда халқимизнинг, аниқроғи, маърифатли кишиларнинг дилига яқин, тили учида турган гапларни айтгай, кўнгилдаги афсус-армонларни ифодалаган!

Хуллас, «гап айтиш», «масала кўтариш», муҳим ижтимоий муаммоларга жавоб ахтариш, халқнинг кўнглидагини, тилининг учидагини ёзиш, ифодалаш ижод моҳиятига асло зид эмас, балки етук ижод, қандай шаклда бўлмасин ҳеч қачон ижтимоий ҳодисалардан четда туролмайди. Ҳикоячилигимиздаги самарали изланишлар туфайли, сўзсиз, жанрнинг ифода кўлами кенгаймоқда, унда инсонни тушуниш тераялашмоқда, инсон жумбоғи кутилмаган, янги томонлардан ёшф этилмоқда, айни пайтда, шулар билан баробар, асарларнинг, уларда яратилган образларнинг ижтимоий моҳияти ҳам чуқурлашиб бормоқда.

ҚАЛАМКАШ ЎҚИТУВЧИЛАР АНЖУМАНИ

Мустақиллик туфайли Республикамиз ўз маорифи, маърифатига нигоҳини қаратгач, кўмилиб ётган муаммолар юзага чиқди. Бу қурилмани қайтадан кўриб чиқиш, унинг бағрига тоза ҳаво юргизиш бошланди. Республика Халқ таълими вазирлиги томонидан ўтказилган ижодкор ўқитувчилар ва тарбиячиларнинг биринчи адабий анжумани ҳам ана шу мақсадга қаратилган эди.

Анжуманга республикамизнинг турли вилоят, туманларида яшаётган ижодкор ўқитувчи, тарбиячилар йиғилди. Уларнинг сони юздан ортиқ эди. Ўқитувчилар уйида бўлиб ўтган бу адабий йиғинда уларнинг шеър, ҳикоя тўпламлари, драмалари муҳокама қилинди.

Икки кун давом этган йиғинга Республика Халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев бошчилик қилди. Ўзбекистон халқ шоири Шукрулло, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг биринчи котиби Жамол Камол, шоирлардан Гулчеҳра Нуруллаева, Рауф Парфи давраба бўлишди. Анжуман қашқадарёлик Баҳром Маҳмудов, сурхондарёлик Олланазар Улуғов, намойилик Боборахим Омонов, бухоролик Тўра Ҳамроев, самарқандлик Омонбой Раббимова, тошкентлик Тошпўлат Холматов, сариосиёлик тожик тилида ижод қилувчи Холбой Жалилов каби бир қатор қаламкашларни юзага чиқарди. Баҳсу мушоралар давомида мактабларимизда тил ва адабиёт фанининг ўқитилишига алоҳида тўхталди. Ўзбекистон халқ ёзувчиси, «Шарқ юлдузи» журнали муҳаррири Уткир Ҳошимов бошчилигида ўтган давра суҳбати адабиёт дарсликлари савиясига бағишланди. Бу баҳсу мунозарада таниқли олимлар Озод Шарафиддинов, Умарали Норматов иштирок этди

Яна бир масала. Ҳозирги кунда янги дарсликлар яратилмоқда. Бозор иқтисодиёти, қоғоз танқислиги натижасида баъзи бирлари нашр қилинмаяпти. Ўз-ўзидан мундарижаси ҳам эскирмоқда. Шу ўринда янги дастурларни тезда яратиш, яратганда ҳам бир нечта тўрини яратиш даркор. Бу эса мажбурийликка чек қўйиб, ихтиёрийликка йўл очади. Ўқитувчида ижодкорликни уйготади. Ўқитувчи ва ўқувчининг майли, эрки ҳисобга олинади. Асарлари бугун дарсликлардан ўрин олган замондошларимиз Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Уткир Ҳошимов, Ҳалима Худойбердиева ва бошқа таниқли ижодкорлар вақти-вақти билан жойларга чиқиб, ажратилган соатлар бўйича ўз дарсларини ўтсалар яхши бўларди. Ижодкор ўқитувчилар ва тарбиячиларнинг бундай йиғини келгуси йили худди шу пайтда анъанавий равишда Гулистон шаҳрида давом этади. То унга қадар вазирлик ҳисобидан бу йилги қатнашувчилар асарлари жамланган алоҳида тўплам нашр қилинади.

С. БАРНОЕВ

БИЛДИРИШ

Шу йилнинг 4 ноябр куни соат 15.00 да Ўзбекистон Ёзувчилари Уюшмаси биносида (Жавоҳарлаъл Неру кўчаси, 1-уй, метронинг «Мустақиллик майдони» бекати) шеърнятга илк қадам қўяётган шоираларнинг танлов-кўрик мушоираси ўтказилади. Мушоирани шоира Гулчеҳра Нуруллаева олиб боради. Таниқли шоиралардан иборат танлов ҳайъати фаолият кўрсатади.

Мушоирага марҳамат!

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Рассомлар уюшмаси таржимон Амир Файзуллаев ва рассом Темур Саъдуллаевга отаси

Саъдулла ФАЙЗУЛЛАЕВ

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Ўзбекистон Ёзувчилар Уюшмаси ва Адабиёт жамғармаси шоир

Шокирхон ҲАКИМИЙ

бевақт вафот этгани муносабати билан марҳумнинг оиласига, қариндош-уруғларига чуқур таъзия изҳор қиладилар.

КЕТМАДИ КЎНГУЛДИН ҲЕЧ ДИЙДОРИ САМАРҚАНДНИНГ, КЎЗУМДИН УЧАР ҲАР ДАМ ГУЛЗОРИ САМАРҚАНДНИНГ...

ШАЙБОНИЙХОН



ЎТМИШНИ БИЗ, ЎТМИШ БИЗНИ ҚЎЛЛАЙДИ

Ўтмиши йўқ халқ эмасмиз. Ўтмиш бу — томирлар. Тирик томирлар.

Томир бу мавҳум, қўл билан тутиб бўлмайдиган бир туманли нарса ё ҳодиса эмас. Томир бу — аввало жуда қадим-қадимларга кетган маданият ва маънавият. Халқнинг қаддини қад қилиб турадиган, нурамайдиган умуртқа.

Хорлик исканжасидан чиқдик. Қарамлик исканжасидан қадам-бақадам қутулиб боряпмиз. Бизга эндиликда ўтмиш, тарих қадриятларимиз янада қадрлироқ, янада ноёброқ, янада такрорланмас бўлиб кўринавераді. Уларда янги мазмун кўрамиз, янги маъно уқамиз.

Чунки узоқ томирларимиз борқи, биз ер юзидаги жамики маданий, тараққий қилган халқлар ўртасида ўз ўрнимизга, ўз истиқболимизга, ўз ҳалол ризқ-рўзимизга эгамиз. Тирик ва қудратли томирларимиз борки, биз ҳар кимлардан эҳсон ва инъомлар кутиб ўтирмаймиз.

Мустақил яшашга иқтидоримиз етарли. Биз эндиликда жаҳонни ўрганишга чиқамиз. Қизил ва оқ асоратлардан қутулган ҳолда муносиб ҳаёт қуриш йўлларини ўрганамиз.

Албатта, бизни кўролмаётганлар, улуғ давлатчиликни ниқоб қилиб мустамлакачиликни тиклашга уринаётган кучлар оз эмас. Уларни эътибордан соқит қилиш ёки заиф деб ўйлаш гоятда калтабинлик бўлур эди. Улар ҳатто ҳеч қандай ибо қилиб ўтирмасдан бутун-бутун халқларни озодликка чиқарган ва шоду хуррам қилган миллий мустақиллигимизни тирноқ ичига олиб ёзмоқдалар, мустақиллик байроғини кўтариб бораётган миллий йўлбошчилар ҳақида ўта киноя ва менсимаслик билан ёзмоқдалар. Чамаси, улар йигирманчи йилларнинг бошларида қилингани каби бир ҳамлада, бир танк ва ракета суронида бу миллий мустақил замонавий янги давлатларни йўқ қилиб юбориш, бошқатдан оғир асоратга солиш ва мустамлакага айланган мамлакатларнинг бойликларини ўзлаштириб ётишни орзу қиладилар. Шунинг учун неча-неча халқлардан ҳеч бир андиша ва уят қилиб ўтирмай «мустақиллик», «миллийлик», «миллий йўлбошчилар» деб тирноқ остида ёзадилар, айрилган бойликлари аламини шундай ишлар қилиб оладилар. Лекин эндиги замон бутунлай бошқа. Эндиги дунёда бутунлай бошқа шамоллар эсаётир. Замон эса орқага қайтмайди. Ҳозир бутун жаҳон халқлари ва жаҳон мамлакатлари бир-бирларидан огоҳлар. Бир-бирларига эркинлик ва бахт-саодат йўлида доим мададкор қўлларини чўзишга тайёрлар. Босиб олиш ишқибозлари ҳеч қачон халқлардан уларнинг ихтиёрларини, хоҳиш-иродаларини сўраган эмаслар. Аксинча доим бир юз ўттиз йил мобайнида ҳар қандай ихтиёр, ҳар қандай хоҳиш-иродани топтаб келганлар. Улар абадул-абад шундай топтаб, хўрликда тутиб яшашни истар эдилар. Лекин Замон бошқа. Замон бошқа! Улар шуни англашни истамайдилар.

Мана бу суратларда акс этган улуғвор маданий-маънавий ёдгорликларимизнинг мингдан, юз мингдан бир улушига тикилиб ўтириб, уларнинг салобатли қиёфасидаги ажиб бир яшаришни кўриб, ҳа, ростдан ҳам, Замон бошқа деймиз.

Сурат билан ҳикоя яратадиган моҳир уста Содиқ Маҳкамнинг нафосатга сергак асбоби туширган манави кўзлари чақнаб турган, ҳаёси ва ибоси ҳар нарсадан ҳам чиройли қизларга, муҳтарам санъаткор Мелис Афзал ва унинг санъаткорлик сари илк талантли қадамлар қўяётган қизи Нодирага, анов маърифатимизнинг неча минг йиллик самарадор тарихини ўрганишга киришган ўсмирга, ихлоси том билан илоҳий сўзларни тиловат қилаётган қорию қурроларга, Шоҳизиндага ихлос — халос! — деб такрорлаб кириб кетаётган аёлга ва ниҳоят буюк бобомизнинг муқаддас хоки посига қараб туриб, яна ўшаларга, — бизни менсимаётганларга, мустақиллигимизни тирноқ ичига олиб ёзиб, роҳат қилаётганларга қарата яна ва яна: Замон бошқа! Замон бошқа! Агар шуни тушуниб олмасангиз, ҳаётда бугунгидан ҳам оғирроқ кунга қоласиз, жаноблар! — дегимиз келади.

Қийинчиликлар, қимматчиликлар вақтинча. Ҳуррият эса боқийдир. Чин ҳуррият Аллоҳ иродаси билан бўлади. Аллоҳга тегишли нарсаларнинг эса ҳаммаси абадияндир.

Иброҳим ҒАФУР







МУАССИС: «ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ» ҲАФТАЛИГИ ИЖОДИЙ ЖАМОАСИ

ҲАММУАССИС: МАДАНИЯТ ВА УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР ХАЛҚ АКАДЕМИЯСИ

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

Манзилгоҳимиз: Тошкент-700083, Ленинград кўчаси, 32. Телефонлар: қабулхона — 33-52-91, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-56-49

«ЛИТЕРАТУРА И ИСКУССТВО УЗБЕКИСТАНА»
Издается на узбекском языке

Редакцияга келган қўлёзма ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди.

Бош муҳаррир ўринбосари: Иброҳим ҒАФУРОВ

Таҳрир ҳайъати: Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ, Мурод АБДУЛЛАЕВ (ижтимоий ҳаёт бўлими мудири), Ашурали ЖУРАЕВ (санъат бўлими мудири), Мирзо КЕНЖАБЕК, Камол МАТЕҚУБОВ (наср ва назм бўлими мудири), Маҳмуд САЪДИЙ (адабиётшунослик ва танқид бўлими мудири), Озод ШАРАФИДДИНОВ, Саъдулла ҲАКИМ (масъул котиб)

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:
Аҳмадали АСҚАРОВ, Ҳамидулла АКБАРОВ, Шароф БОШБЕКОВ, Эркин ВОҲИДОВ, Одил ЕҚУБОВ, Нафиса ЗОҲИДОВА, Пўлат ЗОҲИДОВ, Баҳодир ЙУЛДОШЕВ, Дадахон НУРИЙ, Абдулла ОРИПОВ, Турсуной СОДИҚОВА, Тошпўлат ТОЖИДДИНОВ, Жавлон УМАРБЕКОВ, Тўхтасин ҒАФУРБЕКОВ

Навбатчи муҳаррир — Мурод АБДУЛЛА
Босмахонага топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 20.10
210 минг 723 нусхада чоп этилди.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

1956 ЙИЛ 4 ЯНВАРДАН НАШР ЭТИЛА БОШЛАГАН

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

БАҲОСИ 3 СЎМ

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Индекс 64593. Буюртма № Г-402

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12